

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС  
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ТОШКЕНТ АРХИТЕКТУРА ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ**

**Иноятов У.И., Нуримбетов Р.И., Саидов М.С.,  
Маманазаров О.Ш.**

**ҚУРИЛИШ КОРХОНАЛАРИ ХЎЖАЛИК ФАОЛИЯТИ ТАҲЛИЛИ**

**(ЎҚУВ ҚЎЛЛАНМА)**

**2-ҚИСМ**

**ТОШКЕНТ 2009**



<b>КИРИШ</b> .....	4
<b>VI – БОБ. КОРХОНАНИНГ АЙЛАНМА МАБЛАҒЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ ТАҲЛИЛИ</b>	
6.1. Корхона фаолиятида айланма маблағлар моҳияти ва унинг иқтисодий тавсифи .....	122
6.2. Айланма маблағлар тузилмаси, ҳаракати ва уларнинг корхона ишлаб чиқариш фаолиятига таъсири таҳлили .....	127
6.3. Корхона ишлаб чиқариш фаолиятида айланма маблағларни меъёрлаштириш усуллари .....	133
6.4. Корхона айланма маблағларининг ҳолати ва улардан фойдаланиш самарадорлиги таҳлили .....	141
<b>VII – БОБ. МАҲСУЛОТ (ИШ, ХИЗМАТ) ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ТАННАРХИ ТАҲЛИЛИ</b>	
7.1. Қурилиш маҳсулоти таннархи таҳлили .....	145
7.2. Қурилиш – монтаж ишлари таннархи таҳлили .....	147
7.3. Маҳсулот ишлаб чиқаришда харажатларнинг фойда миқдорига таъсири таҳлили .....	152
<b>VIII – БОБ. МОЛИЯВИЙ ТАҲЛИЛНИНГ МАЗМУНИ ВА АҲАМИЯТИ</b>	
8.1. Корхона молиявий таҳлилининг моҳияти ва унинг вазифалари .....	156
8.2. Молиявий таҳлилнинг мақсади, босқичлари ва асосий шакллари ...	159
8.3. Молиявий таҳлил субъектлари, уларнинг мақсади ва манфаатдорлиги .....	160
8.4. Корхоналарда молиявий таҳлил услублари ва усулларини ўрганиш .....	162
<b>IX – БОБ. КОРХОНА ФАОЛИЯТИ МОЛИЯВИЙ НАТИЖАЛАРИ ТАҲЛИЛИ</b>	
9.1. Молиявий ҳисобот натижаларини баҳолаш усуллари .....	170
9.2. Корхонанинг молиявий натижалари таҳлили .....	176
9.3. Корхонанинг молиявий барқарорлиги ва мустаҳкамлиги таҳлили..	182
9.4. Корхонанинг ликвидлиги ва тўловга лаёқатлилиги таҳлили .....	193
<b>X – БОБ. ҚУРИЛИШ ХЎЖАЛИК ФАОЛИЯТИ ТАҲЛИЛИНИНГ АХБОРОТ ТАЪМИНОТИ ТИЗИМИ</b>	
10.1. Қурилишда бошқарувни ҳисобга олиш тизимини шакллантиришга асосий ёндашувлар .....	201
10.2. Бошқарув ҳисоби тизимида жавобгарлик марказларини шакллантириш .....	211
<b>ХУЛОСА</b> .....	223
<b>АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ</b> .....	225

## КИРИШ

Бозор муносабатларининг ривожланиши ҳар бир корхона олдига ташқи муҳит таъсирида ўз хўжалик юритиш фаолиятини такомиллаштириб бориш вазифасини қўяди.

Бозор иқтисодиётининг ривожланиши корхоналар хўжалик фаолиятини, биринчи навбатда бозор иқтисодиётининг асосини ташкил этувчи алоҳида корхоналар ва уларнинг ички таркибий тузилмалари, қуйи бўғинлари(турли мулк шаклидаги)ни таҳлил этиш заруриятини келтириб чиқаради.

Фаолият юритаётган аксарият қурилиш корхоналари фаолияти таҳлилидан шундай хулоса қилиш мумкинки, улар фаолиятида бошқарувнинг иқтисодий усулларидан фойдаланиш даражаси талаб даражасида эмас. Хусусан, ижрочиларни рағбатлантириш механизми яхши йўлга қўйиламаган бу ўз навбатида корхоналардаги мавжуд барча ресурслардан самарасиз фойдаланишга, тўпланган бозор тажрибаларидан оқилона фойдаланмасликка олиб келмоқда. Иерархик бошқарув тузилмалари доирасида, шунингдек ҳатто афзалликлар аниқ бўлган ҳолатда ҳам бошқарув вазифаларини амалга ошириш масалалари ўзининг ижобий ечимини топмаяпти.

Ҳозирги вақтда ўз ечимини кутаётган вазифалардан бири қурилиш соҳасида лойиҳавий-йўналтирилган бизнес хусусиятини ҳисобга олган тарзда иқтисодий таҳлилнинг амалий методикалари ва методологик асосларини ишлаб чиқишдан иборат. Бу қурилиш корхоналарининг ожиз жойларини ўз вақтида тўғри аниқлаш, бозорнинг ўсиш стратегияларини ишлаб чиқиш ҳамда ташкилотни бошқаришнинг бошқа асосий муаммоларини ечишга имкон яратади. Билиш назариясига асосан, таҳлил-бу ходиса ва жараёнларни яхлит бир объектнинг алоҳида элементлари, хусусиятлари, вазифалари, улар ўртасидаги боғлиқликлар бўйича ва объектлар хусусиятларининг қонунийлиги жиҳатидан ходиса ва жараёнларни ўрганишнинг ташкил этувчи қисмидир. Ташкилотнинг бутун хўжалик фаолиятини аниқлашда комплекс таҳлилдан фойдаланилади. Комплекс таҳлил ўтказиш объекти сифатида ҳар

томонлама кўриб чиқишни талаб этган ҳолда, айнан бир мақсадда бирлашган анъанавий ҳамда қайта тикланаётган моделлар таҳлилининг методологик асосини ташкил этади. Комплекс таҳлилнинг ўзига хос хусусиятлари шундан иборатки, у иқтисодий амалларни алоҳида хўжалик юритувчи субъект даражасида ўрганади. Унинг асосий тамойиллари бўлиб, умумий мақсад; тўлиқлик; тизимлилик; мувофиқлик; ягона вақтинчалик ажратмалар ҳисобланади.

Таҳлилнинг берилган методологик ҳолати, иқтисодий жараён ва натижаларни текширишнинг жами усуллари, ташкилотни бошқариш тизимидаги таҳлил усуллари, таҳлилнинг объекти ва субъекти- буларнинг барчаси биргаликда иқтисодий таҳлилнинг концептуал моделини ташкил қилади.

Қурилиш маҳсулоти ихтисослашуви, пудрат ишлари бозоридаги иқтисодий муносабатлар табиати, танлов асосида буюртмаларни пудрат ишларига жойлаштириш шундан далолат берадики, қурилиш ташкилотининг рақобатбардошлиги ва инвестицион-қурилиш даври қатнашчиларининг иқтисодий манфаатлари ҳамжиҳатлигининг таъминланиши комплекс таҳлил концептуал моделининг асосий кўрсаткичлари ҳисобланади.

Фикримизча, қурилиш ташкилотида комплекс таҳлил тизимини яратиш тамойилларидан бири бу - ташкиллаштирилган ҳолда амалга ошириш, барча бошқарув структуралари билан алоқани таъминлаш, таҳлил натижаларидан фойдаланувчи барча савиядаги кишиларга тушунарли аналитик “тил”ни ишлаб чиқиш, фирма ичида аналитик тизимни максимал даражада шакллантиришдир.

Таҳлил жараёнида ечимлари айнан бир бошқарув даражасига боғлиқ бўлган муаммоларни аниқлаш лозим. Агар бундай йўл билан аналитик кўрсаткичлар тизими бошиданок йўлга қўйилмаса, ташкилотда йўл қўйиб бўлмайдиган ёки кутилмаган ўзгаришларга ўз вақтида таъсир этувчи қўшимча бошқарув алоқаларини яратиш зарур бўлади.

Иқтисодий адабиётларда тадбиркорлик жараёнларини моделлаштириш, уларни қайта шакллантиришга етарлича катта эътибор қаратилган, аммо, ташхис масаласи етарли даражада очиб берилмаган. Иқтисодий таҳлил назарияси ва амалиётида асосий урғу натижага берилади, лекин, ташкилот муаммолари жараёнларда пайдо бўлади. Айнан тадбиркорлик жараёнларининг “нуқсонлар” таҳлили олдиндан бизнес муаммолари ташхисини ва ўз вақтида уларнинг ечимини таъминлайди.

Мазкур ўқув қўлланма бозор иқтисодиёти шароитида қурилиш корхонасининг хўжалик фаолиятини таҳлил қилиш усуллари ва йўлларини ўрганишда талабаларга яқиндан ёрдам беришга мўлжалланган. Шунингдек, қўлланмадан қурилиш корхонаси фаолияти таҳлили билан шуғулланувчи амалиётчи мутахассислар ва шу соҳага қизиқувчилар фойдаланишлари мумкин.

## **VI –БОБ. КОРХОНАНИНГ АЙЛАНМА МАБЛАҒЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ ТАҲЛИЛИ**

### **6.1. Корхона фаолиятида айланма маблағлар моҳияти ва унинг иқтисодий тавсифи**

Корхоналарнинг айланма маблағлари - айланма фондлар, муомала фондлари ва бошқа активлардаги пул маблағларидир.

Айланма маблағлар асосий фондлардан фарқ қилиб, бир ишлаб чиқариш даври мобайнида тўла истеъмол қилинади, яъни ўз қийматини тайёр маҳсулотга ўтказди ва ашёвий-натура кўринишида ҳам, қиймат тавсифида ҳам тикланади ва шу йўсинда узлуксиз ҳаракатда бўлади.

Ишлаб чиқаришни қайта бошлаш узлуксизлигини таъминлаш учун корхона тасарруфида бор бўлган ресурслар бир маромда бир шаклдан иккинчисига (пулдан-ишлаб чиқариш, ишлаб чиқаришдан товар ва ниҳоят товардан-пул шаклига) ўтиши ва нормадан ортиқча тўпланиб қолмаслиги керак. Акс ҳолда маблағларнинг айланувчанлиги секинлашади ва ишлаб чиқариш жараёни бузилади.

Айланма маблағларни уларнинг ишлаб чиқаришда иштирок этиш тавсифи ва унга таъсир этиш даражаси; ҳосил бўлиш манбалари бўйича таснифлаш мумкин.

Ишлаб чиқаришда иштирок этиш тавсифига кўра айланма маблағларни икки гуруҳга: ишлаб чиқариш соҳасига хизмат кўрсатувчи ва муомала соҳасидаги маблағлар гуруҳларига ажратиш мумкин. Биринчи гуруҳга моддий ресурслардан таркиб топган айланма фондлар, иккинчисига товар ва пул шаклида, шунингдек тугалланмаган ҳисоб китоблар шаклида бўлган муомала фондлари киритилади.

Ҳосил бўлиш манбаларига кўра айланма маблағлар ўз ва қарз маблағларига ажратилади.

Айланма маблағларни таҳлил қилишда 3 гуруҳга бирлаштирилиши мумкин бўлган қуйидаги қатор кўрсаткичлардан фойдаланилади:

- айланма маблағлар ҳолати;
- айланма маблағлар билан таъминланганлик;
- айланма маблағлардан фойдаланиш самарадорлиги.

Айланма маблағлар ҳолатини тавсифловчи кўрсаткичларга сўм ва кунлардаги айланма маблағлар; айланма маблағларнинг йиллик ўртача суммаси; муомаладаги ўз маблағлари суммаси; амалда ишлатилиб турган сармоя; айланма маблағлар таркиби; айланма маблағларнинг қатор йиллардаги суммаси ва айланиш кунларидаги динамикаси киритилади.

Айланма маблағлар суммаси айланишда маблағларнинг борлигини тавсифлайди. Уларни узоқ муддатли активлардан фарқлаб жорий активлар шунингдек, иммобил маблағлардан фарқлаб мобил активлар, яъни асосий фондларга, капитал қурилишга қўйилган маблағлар дейилади.

Айланма маблағлар суммаси бухгалтерия баланси асосида аниқланади. Баланс активи 2-бўлими якуни айланма маблағларнинг маълум санасига бўлган суммасини кўрсатади.

Пул тавсифидаги айланма маблағлар уларнинг ҳажмини тавсифлайди. Аммо айланма маблағлар суммаси бўйича уларга сифат тавсифини бериб бўлмайди. Бу мақсадда айланма маблағларнинг айланиш кунларидаги кўрсаткичи, яъни улар корхонанинг неча кун ишлашига етиши ҳисобланади. Бу кўрсаткични аниқлаш учун корхона айланма маблағлари умумий суммасини бир кунлик маҳсулот реализациясига бўлиш, савдо корхоналарида эса бир кунлик товар айланишига бўлиш керак бўлади. Айланма маблағларнинг айланиш кунларидаги ҳисоб китоби, бухгалтерия ҳисоботи маълумотлари бўйича айланма маблағлар ишлаб чиқариш дастури бажарилган тақдирда неча кунга етиши мумкинлигини кўрсатади.

Аммо бу айланма маблағлардан ҳисоботдан кейинги даврда фойдаланилади. Шунинг учун айланма маблағларнинг ҳақиқий суммасини



кейинги чоракда режалаштирилаётган бир кунлик маҳсулот реализациясига бўлиш керак.

Ҳисоб-китобда қуйидаги формуладан фойдаланилади:

$$K_{\text{ай.м.}} = \frac{\text{Ай} \cdot \text{МС} \times 90}{P_{\text{мр}}},$$

Бу ерда

$K_{\text{ай.м}}$  – кунлардаги айланма маблағлар;

**Ай.МС** – айланма маблағлар суммаси;

$P_{\text{мр}}$  –кейинги чоракда режалаштирилган мааҳсулот реализацияси.

Айланма маблағларнинг йиллик ўртача суммаси айланма маблағларнинг йиллик ўртача суммасини тафсифлайди. У қуйидаги формула бўйича ҳисобланади.

$$\text{Ай.МС} = \frac{\text{Ай.МС}_1 + \text{Ай.МС}_2 + \text{Ай.МС}_3 + \text{Ай.МС}_4 + \text{Ай.МС}_5}{4}$$

бу ерда:

**Ай.МС** - айланма маблағларнинг йиллик ўртача суммаси.

**Ай.МС 1, ..., Ай.МС5** – чораклар бошига ва охирига айланма маблағлар суммаси.

Бу кўрсаткичдан бизнес – режаларни тузишда ва айланма маблағлардан фойдаланиш самарадорлигини таҳлил қилишда кенг фойдаланилади.

Муомаладаги ўз маблағлари суммаси (ЎМС) муомалада қанча маблағлари манбалари борлигини кўрсатади. Бу суммани аниқлаш учун ўз маблағларининг барча суммасидан узоқ муддатли активларда, яъни асосий ва уларга тенглаштирилган активларда турган суммани айириш керак бўлади. Аммо асосий воситалар ва сармоя қўйилмаларида узоқ муддатли қарз ҳамда кредитлар ҳам бўлиши мумкинлиги сабабли, уларни ҳисоб-китоб вақтида ҳисобга олиш керак бўлади. Шундай қилиб, муомаладаги ўз маблағлари суммасини аниқлаш учун баланснинг 1-бўлими «Ўз маблағлари» якунидан (480-сатр) баланс активи 1-бўлими «Узоқ муддатли активлар» якунини (130-

сатр) айириш ва «Узоқ муддатли қарзлар» ҳамда «Узоқ муддатли кредитлар» (490-сатр) суммасини қуйидаги формула бўйича қўшиш керак:

$$\text{Ўз.Ай.М.} = \text{ЎзММ} - \text{Ўз.акт.} + \text{Ўз.қарз.} + \text{Ўз.кр.},$$

бу ерда;

**Ўз.Ай.М.** – ўз айланма маблағлари;

**ЎзММ** – ўз маблағлари манбалари (баланс пассиви 1-бўлими якуни);

**Ўз.акт.** – узоқ муддатли активлар (актив 1-бўлими якуни);

**Ўз.қарз** – узоқ муддатли қарзлар;

**Ўз.кр.** – узоқ муддатли кредитлар, ёки

$$\text{Ўз.Ай.М} = 480 - \text{сатр} - 130 - \text{сатр} + 490 - \text{сатр}.$$

Ишлаб турган сармоя муайян санага муомалада иштирок этаётган ўз сармояси суммасини тавсифлайди. Бу кўрсаткич муомаладаги ўз маблағлари суммасига тенг деб ҳисобланади. Айланма маблағларда иш берилган вақтда муомалада қатнашмаётган ва ишлаб чиқаришдаги сармоя сифатида ишлай олмайдиган муддати ўтган узоқ муддатли қарзлар ҳам бўлиши мумкин. Шунинг учун ишлаб турган сармояни аниқлашда муомаладаги ўз маблағлари умумий суммасидан 2а-шакл «Дебиторлик ва кредиторлик қарзлари тўғрисида маълумотнома»да кўрсатиладиган муддати ўтган дебиторлик қарзларни чегириш лозим бўлади. Айланма маблағлар билан тавсифлайди:

-муомаладаги ўз маблағлари улуши, яъни ўз маблағлари суммаси айланма маблағларнинг қанча фоизини ташкил қилади. Бу мақсадда муомаладаги ўз маблағлари суммасини 100 га кўпайтириш ва айланма маблағлар суммасига бўлиш керак;

-муомаладаги қарз маблағлари улуши яъни айланма маблағларда жалб қилинган маблағларнинг салмоғи қандай;

-айланма маблағлардаги дебиторлик қарзларининг улуши;

-айланма маблағлардаги захиралар ва сарфлар улуши;

- айланма маблағлардаги пул маблағлари улуши.

Айланма маблағлар билан таъминланганлик уларнинг меъёрдан фарқланиши билан тавсифланади. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маъжамасининг “Вазирликлар, идоралар ва корхоналарнинг меъёрий айланма маблағлари тўғрисида” 2004 йил 21 февралдаги 102-сонли қарорига кўра корхоналарнинг молиявий аҳволини мустаҳкамлаш, моддий ва молиявий ресурслардан оқилона фойдаланиш, айланма маблағларнинг айланувчанлигини тезлаштириш мақсадида фаолият турларини ҳисобга олиб айланма маблағларнинг табақаланган меъёрлари тасдиқланган. Корхоналар молиявий ҳисоботини ўрганиш маълумотларининг кўрсатишича, Ўзбекистон Республикаси корхоналарида айланма маблағлардан ёмон фойдаланилмоқда. Ката миқдордаги дебиторлик қарзлари, айланма маблағлар айланувчанлигининг сустлиги ишлаб чиқаришга қўшимча маблағлар жалб қилишни талаб қилмоқда. Шуларни назарда тутган ҳолда, республика Президентининг И.А.Каримов 2003 йил 20 июлда “Айланма маблағларнинг сақланиши ва уларни ўз вақтида тўлдирилиб бориши учун маъсулиятни оширишга доир чора-тадбирлар тўғрисида” фармон чикди. Фармонда республикадаги айрим вазирликлар, идоралар ва корхоналардаги молиявий аҳволнинг қониқарсиз эканлиги, ўз айланма маблағлари сақланишига масъулиятсизлик билан ёндашиш, дебиторлик қарзларида анчагина маблағлар тўпланганлиги, тайёр маҳсулотнинг нормативдан ортиқча қолдиқлари ҳаракатсиз ётганлиги ҳолатлари далиллар билан таъкидланади.

Бинобарин, айланма маблағларни таҳлил қилишда ҳақиқий айланма маблағларни меъёрлар билан қиёслаш ва меъёрдан ортиқча айланма маблағлар ва нормативдан кам айланма маблағларни ҳисоблаб чиқиш керак бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маъжамасининг 2004 йил 21 февралдаги 102-сонли қарорида айланма маблағлар меъёрлари идоралар турига кўра 1 сўм харажатга кун ва тийинларда белгиланган.

Бу қарорга кўра айланма маблағлар меъёрини аниқлаш учун маҳсулот ишлаб чиқаришга сарфланган харажатларнинг бир кунлик суммасини

кунларда белгиланган меъёрларга қуйидаги формула асосида кўпайтириш керак:

$$\text{Ай.Мн.} = \frac{\text{МИХ}}{K} xKn,$$

бу ерда;

**Ай.Мн.** – айланма маблағлар меъёрий суммаси;

**МИХ** – маҳсулот ишлаб чиқариш харажатлари суммаси;

**К** – даврдаги кунлар сони;

**К** – айланма маблағларнинг кунларда белгиланган меъёри.

Айланма маблағлар меъёри 1 тийин харажатни ҳисобга олиб белгиланадиган бўлса, унда ишлаб чиқариш харажатлари умумий суммасини 1 сўм харажатга тийинларда белгиланган меъёрини қуйидаги формула бўйича бўлиш лозим бўлади:

$$\text{Ай.Мн.} = \text{ИХ} \times \text{Н} / 1 \text{ сўм},$$

бу ерда;

**Их** – ишлаб чиқариш харажатлари;

**Н/1 сўм** – айланма маблағларнинг 1 сўм харажатга меъёри.

Айланма маблағлардан фойдаланиш самарадорлиги айланма маблағларнинг кунлардаги айланувчанлигини; айланма маблағлар рентабеллигини, яъни айланма маблағлар 1 сўмига олинadиган фойдани тавсифлайди.

Айланма маблағларнинг кунлардаги айланувчанлиги айланма маблағлар йиллик ўртача суммасининг бир кунлик айланиши (реализацияси)га нисбати сифатида қуйидаги формула бўйича аниқланади.

$$\text{Ай.МА} = \text{Ай.М} : \text{Р/К},$$

бу ерда;

**Ай.МА** – айланма маблағлар айланувчанлиги;

**Ай.М** – айланма маблағларнинг йиллик ўртача суммаси;

**Р** – маҳсулот реализацияси суммаси;

**К** – даврдаги кунлар сони (қоидага кўра 1 йилда – 360 кун). Айланма маблағларнинг кунлардаги айланувчанлигини “кунлардаги айланма маблағлар” кўрсаткичи билан аралаштирмаслик керак, буни ҳисоблаш усули илгари баён этилган (айланма маблағлар ҳолати кўрсаткичларига қаранг).

Айланма маблағларнинг 1 марталик айланувчанлиги (айланувчанлик коэффиценти – АйК) маҳсулот реализацияси суммасининг айланма маблағлар йиллик ўртача суммасига нисбати сифатида аниқланади; даврдаги кунлар сони (360 кун) айланма маблағларнинг кунлардаги айланувчанлигига қуйидаги формула бўйича бўлинади:

$$\text{Ай.К} = P / \text{Ай.М} \quad \text{ёки} \quad \text{Ай.К} = 360 / \text{Ай.М.}$$

Айланма маблағлар рентабеллиги соф фойданинг айланма маблағлар йиллик ўртача суммасига нисбати сифатида қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$\text{Ай.МР} = \frac{C\Phi \times 100}{\text{Ай.М.}},$$

бу ерда;

**Ай.МР** – айланма маблағлар рентабеллиги;

**СФ** – соф фойда.

Бу кўрсаткич корхона айланма маблағлар 1 сўмига қанча фойда олишини тавсифлайди.

## **6.2. Айланма маблағлар тузилмаси, ҳаракати ва уларнинг корхона ишлаб чиқариш фаолиятига таъсири таҳлили**

Айланма тузилмаларни режалаштириш ва бошқаришнинг ҳозирги пайтдаги амалиётида ушбу маблағларнинг таркиби ва тузилмасини баҳолаш ва таҳлил қилишга, шунингдек, уларнинг функционал роли ва ҳаракатига катта эътибор қаратилади. Айланма ишлаб чиқариш фондлари корхона айланма маблағларининг энг фаол қисми бўлса, муомала фондлари ишлаб чиқариш жараёнида бевосита иштирок этмайди ҳамда янги истеъмол

қийматини яратмайди. Бу ерда умумий қоида шундайки, айланма маблағлар доимо айланишда бўлиши зарур - уларнинг самарадорлиги ва корхона иқтисодиётига таъсири айнан шунда кўзга ташланади.


Айланма ишлаб чиқариш фондлари корхона айланма маблағларининг асосий ва салмоқли қисми сифатида ўз таркибига қуйидагиларни қамраб олади:

**- ишлаб чиқариш захиралари** – бу ишлаб чиқариш жараёнида ишлаб чиқаришга киритиш учун тайёрланган ҳамда хом ашё, асосий ва ёрдамчи материаллар, ёқилғи, харид қилинувчи ярим тайёр маҳсулотлар, бутловчи қисмлар, қадоклаш ва ўров материаллари, асосий фондларни таъмирлаш учун эҳтиёт қисмлар, ёқилғи-мойлаш материалларидан ташкил топувчи меҳнат предметлари;

**- тугалланмаган ишлаб чиқариш ва корхонада тайёрланган ярим тайёр маҳсулотлар** – бу, ишлаб чиқариш жараёнида фойдаланишга топширилган ҳамда ишлов бериш ва йиғув жараёнида бўлган, лекин ишлаб чиқариш жараёни тўлиқ тугалланмаган ҳамда ушбу корхонада кейинчалик ишлов берилиши лозим бўлган меҳнат предметлари;

**- келгуси давр харажатлари** - айна пайтда ишлаб чиқарилаётган, лекин келажакдаги маҳсулотларга мансуб бўлган янги турдаги маҳсулотларни тайёрлаш ва ўзлаштириш харажатлари (масалан, асбоб-ускуналарни қайта режалаштириш, маҳсулотларнинг янги турларини тайёрлаш ва лойиҳалаштиришга сарфланувчи харажатлар ва бошқалар).

Айланма ишлаб чиқариш фондлари алоҳида таркибий қисмлари ёки элементлари ўртасидаги фоизларда ифодаланувчи ўзаро муносабатлар **айланма ишлаб чиқариш фондларининг тузилмасини** ташкил қилади. Айланма ишлаб чиқариш фондлари ва муомала фондлари ўртасидаги худди шундай фоизлардаги муносабатлар корхона айланма маблағларининг тузилмаси деб аталади. 6.1 - расмда корхона айланма маблағларининг тахминий (намунавий) тузилмаси кўрсатилган.



**6.1 -расм. Корхона айланма маблағларининг намунавий тузилмаси**

6.1-расмдан кўриш мумкинки, ишлаб чиқариш захиралари айланма ишлаб чиқариш фондларининг асосий қисмини ташкил қилади. Бироқ бозор иқтисодиёти, айниқса, барча ресурслар тақчиллиги шароитларида ишлаб чиқариш захираларининг ҳаддан ташқари ошириб юборилиши корхона иқтисодиётига салбий таъсир қилишидан ташқари, ресурсларни “боғлаб” кўяди ҳамда уларнинг йўқотилишига олиб келади. Шу сабабли айланма маблағлар ҳажмини оптималлаштириш ва уларни маҳсулот ишлаб чиқариш

дастурларига мос ҳолга келтириш корxonанинг тежамкорлик режимида фаолият юритиши катта аҳамиятга эга бўлади.

Иқтисодиётнинг турли тармоқларидаги корxonаларнинг айланма маблағлари ишлаб чиқаришнинг технологик ташкил этиш хусусиятларига кўра, бир-биридан фарқ қилади. Бу хусусиятларнинг тавсифи ишлаб чиқарилаётган маҳсулот тури ва мураккаблиги, ихтисослаштириш даражаси, маҳсулотни реализация қилиш шароитлари ва шу кабилар билан изоҳланади.

Айланма фондлар тузилмаси нафақат қурилишнинг турли соҳаларида, хаттоки бир соҳа ва бир корxonанинг ўзида ҳам фарқланади. Бундай фарқланишга турли хилдаги хом ашё ва материаллар, ишлаб чиқариш технологияси ва техникасидаги фарқлар, корxonаларнинг географик жойлашуви, ишлаб чиқаришнинг ташкил этилиши ва меҳнат тақсимооти, моддий-техника таъминоти сабаб бўлиши мумкин.

Корxonалар айланма маблағлари таркиби ва тузилмасига хўжалик юритиш қобиляти ва унинг самарадорлигига риоя қилиш қоидалари катта таъсир кўрсатади. Яъни корxона ишлаб чиқариш захираларини ва айланма маблағларнинг таъминланганлигини ҳаддан ташқари оширишга интилмаслиги зарур. Амалиётнинг гувоҳлик беришича, бу, ресурсларнинг йўқолишига бўлишига ва сунъий танқисликнинг юзага келишига сабаб бўлади. Шу сабабли хом ашё ва материалларни сарфлашнинг технологик нормаларига риоя қилиш, уларни сақлашни тўғри йўлга қўйиш, чиқитлар ва йўқотишларни камайтириш, замонавий ва арзон материаллардан фойдаланиш катта аҳамият касб этмоқда. Бироқ арзон материаллардан фойдаланиш доим ҳам корxона имкониятлари ва хоҳишидан келиб чиқавермайди ва ташқи муҳит, биринчи ўринда ишлаб чиқаришдаги ҳамкорлар, баҳони шакллантириш, умумий иқтисодий барқарорлик ва бошқа омиллар билан ҳам боғлиқ бўлади: Буни амалий жиҳатдан қуйида “159-қурилиш трести” АЖ нинг айланма маблағлари таркиби келтирилган.



**6.1 - жадвал**

**“159 – қурилиш трести” АЖнинг 2006-2007 йиллардаги айланма маблағлари таркиби**

	Кўрсаткич	2006 йил		2007 йил		Фарқ (+;-)		Ўзг. нис., %да
		минг сўм	яқуни-га, %да	минг сўм	яқуни-га, %да	минг сўм	яқуни-га, %да	
1	Жами айланма маблағлар	7335997	100	5601809	100	-1734188	0	76,4
2	Хусусий маблағлар	2104044	28,7	1145278	20,4	-958766	-8,3	54,4
3	Хусусий айланма маблағлар	2131792	29,1	1145278	20,4	-986514	-8,7	53,7
4	Заём маблағлари	5835015	79,5	5039906	89,9	-795109	10,4	86,4
5	Захира ва харажатлар	557858	7,6	865736	15,4	307878	7,8	155,2
6	Дебиторлик қарзлари	6441142	87,4	4112231	73,4	-2328911	-14	63,8
7	Пул маблағлари	317763	4,3	532315	9,5	214552	5,2	167,5

6.1-жадвалда “159 – қурилиш трести” АЖнинг 2006-2007 йиллардаги айланма маблағлари таркиби таҳлил қилинган. Бунда, жами айланма маблағлар 2006 йилда 7335997 минг сўмни ташкил қилган бўлса, 2007 йилда 1734188 минг сўмга камайиб, 5601809 минг сўмни ташкил қилган. Хусусий маблағлар 2006 йилда 2104044 минг сўмни ташкил қилган бўлса, 2007 йилда 1145278 минг сўмни ташкил қилган, яъни 958766 минг сўмга камайган. Заём маблағлари 2006 йилда 5835015 минг сўмни ташкил қилган бўлса, 2007 йилда 795109 минг сўмга камайиб, 5039906 минг сўмни ташкил қилган. Захира ва харажатлар 2006 йилда 557858 минг сўмни ташкил қилган бўлса, 2007 йилда 307878 минг сўмга ошиб, 865736 минг сўмни ташкил қилган. Дебиторлик қарзлари 2006 йилда 6441142 минг сўмни ташкил қилган бўлса, 2007 йилда 4112231 минг сўмни ташкил қилган, яъни 2328911 минг сўмга камайган. Пул маблағлари 2006 йилда 317763 минг сўмни ташкил қилган бўлса, 2007 йилда 214552 минг сўмга ошиб, 532315 минг сўмни ташкил қилган.

Таҳлил натижаларидан кўриниб турибдики, жамиятнинг 2007 йилда мулк таркибининг фақат захира ва харажатлари ҳамда пул маблағлари

кўрсаткичларигина ошган. Қолган барча кўрсаткичлари 2006 йилга нисбатан, 2007 йилда пасайганлигини кўрсатмоқда. Демак, жамиятнинг айланма маблағлари таркиби 2007 йилда талаб даражаси эмас.

Корхона иқтисодиётига айланма маблағларнинг таркиби ва тузилмасидан ташқари, уларни ишлаб чиқариш, такрор ишлаб чиқариш ва муомаланинг турли босқичларида излаб топиш катта таъсир кўрсатади. Айланма маблағларнинг тўлиқ айланиши уч босқичдан иборат бўлиб, бу жараёнда маҳсулот ишлаб чиқарилади ва сотилади.

**Биринчи босқичда** айланма маблағлар пул шаклидан моддий бойликларнинг ишлаб чиқариш захираларига айланади, яъни пул - товар (П-Т).

**Иккинчи босқич** ишлаб чиқариш, яни маҳсулотни тайёрлаш жараёнини ўз ичига олади. Бу босқичда айланма маблағлар ва биринчи ўринда айланма фондлар тугалланмаган ишлаб чиқариш ва ярим тайёр маҳсулотлар ҳолига келтирилиб, товар шаклини олади (Т).

**Учинчи босқичда** айланма маблағлар товар маҳсулоти шаклида муомалага киритилиб, сотилади ва яна пул шаклини олади (Т-П).

Шу тариқа айланма маблағлар барча босқичлардан ўтиб, тўлиқ айланишни амалга оширишини қуйидаги тарзда акс эттириш мумкин:

- 1-босқич - пул-товар (П-Т);
- 2-босқич - ишлаб чиқариш (И.Ч);
- 3-босқич - товар-пул (Т-П).

Шуни қайд қилиб ўтиш муҳимки, корхонанинг айланма маблағлари бир вақтнинг ўзида учала босқичда ҳам пул маблағлари, ишлаб чиқариш захиралари, тугалланмаган ишлаб чиқариш, ярим тайёр ва тайёр маҳсулотлар кўринишида мавжуд бўлиши мумкин. Корхонанинг айланма маблағлари ҳаракати маълум бир иқтисодий қонунлар асосида ишлаши ҳамда улардан ишлаб чиқариш ва такрор ишлаб чиқаришнинг барча босқичларида оқилона фойдаланишни кўзда тутиши ҳам муҳим аҳамият касб этади. Ушбу қонунлардан ва айланма маблағлардан фойдаланиш қоидаларидан четга

чиқиш айланма маблағларнинг етишмаслигига ёки самарадорликнинг пасайишига олиб келиши мумкин.

### **6.3. Корхона ишлаб чиқариш фаолиятида айланма маблағларни меъёрлаштириш усуллари**

Шаклланиш манбаига кўра, айланма маблағлар хусусий ва қарзга олинган турларга бўлинади.

**Хусусий айланма маблағлар** доимо корхона ихтиёрида бўлиб, хусусий ресурслар, асосан фойда ҳисобига шаклланади. Корхонанинг хусусий айланма маблағлари қаторига иш хақи бўйича қарзлар, таъминотчилар ёки ҳамкорларнинг қарзлари, буюртмачиларнинг тайёрланган маҳсулот учун тўлаган пуллари кабиларни киритиш мумкин. Бу маблағлар хусусий маблағларга тенглаштирилган маблағлар ёки корхонанинг барқарор пассивлари деб аталади.

**Қарзга олинган айланма маблағлар** доимо ҳаракатда бўлмайди ҳамда корхонанинг маҳсулотларни сотишдаги қийинчиликлар, моддий-товар бойликлар билан таъминлаш, маҳсулот ишлаб чиқариш дастурини ошириб бажариш ва бошқа вақтинчалик эҳтиёжларни қоплаш учун фойдаланилади. Улар қаторига банк кредитлари, кредиторлик қарзлари (тижорат кредитлари) ва бошқа пассивларни киритиш мумкин.

Айланма маблағларни бошқариш маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш жараёнининг узлуксизлигини таъминлашда айланма маблағлардан иложи борица камроқ фойдаланишда ифодаланади. Бу эса корхона айланма маблағлари айланишининг барча босқичларида мос равишда минимал, лекин етарли тарзда оқилона тақсимланиши зарурлигини англатади. Бу вазифа ўз навбатида моддий ресурслар захиралари ва харажатларини нормалаштириш туфайли муваффақиятли амалга оширилмоқда.

**Айланма маблағларни меъёрлаштириш** корхонанинг узлуксиз ишлашини таъминлайдиган моддий бойлик ва бошқа ресурсларнинг

минимал, лекин етарли захираларини шакллантириш учун зарур бўлган пул маблағларини аниқлашда ифодаланади. У ички захираларни аниқлаш, ишлаб чиқариш даври давомийлигини қисқартириш ва тайёр маҳсулотни тезроқ сотишга имкон яратади.

Бироқ амалиётда корхоналарнинг барча айланма маблағлари ҳам меъёрлаштирилмайди. Шу сабабли айланма маблағлар меъёрлаштирилувчи ва меъёрлаштирилмайдиган турларга бўлинади ва улар ҳозирги бозор муносабатлари шароитларида ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган.

Меъёрлаштирилувчи айланма маблағлар қаторига корхона омборларидаги ишлаб чиқариш захиралари (хом ашё, материаллар, ёқилғи, унчалик қиммат бўлмаган предметлар ва жиҳозлар), тугалланмаган ишлаб чиқариш, келгуси давр харажатлари ва омбордаги тайёр маҳсулотлар киритилади.

Меъёрлаштирилмайдиган айланма маблағлар, бу – харидорларга бериб юборилган тайёр маҳсулот ёки товарлар, ҳисоб рақамидаги пул маблағларидир.

Корхоналар фаолиятида барча айланма маблағлар салмоғида 70-80 фоизни ташкил қилувчи меъёрлаштирилувчи айланма маблағлар асосий ўрин тутаяди. Айланма маблағларни меъёрлаштириш тежамкорлик режимида риоя қилиш ва ресурслардан оқилона фойдаланишнинг имконини беради.

Ресурсларни меъёрлаштириш жараёнида айланма маблағларнинг меъёр ва меърий хусусиятлари белгиланади.

Айланма маблағларнинг меъёри, корхона моддий-товар бойликларининг минимал захираларини тавсифлайди ҳамда ишлаб чиқарилаётган маҳсулот бирлигига тўғри келувчи пул ўлчовида, захира кунлари ва захира меъёрларида ҳисобланади. Уни қуйидаги формула асосида ҳисоблаш мумкин:

$$N_{\text{ай.м}} = N_{\text{ич.з}} + N_{\text{т.ич}} + N_{\text{т.м}}$$

бу ерда;

$N_{\text{ич.з}}$  - ишлаб чиқарилган захиралар меъёри;

$N_{т.иш}$  – тугалланмаган ишлаб чиқариш меъёри;

$N_{т.м}$  - тайёр маҳсулот нормаси.

Айланма маблағларни меъёрлаштириш ва айникса, моддий ресурсларни сарфлаш меъёрларини белгилашда қуйидаги тамойилларга амал қилиш лозим:

- меъёрларнинг прогрессивлиги ва динамиклиги;
- меъёрларнинг иқтисодий ва ишлаб чиқариш–техникавий жиҳатдан асосланганлиги;
- хом ашё, материал, ёқилғи, электр энергияси ва бошқа ресурслар ўлчамини тўғри танлаш;
- чиқит ва йўқотишларнинг олдини олиш;
- эскирган меъёрларни қайта кўриб чиқиш ҳамда уларни фан-техника тараққиёти ютуқларига мос ҳолга келтириш.

Моддий ва бошқа ресурсларни меъёрлаштиришда бир нечта усуллар қўлланилади. Амалиётда қуйидаги усуллар кўпроқ учрайди:

1. Ўтган йиллар давомида амалда сарфланган ресурслар тўғрисидаги ҳисобот маълумотларини ўрганиш ҳамда бир неча йиллар давомида рўй берган пасайишларни ҳисоблашга асосланувчи статистика-тажриба усули.

2. Лаборатория тажрибаларига асосан яратилган ҳамда инструментлар ва ёрдамчи материаллар сарфланиши нормасини аниқлашда қўлланилувчи - лаборатория–техникавий усули.

3. Юзага келган ишлаб чиқариш шароитларидан ташқари бошқа корхоналарнинг илғор тажрибалари ва ютуқларини ҳам ҳисобга олиш имконини берувчи, моддий ресурслардан фойдаланишни меъёрлаштиришнинг мукамалроқ усули ҳисобланувчи – ҳисоб-таҳлилий усули.

Корхона айланма маблағларини меъёрлаштириш тадбирлари ишлаб чиқариш захираларини меъёрлаштириш, шунингдек, тугалланмаган ишлаб чиқаришнинг оптимал катталиги, тайёр маҳсулот қолдиқлари ва келгуси давр харажатларини аниқлаш билан боғлиқ вазифаларни ечишга олиб келади.

**Ишлаб чиқариш захираларини меъёрлаштириш**, корхонанинг узлуксиз фаолият юритишини таъминлаш мақсадида амалга оширилади. Агар ишлаб чиқариш захиралари меъёрлардан паст бўлса, ишлаб чиқариш жараёнининг издан чиқиши, ишчи кучи ва ускуналарнинг бекор туриб қолиши, корхонанинг ишлаб чиқариш ва иқтисодий кўрсаткичлари пасайишига олиб келиши мумкин. Шу билан бир пайтда, ишлаб чиқариш захираларининг белгиланган меъёрлардан ошиб кетишига ҳам йўл қўймаслик керак, чунки бу маблағларнинг “музлаб” қолишига ва натижада корхона ва давлатнинг зарар кўришига олиб келади.

Ишлаб чиқариш захиралари жорий, суғурта (кафолатли), тайёрлов (технологик) ва мавсумий турларга бўлинади.

**Жорий захира** – бу, материаллар етказиб бериш оралиғида ишлаб чиқаришни моддий ресурслар билан таъминлаш учун зарур бўлган захирадир. Жорий захиралар материал етказиб бериш даври, оралиғи ҳамда хом ашё ва бошқа материалларнинг суткалик сарфланишига тўғридан-тўғри боғлиқ бўлади.

Шу тариқа жорий захиралар ҳажми кўп жиҳатдан етказиб бериш оралиғига боғлиқ бўлади: оралиқ қанчалик кичик бўлса, захира шунчалик кам бўлади. Бундан келиб чиққан ҳолда жорий захира миқдорини қуйидаги формула асосида топиш мумкин:

$$Z_{\max} = M_{\text{ўр}} \times T_{\text{т.у}}$$

бу ерда;

$M_{\text{ўр}}$  – ушбу материалдан ўртача суткалик фойдаланиш миқдори (Т., дона);

$T_{\text{т.у}}$  – етказиб бериш оралиғи ёки таъминот даври, кунлар.

**Суғурта (кафолат) захирасидан** таъминотда юзага келиши мумкин бўлган узилишлар ёки кўзда тутилмаган ҳолатларда фойдаланиш мўлжалланади. Кўпинча суғурта захирасининг миқдори жорий захира нормасининг 50% миқдоридан белгиланади ҳамда қуйидаги формула асосида ҳисобланади:

$$Z_{\text{стр}} = M_{\text{ўр}} \times (T_1 + T_2 + T_3 + T_4)$$

бу ерда;

$T_1$  – материални юклаш учун кетадиган вақт;

$T_2$  – материаллар йўлда бўладиган вақт;

$T_3$  – материалларни омборга қабул қилиш вақти;

$T_4$  – материалларни фойдаланишга тайёрлаш вақти.

Суғурта захираси омборда жорий захира билан биргаликда сақланади ҳамда ундан умуман фарқ қилмасда, алоҳида ҳисобга олинади ва фақат корхона раҳбариятининг руҳсати билангина сарфланади.

**Тайёрлов (технологик) захирасидан** хом ашё ва материалларни ишлаб чиқаришга киритиш учун тайёр ҳолга келтиришда фойдаланилади. Бундай захиралар ишлаб чиқаришнинг ўзига хос хусусиятлари ва технологияларига эга бўлган корхоналардагина яратилади. Бундай корхоналар қаторига ёғ-мой комбинати, ёғочни қайта ишлаш корхонаси кабиларни киритиш мумкин. Мазкур ҳолларда тайёрлов захираси миқдори тайёрлов технологияси ва операцияларига мос ҳолда нормага солинади.

**Мавсумий захиралар** асосан учта сабабга кўра юзага келади: биринчидан, хом ашё тайёрлашнинг мавсумийлиги; иккинчидан, уни истеъмол қилишнинг мавсумийлиги; учинчидан, материалларни етказиб беришнинг мавсумийлиги. Мавсумий захиралар ҳажми худди жорий захиралар ҳажми каби, ўртача бир суткада истеъмол қилиш ва мавсумий захиралар яратилиши лозим бўлган вақтга асосан аниқланади.

Ишлаб чиқариш захираларини меъёрлаштириш, ишлаб чиқаришда қўлланилувчи ҳар бир меҳнат предмети (хом ашё ва материаллар, ёрдамчи материаллар ва бошқалар) учун алоҳида амалга оширилади ҳамда бу ўз навбатида ишлаб чиқариш захираларини яратишда айланма маблағларга бўлган эҳтиёжни аниқлашга асос бўлиб хизмат қилади.

**Тугалланмаган ишлаб чиқаришни меъёрлаштириш.** Тугалланмаган ишлаб чиқариш бўйича айланма маблағлар меъёрини аниқлаш корхона фаолиятидаги энг мураккаб ва кўп меҳнат талаб қилувчи жараён

ҳисобланади. Тугалланмаган ишлаб чиқариш сифатида ишлаб чиқаришнинг турли босқичларида - хом ашёни техник назорат бўлими (ТНБ) томонидан қабул қилишдан то тайёр маҳсулот омборига топширгунга қадар ишлов берилаётган маҳсулотларни кўрсатиши мумкин.

Тугалланмаган ишлаб чиқариш бўйича айланма маблағлар меъёри миқдори қуйидагиларга боғлиқ бўлади:

1.Маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми.

2.Маҳсулот ишлаб чиқариш учун сарфланувчи жорий харажатлар, яъни таннарх.

3.Хом ашё ва материалларни ишлаб чиқаришга киритиш вақтидан то тайёр маҳсулот чиқишигача бўлган ишлаб чиқариш даврининг давомийлиги. Ишлаб чиқариш даврининг давомийлигини топишда қуйидаги формуладан фойдаланилади:

$$T_{ич.у} = t_{техн.} + t_{контр.} + t_{транс.} + t_{тан.}$$

бу ерда;

$t_{техн.}$  - маҳсулот ишлаб чиқаришдаги барча операцияларга сарфланувчи вақти;

$t_{тан.}$  - операциялар оралиғидаги вақт (танаффуслар);

$t_{транс.}$  – транспортда ташиш вақти;

$t_{контр.}$  - маҳсулотни йиғиш, қабул қилиш ва ТНБга топшириш вақти.

Тугалланмаган ишлаб чиқаришга жалб қилинган айланма маблағларнинг ўсиши хом ашё ва материалларни ишлаб чиқаришга киритиш билан бошланади ҳамда ишлаб чиқариш даври якунида (тайёр маҳсулот омборга топширилганда) энг юқори нуқтасига чиқади. Тугалланмаган ишлаб чиқариш меъёрини ҳисоблашда ишлаб чиқариш даври кунларда белгиланади ҳамда буни қуйидаги формула орқали аниқлаш мумкин:

$$H_{т.ич} = X_k \times T_{ич.ц} \times K_{х.ў.}$$

бу ерда;

$X_k$  - ўртача бир кунлик харажатлар, сўмларда;



$T_{ич.ц}$  - ишлаб чиқариш даври давомийлиги, кунларда;

$K_{х.ў}$  - харажатларнинг ўсиш коэффициенти.

Харажатларнинг ўсиш коэффициенти асосий материаллар ( $M_a$ ) тўлик қийматда олинувчи катталиқ сифатида ҳисобланади. Ишлаб чиқариш харажатлари ( $M_{ич}$ ) бутун ишлаб чиқариш даври мобайнида бир хил суръатда ўсиб боради ҳамда 50 фоиз қийматда ҳисобга олинади:

$$K_{из} = (M_a + 0,5M_{ич}) : T$$

бу ерда;

$T$  - маҳсулот бирлигининг режадаги таннархи.

Агар кейинги харажатлар ( $M_{ич}$ ) бир хил суръат билан ўзгармаса, у ҳолда ўсиш коэффициенти қуйидаги формула асосида ҳисобланади:

$$K_{х.ў} = (M_a + k \cdot K_{яф} + k \cdot K_{бут} + 0,5M_{ич}) : T$$

бу ерда;

$k$ ,  $k$  – ярим тайёр маҳсулотлар ва бутловчи қисмларни мос равишда пасайтирувчи коэффициентлари;

$K_{яф}$  - ярим тайёр маҳсулотлар қиймати;

$K_{бут}$  - бутловчи қисмлар қиймати.

Пасайтирувчи коэффициентлар ярим тайёр маҳсулотлар ва бутловчи қисмларга ишлов берилган кунларнинг ишлаб чиқариш даври давомийлигига нисбатини ифодалайди. Масалан, агар ишлаб чиқариш даври 20 кун бўлиб, бутловчи қисмлар 8 кун давомида ишлаб чиқаришда бўлган бўлса, пасайтирувчи коэффициент 0,4 (8:20) га тенг бўлади.

**Тайёр маҳсулот қолдиқларини меъёрлаштириш.** Ишлаб чиқариш жараёни тугаллангандан сўнг меҳнат предметлари тайёр маҳсулот кўринишида муомалага киритилади.

Айланма маблағларнинг тайёр маҳсулотга айланиш меъёри миқдори, ўртача бир суткалик ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг (таннархи бўйича) айланма маблағларнинг кунлардаги тайёр маҳсулот нормасига сифатида, яъни тайёр маҳсулотнинг корхона омборида сақланиш муддати сифатида аниқланади:

$$TM_m = M : T \times H_{T,m}$$

бу ерда;

$TM_n$  – тайёр маҳсулот меъёри;

$M$  - режалаштирилган даврда режадаги таннарх бўйича ишлаб чиқарилган маҳсулот;

$H_{Tn}$  – тайёр маҳсулотлардаги айланма маблағлар захиралари меъёри, кунларда;

$T$  - режадаги даврда календар кунлар миқдори.

Тайёр маҳсулотнинг омборда сақланиш муддати тайёр маҳсулотни транспортировка қилиш ва сотишга боғлиқ бўлади. Айланма маблағларнинг ушбу меъёридаги кунлар сони маҳсулотни тайёрлаш, юклаш, ҳужжатларни тайёрлаш ва уларни банкка топшириш учун зарур бўлган кунлардан иборат бўлади.

**Келгуси давр харажатларни меъёрлаштириш.** Ривожланиб бораётган фан-техника тараққиёти суръатлари айланма маблағларнинг келгуси давр харажатлари аҳамиятини оширмоқда. Бу харажатлар корхонанинг махсус бухгалтерия ҳисобида учта манба: янги техникани ўзлаштириш фонди (агар корхонада шундай фонд мавжуд бўлса), банк кредити ва фойда (харажатларни маҳсулот таннархига киритиш йўли билан) ҳисобига йиғилади. Айланма маблағларнинг келгуси давр харажатлари ( $H_{kd}$ ) меъёриини ҳисоблашда қуйидаги формулага амал қилинади:

$$M_{kd} = X + X_{nc} + X_r$$

бу ерда;

$X$  - йил бошида келгуси давр харажатлари учун сарфланиши мўлжалланган маблағлар миқдори (бухгалтерия ҳисоботи бўйича);

$X_{nc}$  – режадаги йилда лойиҳа-сметаларда кўзда тутилган ишлаб чиқариш харажатлари;

$X_T$  - ўзлаштирилаётган маҳсулот таннархига киритилувчи ҳамда сметаларда кўзда тутилувчи ёки махсус манбалар ҳисобига қопланувчи харажатлар.

Алоҳида элементлар бўйича айланма маблағлар харажатлари меъёрлари аниқлангандан сўнг, айланма маблағларга бўлган умумий эҳтиёжлар (меъёрий) миқдори ҳисобланади. Корхона айланма маблағларига бўлган умумий эҳтиёж, ишлаб чиқариш захиралари (хом ашё ва асосий материаллар, ёрдамчи материаллар, ярим тайёр маҳсулотлар, харид қилинувчи маҳсулотлар, қадоқлаш ва ўров материаллари, ёқилғи ва хоказолар), тугалланмаган ишлаб чиқариш, тайёр маҳсулот ва келгуси давр харажатларидан иборат бўлади.

#### **6.4. Корхона айланма маблағларининг ҳолати ва улардан фойдаланиш самарадорлиги таҳлили**

Айланма маблағлар баланс активининг иккинчи бўлимида акс этиб, айланишдаги (айланма активлардаги) пул маблағларида ифодаланди. Асосий фондлардан фарқли ўлароқ айланма маблағлар бир ишлаб чиқариш даврида тўла ўзлаштирилиб, ўз қийматларини тайёр маҳсулотга олиб ўтади ва ҳам буюм-натура, ҳам қиймат ифодасида қайта тикланади, шу тариқа бевосита ҳаракатда бўлади.

Маблағларнинг айланиш тезлиги-корхона ишлаб чиқариш-хўжалик фаолият даражасининг комплекс кўрсаткичидир. Айланишлар миқдорининг кўпайишига ишлаб чиқариш билан муомалада бўлиш вақтининг қисқартирилиши ҳисобига эришилади. Ишлаб чиқариш вақти технологик жараён билан қўлланилаётган техниканинг хусусиятига ўзаро боғлангандир. Уни қисқартириш учун технологияни шакллантириш, меҳнатни механизациялаш ва автоматлаштириш зарур. Муомалада бўлиш вақтини қисқартиришга ҳам ихтисослаштиришни ривожлантириш, заводлараро бевосита алоқаларни ривожлантириш ҳужжатлари ва ҳисоб-китобларнинг

айланишини тезлаштириш орқали эришилади. Барча айланма маблағларнинг унумли айланувчанлиги айланма маблағлар айрим таркибий қисмлари айланувчанлигидан таркиб топади. Айланма маблағларнинг айланувчанлиги уларнинг меъёрларидан чиқиши билан хусусиятланади.

Айланма маблағлардан фойдаланиш самарадорлигини таҳлил қилаётиб, уларни тавсифловчи кўрсаткичларни ҳисоблаб чиқиш, бу кўрсаткичларни ўтган йил маълумотлари билан қиёслаш лозим. Қиёсланаётган омилларни ўрганиш асосида айланма маблағлардан фойдаланиш самарадорлигини янада ошириш йўллари белгиланади.

Айланма маблағларининг (маротабалардаги) айланувчанлиги - сотувдан тушумнинг айланма маблағларнинг шу даврдаги ўртача қолдиғи нисбатидир:

**(Сотишдан олинган соф тушум / Актив қисмининг (1-бўлими)**

**010 N 2 / 130 N 1**

Айланма маблағларнинг (кунлардаги) айланувчанлиги - шу даврдаги кунлар миқдорининг айланма маблағларнинг маротабалардаги айланувчанлигига нисбатидир.

Айланма маблағлар рентабеллиги - соф фойданинг айланма маблағларнинг шу даврдаги ўртача қолдиқларига нисбатидир:

**270 N 2 / 390 N 1**

Бир кунлик тушум - бутун давр мобайнидаги сотувдан тушумнинг шу даврдаги кунлар миқдorigа нисбатидир.

Тўғриланган кўрсаткич - ҳақиқатдаги сотиш чоғида айланма маблағлар ва ўтган йили айланма маблағлар айланувчанлиги билан қиёслаш маҳсулотни сотишдан тушум ва айланма маблағларнинг йиллик ўртача миқдорининг айланма маблағлар айланувчанлигининг тезлигига таъсирини аниқлаш имконини беради.

Айланма маблағларга нисбатан сотишдан тушум қанчалик юқори бўлса, уларнинг айланувчанлиги шунча юқори бўлади ва оборотдан шунча кўп айланма маблағлар бўшатиб олинади.

**6.2 - жадвал.**

**“159-қурилиш трести” АЖ нинг 2006-2007 йилларда айланма маблағлардан фойдаланиш самарадорлиги таҳлили**

(минг сўм)

№	Кўрсаткичлар	2006 Йил	2007 йил	Фарқ (+;-)
	1	2	3	4
1	Сотишдаги тушум	10609312	6706276	-3903036
2	Соф фойда	911375	4976	-906399
3	Айланма маблағларнинг ўртача қолдиғи	7335997	5601809	-1734188
4	Айланма маблағларнинг айланувчанлиги: - кунларда - маротабаларда	248,9 1,44	300,7 1,19	51,8 -0,25
5	Айланма маблағларнинг рентабеллиги, %	12,4	0,09	-12,31
6	Бир кунлик тушум	29470,3	18628,5	-10841,8
7	Айланма маблағларнинг айланувчанлигини тезлаништириш (секинлаштириш) натижасида айланма маблағлар бўшатилди	X	X	964956,3
8	Ҳисобот йилини рўёбга чиқариш чоғида айланма маблағларнинг ўртача миқдорининг айланувчанлиги.	X	393,8	X

6.2 - жадвалда “159-қурилиш трести” АЖнинг 2006 - 2007 йилларда айланма маблағлардан фойдаланиш самарадорлиги таҳлил қилинган. Бунда сотишдан тушум 2006 йил 10609312 минг сўмни иборат бўлган бўлса, 2007 йилда 3903036 минг сўмга камайиб, 6706276 минг сўмни ташкил қилган. Соф фойда 2006 йил 911375 минг сўмни ташкил қилган бўлса, 2007 йилда эса 906399 минг сўмга камайиб, 4976 минг сўмни ташкил қилган. Айланма маблағларнинг ўртача қолдиғи 2006 йил 7335997 минг сўмни ташкил қилган

бўлса, 2007 йилда эса 1734188 минг сўмга камайиб, 5601809 минг сўмни ташкил қилган. Айланма маблағларнинг ўртача кунлардаги айланувчанлиги 2006 йилда 248,9 кунни, 2007 йилда эса 51,8 кунга кўпайиб, 300,7 кунни ташкил қилган. Айланма маблағларнинг ўртача маротабалардаги айланувчанлиги 2006 йилда 1,44 маротабани ҳосил қилган бўлса, 2007 йилда эса 0,25 маротабага камайиб, 1,19 маротабани ташкил қилган. Айланма маблағларнинг рентабеллиги 2006 йилда 12,4 фоизни ташкил қилган бўлса, 2007 йилда эса 12,31 фоизга камайиб, 0,09 фоизни ташкил қилган. Бир кунлик тушум 2006 йилда 29470,3 минг сўмни ташкил қилган бўлса, 2007 йилда эса 10841,8 минг сўмга камайиб, 18628,5 минг сўмни ташкил қилган.

Айланма маблағларнинг айланувчанлигини тезлаништириш (секинлаштириш) натижасида айланма маблағлар 2007 йил 964956,3 минг сўм бўшатилади. Ҳисобот йилини рўёбга чиқариш чоғида айланма маблағларнинг ўртача миқдорининг айланувчанлиги 2007 йилда 393,8 ни ташкил этган.

### **Назорат ва муҳокама учун саволлар**

1. Корхона фаолиятида айланма маблағларнинг моҳияти ва ўрни?
2. Айланма маблағларнинг ҳосил бўлиш манбаларини санаб беринг?
3. Корхона айланма маблағлар билан таъминланганлик даражаси қандай аниқланади?
4. Айланма маблағлар рентабеллиги қандай топилади?
5. Хусусий айланма маблағлар деганда нима тушунаси?
6. Корхонада меъёрлаштирилувчи айланма маблағлар қаторига нималар киради?
7. Ишлаб чиқариш захираларини меъёрлаштириш деганда нимани тушунаси?
8. Айланма маблағларнинг айланувчанлик хусусиятини тушунтириб беринг?

## **VII – БОБ. МАҲСУЛОТ (ИШ, ХИЗМАТ) ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ТАННАРХИ ТАҲЛИЛИ**

### **7.1. Қурилиш маҳсулоти таннархи таҳлили**

Маҳсулот ишлаб чиқариш учун маълум миқдорда харажатлар талаб қилинади. Харажатларнинг пулда ифодаланиши маҳсулот таннархини ташкил этади. Маҳсулот таннархи қурилиш корхоналарида иш самарадорлигини белгиловчи асосий кўрсаткич ҳисобланади. У харажатлардан фойдаланишнинг самарадорлик даражасини, меҳнат унумдорлигини, ишчиларга тўланадиган меҳнат ҳақини, асосий фондлардан, хом ашё материалларидан фойдаланишни кўзда тутаяди. Қурилиш корхоналари хўжалик ҳисобида ишлаш жараёнида маҳсулот таннархининг пасайиши муҳим аҳамиятга эга.

Маҳсулот таннархини таҳлил қилишда ҳисобот давридаги маҳсулот таннархи режадаги ҳамда ўтган йилги таннархи билан таққосланади.

Маҳсулот таннархи таҳлилининг вазифалари қуйидагилардан иборат: умумий харажатлар сарфига баҳо бериш, харажатлар элементлари ва моддалари бўйича қандай сарфланганлигини текшириш, бир сўмлик товар маҳсулоти учун қилинган харажатларни таҳлил этиш, унинг ўзгаришига таъсир кўрсатувчи омилларни аниқлаш, харажатларнинг айрим моддаларини алоҳида-алоҳида таҳлил қилиш, таҳлил натижаларига кўра, маҳсулот таннархини пасайтириш имкониятларини белгилаш.

Таҳлилнинг дастлабки босқичида таққосланадиган ва таққосланмайдиган маҳсулот таннархи таҳлил қилиниши зарур. Таққосланадиган маҳсулот таннархи бир неча йиллар давомида ишлаб чиқарилган маҳсулот таннархини олдинги йилги маҳсулот таннархи билан солиштириш имкониятини беради. Бундай маҳсулот таннархига таққосланадиган маҳсулот таннархи дейилади. Корхонада илк бор ишлаб чиқарилаётган муайян маҳсулот таннархини ҳеч қандай кўрсаткич билан

таққослаб бўлмайди. Бундай маҳсулот таннархига таққосланмайдиган маҳсулот таннархи деб аталади.

Таҳлил жараёнида корхона учун энг муҳим кўрсаткичлардан бири бир сўмлик товар маҳсулоти учун қилинган харажатларни аниқлашдан иборат. Чунки бир сўмлик товар маҳсулоти учун харажатларнинг пасайиши корхона молиявий натижаларига тўғридан - тўғри таъсир кўрсатади. Бир сўмлик товар маҳсулоти учун қилинган харажат маҳсулотнинг тўлиқ таннархини товар маҳсулотига бўлиш йўли билан аниқланади. Бу кўрсаткични таҳлил қилишдан мақсад бир сўмлик товар маҳсулотига қилинган харажатлар ўзгаришига таъсир этувчи омилларни аниқлашдир.

Бир сўмлик товар маҳсулоти учун кетган харажатлар ўзгаришига: режага нисбатан маҳсулот таннархини пасайтириш, маҳсулотлар таркибий тузилишининг ўзгариши, хом ашё материалларига қўйиладиган баҳонинг ўзгариши, сотиладиган маҳсулот турлари ва ассортиментининг ҳамда баҳонинг ўзгариши каби омиллар таъсир кўрсатиши мумкин.

Таҳлил жараёнида маҳсулот таннархининг харажат элементлари, яъни моддий харажатлар, меҳнатга ҳақ тўлаш харажатлари, ижтимоий суғурта ажратмалари, асосий фондлар, номоддий активлар амортизацияси ва бошқа харажатлар ўтган йилги харажат элементлари билан таққосланиб, уларнинг жами харажатлардаги салмоғи ҳамда тежалган ва ортиқча сарфланган қисми аниқланиши зарур.

Харажатларнинг элементлари бўйича сарфига баҳо берилгандан сўнг маҳсулот ишлаб чиқариш таннархи калькуляцияси моддалари бўйича таҳлил қилиш зарур. Уларга хом ашё материаллар, сотиб олинган ярим тайёр маҳсулотлар, энергия, асосий ва қўшимча меҳнат ҳақи, ишлаб чиқаришни ўзлаштириш, асбоб - ускуналарни сақлаш, цех харажатлари, умумзаавод харажатлари, брак харажатлари ва ишлаб чиқаришдаги бошқа харажатлар киради.

Харажатларни моддалари бўйича таҳлил қилиш қайси модда бўйича ортиқча сарфга йўл қўйилган, қайси модда бўйича тежамкорликка



эришилганлигини аниқлаш имкониятини беради. Агар таққослаш натижасида ортиқча сарфлар аниқланса, корхона маъмурияти бундай сарфларнинг олдини олиш чораларини кўриши зарур.

Харажатлар орасида материал харажатларининг улуши юқори. Шунинг учун материал харажатлари сарфини таҳлил қилишга алоҳида тўхталиб ўтиш зарур.

Таъкидлаш керакки, материал харажатларининг ўзгариши асосан энг муҳим иккита омилга, боғлиқ. Уларнинг биринчиси, сарфланадиган материал харажатлари меъёрининг ўзгариши; иккинчиси, материал харажатлари баҳосининг ўзгаришидир.

Қурилиш корхоналарида таннархни таҳлил қилишда умумлаштирувчи кўрсаткичлардан бири бир сўмлик товар маҳсулоти учун сарфланган харажат ҳисобланади. Таҳлил жараёнида бир сўмлик товар маҳсулоти учун сарфланган харажатларнинг ўзгаришига таъсир кўрсатувчи омилларни аниқлаш муҳим аҳамиятга эга. Бир сўмлик товар маҳсулоти харажатлари ўзгаришига ишлаб чиқарилган маҳсулот таркибининг ўзгариш, материаллар баҳосининг ўзгариши, айрим маҳсулотлар таннархининг ўзгариши ва бошқа омиллар таъсир кўрсатади.

Маҳсулот таннархини пасайтириш имкониятларини аниқроқ билиш учун калькуляция варақларида берилган харажатларни ҳар тарафлама ўрганиш зарур. Биринчи навбатда таҳлилга, кўпроқ сарфларга йўл қўйилган моддалар жалб қилинади, сарфлар юқорилигининг сабаблари ўрганилади ва уларни пасайтириш йўллари белгиланади.

## **7.2. Қурилиш – монтаж ишлари таннархи таҳлили**

**Харажатлар** - қурилиш корхонасининг ишлаб чиқариш ва тижорат фаолияти учун зарур бўлган ишлаб чиқарувчи омиллар сарфининг пулдаги ифодасидир. Улар қурилиш конструкцияллари, деталлари ва бошқа материалларнинг таннархи шаклида ифодаланиши мумкин.

**Таннарх** - ишлаб чиқариш ва реализация қилиш учун зарур бўлган барча моддий харажатлар ва иш ҳақи харажатларини пул ўлчовида ифодалайди. Қурилиш конструкциялари деталлари ва бошқа материалларнинг таннархига қуйидагилар киради:

- ишлаб чиқаришни тайёрлаш ва ўзлаштириш харажатлари;
- технология ва ишлаб чиқаришни ташкил этиш билан боғлиқ бўлган харажатлар;
- иш ҳақини тўлаш билан боғлиқ харажатлар;
- хом–ашё ва ресурслардан фойдаланиш харажатлари ва бошқалар.

Қурилиш маҳсулотининг таннарх даражаси кўп жиҳатдан ишлаб чиқарувчи корхонанинг ўзи орқали белгиланади. Ишлаб чиқариш харажатларининг негизида объектив омиллар ётади: хом ашёга, ишчи кучига бўлган эҳтиёж, бу ресурсларга нисбатан шаклланган баҳолар даражаси ва шу билан бирга маҳсулот таннархига ушбу ресурслардан оқилона ва самарали фойдаланиш ҳам жиддий таъсир кўрсатади.

Қурилиш-монтаж ишлари (ҚМИ)нинг таннархини пасайтириш қуйидагилар ҳисобига амалга ошади:

- унумли техникани қўллаш;
- қурилиш корхонасининг иш тартибини ўзгартириш билан иш сменасини кўпайтириш;
- қурилиш жараёнини қайта ташкил этишни бошқариш ҳисобига;
- оқилона таъминот, сақлаш ва сарфлаш ҳисобига материалларни тежаш;

Яширин омилларга қуйидагилар киради:

- қурилишнинг рационал муддат ва суръатларини танлаш;
- маҳсулот чиқаришнинг номенклатурасини ва иш турларини оптималлаш;
- ишлаб чиқариш қувватларидан оқилона фойдаланишни аниқлаш;
- қурилиш машиналарини янгилаш сиёсати;
- самарали портфел буюртмаларини танлаш;

- захираларни оптимал бошқариш;
- малакали маркетинг.

**Смета** – бу иқтисодий ҳужжат бўлиб, объект қурилишининг чегараларини аниқлайди. У ўз ичига қуйидаги 3 та элементни олади:

- тўғри харажатлар –  $T_x$
- қўшимча харажатлар –  $K_x$
- режа жамғармалари –  $P_{ж}$

Сметани ҳисоблаганда режали жамғармалар тўғри ва қўшимча харажатларнинг фоиздаги нисбати орқали қуйидаги формулалар билан аниқланади (8 фоиздан - 12 фоизгача).

$$C = T_x + K_x + P_{ж}$$

$$C = (T_x + K_x) + (T_x + K_x) \times 12 / 100 = (T_x + K_x) \times 1,12$$

Тартиб асосида тасдиқлангач, қурилиш баҳоси деб ҳисобланади ва буюртмачи, пудратчилар учун ҳисоб- китобларда асос бўлиб хизмат қилади.

Сметанинг - йиғма, объект, локал турлари мавжуд.

Тўғри ва қўшимча харажатлар йиғиндиси қурилиш – монтаж ишларининг таннархини ташкил этади. Таннарх кўриниши смета, режа, ҳақиқий таннархлар лойиҳа ташкилоти томонидан смета баҳоси смета нормалари ва амалдаги ҳолатда мавжуд баҳолар асосидаги ҳужжатлар мажмуини тузиш жараёнида белгиланади.

Смета баҳоси қурилиш ташкилоти учун асосий ҳужжат бўлиб хизмат қилади ва шунингдек, солиқ органлари учун асос бўлиб хизмат қилади. Смета баҳоси смета фойдасини ҳисоблаш асосида ҳисобланади.

**Қурилиш корхонаси бўйича қуйидаги маълумотлар берилган:**

1. Қурилиш объектининг смета баҳоси –  $C_6=2,8$  млрд. сўм.
2. ҚМИ нинг объект қурилишининг смета баҳосидаги қийматининг улуши  $U_{қми}=43,4$  %

3. Қурилишининг смета баҳосидаги ускуналарга кетган харажатларнинг улуши-  $Y_{укх}=47,5\%$

4. Қурилишининг смета баҳосидаги бошқа ишлар ва харажатларнинг улуши-  $Y_{бошк}=9,1\%$

5. Ҳисобот йилидаги ҚМИ хажмида моддий харажатларнинг солиштирма нисбати (улуши)  $Y_{мх}=40,8\%$

6. Ҳисобот йилидаги ҚМИ хажмида бошқа харажатларнинг солиштирма нисбати (улуши)  $Y_{бх}=10,5\%$

Реализациядан ташқари операциялар бўйича харажатлар  $P_x=890$  млн. сўм

**Объект бўйича ҚМИга бўлган шартнома баҳоларнинг аниқланиши:**

1. Берилган технолик тузилмага асосан капитал маблағларнинг объект бўйича смета баҳоси ( $C_{қми}$ ), шунингдек бошқа ишлар ва харажатларнинг баҳоси:

$C_{қми} = (C_o \times Y_{қми})/100\% = (2800 \text{ млн.сўм} \times 43,4\%)/100\% = 1215,2 \text{ млн. сўм.}$

$C_{бошк} = (C_o \times Y_{бошк})/100\% = (2800 \text{ млн. сўм} \times 9,1\%)/100\% = 254,8 \text{ млн. сўм.}$

2. Пудратчи фаолиятига нисбатан бошқа харажатлар ( $C_{бошқп}$ ), барча умумий харажатларнинг 17,5% шarti билан аниқланади:

$C_{бошқп} = C_{бошк} \times 17,5\% = 254,8 \text{ млн.сўм} \times 17,5\%/100\% = 44,59 \text{ млн.сўм}$

3. ҚМИ ва бошқа харажатларнинг смета баҳоси суммасини аниқлаш:

$\Sigma = C_{қми} + C_{бошқп} = 1215,2 \text{ млн. сўм} + 44,59 \text{ млн.сўм} = 1259,79 \text{ млн.сўм.}$

2. Олдиндан кутилмаган ишлар ва харажатлар резерви (захираси) ҚМИ смета баҳоси ва бошқа харажатларнинг 7,3% лик миқдоридаги шарт билан аниқланади:

$P_{\text{кутх}} = (C_{\text{қми}} + C_{\text{бошқп}}) \times 7.3\% = 1259,79 \text{ млн.сўм.} \times 7,3 \% / 100\% = 91,96$   
млн.сўм.

3. Пудратчининг бозор муносабатларининг шаклланиши билан боғлиқ бўлган харажатлари қуйидагича аниқланади:

$$C_{\text{б. ш.}} = (C_{\text{қми}} + C_{\text{бошқп}} + P_{\text{кутх}}) \times I$$

Бу ерда, I – ҚМИ баҳосининг қимматлашиши индекси 2006 йил 1-чорагини 2007 йилнинг 4 чорагига нисбатан 1,7 деб ҳисоблаймиз.

$C_{\text{рф}} = (1215,2 \text{ млн. сўм.} + 44,59 \text{ млн. сўм.} + 91,96 \text{ млн. сўм.}) \times 1.7 = 297,9$   
млн. сўм.

4. Объект бўйича ҚМИ бажарилишининг шартнома баҳоси (Бш) аниқланади:

$$B_{\text{ш}} = C_{\text{қми}} + C_{\text{бошқп}} + P_{\text{кутх}} + C_{\text{рф}}$$

$B_{\text{ш}} = 1215,2 \text{ млн. сўм.} + 44,59 \text{ млн. сўм.} + 91,96 \text{ млн. сўм.} + 2297,9 \text{ млн. сўм.} = 3649,65 \text{ млн. сўм.}$

**7.1- жадвал.**

### ҚМИ бажарилишининг шартнома баҳоси

	Кўрсаткичлар	Сумма, млн. сўм
1.	Объект бўйича ҚМИ смета баҳоси	1215,2
2.	Пудратчи фаолиятига тегишли бошқа харажатлар	
3.	Олдиндан қутилмаган ишлар ва харажатлар захираси	91,96
4.	Пудратчи ташкилотнинг бозор муносабатларининг шаклланиши билан боғлиқ бўлган қўшимча харажатлари	2297,9
5.	Объект бўйича ҚМИ бажарилиши шартнома баҳоси	3649,65

**7.2-жадвал.**

### ҚМИнинг таннархи, минг сўмда

Кўрсаткичлар	Сметадаги нархи бўйича	Амалдаги нархи
1-трест	17280	16470
2-трест	21620	20130

### **7.3. Маҳсулот ишлаб чиқаришда харажатларнинг фойда миқдорига таъсири таҳлили**

Маълумки фойда миқдори бир қанча омиллар таъсирида шаклланиб, уларнинг таъсири ҳар хил даражада бўлади. Айниқса бозор шароитида соф фойда миқдори кредитларни молиялаштириш, ставка фоизларини аниқлашда муҳим аҳамиятга эга.

#### **Соф-фойда:**

1) Корхонанинг молиявий ресурсларни қанчалик тўғри ишлатганлигига, яъни уларнинг нималарга сарф этилганлигига боғлиқ.

2) Маблағлар таркибининг манбаларига боғлиқ. Биринчи ҳолат асосий ва айланма маблағларнинг ҳажми, тузилиши ва самарали ишлатилишида кўринади.

**Маҳсулот таннархининг асосий элементлари** - бу ўзгарувчан ва доимий харажатлардир. Лекин улар ўртасидаги нисбат ҳар хил бўлади ва корхонанинг техника, технология соҳасида танлаган сиёсати билан аниқланади. Маҳсулот таннархи тузилишининг ўзгариши албатта фойда миқдорига таъсир этади. Асосий капитални инвестициялаш доимий харажатларнинг кўпайиши (назарий жиҳатдан бўлса ҳам) ва ўзгарувчан харажатларнинг камайиши билан бирга кечади. Лекин уларнинг боғлиқлиги бир хил эмас. **Доимий ва ўзгарувчан харажатлар ўртасидаги оптимал даражадаги боғлиқликни аниқлаш осон эмас. Худди шу боғлиқлик ишлаб чиқариш (ёки операция) левириджи категорияси билан тавсифланади.** Унинг даражаси корхонанинг ишлаб чиқариш таваккалчилигини кўрсатади.

**Ишлаб чиқариш левириджи** – бу доимий ва ўзгарувчан харажатлар миқдори нисбатининг умумий харажатлардаги салмоғи билан ифодаланади.

**“Левиридж”** - америкача ибора бўлиб, маълум миқдордаги фойдани олишга бўлган харажатларнинг таъсир кучини кўрсатади.

**Зарарсизлик нуқтаси** – корхонанинг фойда ҳам, зарар ҳам кўрмайдиган маҳсулот ҳажмини ишлаб чиқариш даражасини ифода этишдир.

Шундай қилиб, корхона ёки фирмалардаги ишлаб чиқариш **левириджининг даражаси** – бу маҳсулот таннархи тузилиши ва ишлаб чиқариш ҳажмини ўзгартириш йўли билан фойдадан фоизлар ва солиқларни ажратгунча бўлган фойда миқдорига таъсир этишнинг потенциал имкониятларининг тавсифидир.

Демак, маҳсулот сотишдан келган пул тушумларининг ўзгариши фойда миқдорини кескин ўзгартиради. Бундай ҳолат эса ишлаб чиқариш воситаларининг самарадорлиги деб аталади. Ўзгарувчан харажатларни қоплагандан кейинги реализация ҳисобидан келган тушумларнинг фойдага нисбати ишлаб чиқариш воситаларининг таъсир кучини кўрсатади. Умумий харажатлар миқдори бир хил бўлганда ўзгарувчан харажатлар қанча кам бўлса, ишлаб чиқариш воситаларининг таъсир кучи ҳам шунча кўп бўлади.

**Маҳсулотни сотишдан олинган ялпи фойда.** Бу сотишдан олинган соф тушум билан сотилган маҳсулотнинг ишлаб чиқариш таннархи ўртасидаги тафовутдир.

$$\text{ЯФ} = \text{ССТ} - \text{ИЧТ}$$

бу ерда;

**ЯФ** – ялпи фойда;

**ССТ** – сотишдан олинган соф тушум;

**ИЧТ** – сотилган маҳсулотнинг ишлаб чиқариш таннархи.

**1. Асосий фаолиятдан кўрилган фойда** - маҳсулотни сотишдан олинган ялпи фойда билан даврий харажатлар ўртасидаги тафовут ва асосий фаолиятдан тушган бошқа даромадлар ва зарарлар фарқининг йиғиндиси сифатида аниқланади:

$$\text{АФД} = \text{ЯД} - \text{ДХ} + \text{БД} - \text{БЗ}$$

бу ерда;

**АФД** – асосий фаолиятдан олинган даромад;

**ДХ** – давр харажатлари;

**БД** – бошқа асосий фаолиятдан олинган даромад;

**БЗ** – асосий фаолиятдан кўрилган бошқа зарарлар.

**2. Хўжалик фаолиятдан олинган фойда (зарар) - асосий фаолиятдан олинган фойда ва молиявий фаолиятдан олинган фойда ва зарар фарқининг йиғиндиси сифатида ҳисобланади:**

$$\mathbf{УФ = АФД + МД - МХ}$$

бу ерда;

**УФ** – умумхўжалик фаолиятдан олинган фойда;

**МД** – молиявий фаолиятдан олинган даромад;

**МХ** – молиявий фаолият харажатлари.

**3. Солиқ тўлагунча олинган фойда (СТФ) - умумхўжалик фаолиятдан олинган фойдага фавқулодда олинган фойдани кўшиб кўрилган зарар миқдорини айириш билан топилади:**

$$\mathbf{СТФ = УФ + ФФ - ФЗ}$$

бу ерда;

**СТФ** – солиқ тўлагунча олинган фойда;

**ФФ** – фавқулодда фойда;

**ФЗ** – фавқулодда зарар.

**4. Йилнинг соф фойдаси - солиқ тўлагандан кейин хўжалик юритувчи субъект ихтиёрида қолади ва ўзида даромад (фойда)дан тўланадиган солиқни ва қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа солиқлар ва тўловларни чиқариб ташланган ҳолда қуйидагича ифодаланади:**

$$\mathbf{СФ = СТФ - ДС - БС}$$

бу ерда;

**СФ** – соф фойда;

**ДС** – даромад (фойда) солиғи;



**БС** – бошқа солиқлар ва тўловлар.

Хўжалик юритувчи субъектнинг даромад (фойда) солиғи бўйича солиқ солинадиган база қуйидагича ҳисоблаб чиқилади.

**Солиқ тўлагунча бўлган даромад (фойда)га** «Маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида»ги Низомнинг 1-иловасида келтирилган бухгалтериядаги фойда билан солиқ солинадиган фойда ўртасидаги доимий тафовутлар қўшилиб, мазкур Низомнинг 2-иловасида келтирилган харажатларни солиқ солинадиган базадан чиқариб ташлаш вақтидаги тафовутлар қўшилади ёки чегирмалар ва қонунчиликка мувофиқ солиқ имтиёзлари чегирилади.

### **Назорат ва муҳокама учун саволлар**

1. Маҳсулот таннархини таҳлил қилиш жараёни ва унинг босқичлари?
2. Нарх ва таннарх тушунчаларини тушунтириб беринг?
3. ҚМИ нинг таннархини пасайтиришда нималар ҳисобга олинади?
4. Смета тушунчасини изоҳлаб беринг?
5. Маҳсулот таннархининг асосий элементлари деганда нималарни тушунаси?
6. “Левирдж” тушунчаси нима?
7. “Зарарсизлик нуқтаси” деганда нимани тушунаси?

## **VIII – БОБ. МОЛИЯВИЙ ТАҲЛИЛНИНГ МАЗМУНИ ВА АҲАМИЯТИ**

### **8.1. Корхона молиявий таҳлилининг моҳияти ва унинг вазифалари**

Бозор иқтисодиётига ўтиш муносабати билан иш сифатини ошириш, мавжуд молиявий-иқтисодий имкониятлардан оқилона фойдаланиш, асосий ва айланма фондлардан фойдаланишнинг самарадорлик даражасини янада ошириш, меҳнат унумдорлигини ҳар тарафлама ўстириш, келгусида республика аҳолисининг эҳтиёжларга бўлган талабини янада юксалтиришни кўзлаб иқтисодий тежашни кучайтириш соҳасидаги вазифаларни оммавий ҳал қилиш лозим. Мазкур вазифаларни бажариш учун аввало ҳар бир хўжаликда ва бўлимда хўжалик фаолиятини атрофлича чуқур таҳлил қилиш асосида ички хўжалик имкониятларидан имкони борича яхшироқ фойдаланишга, камроқ харажат қилиб юқори натижаларга эришишга илғор тажрибани жорий этишга, иш юритиш жараёнида илғорларнинг ташаббусини яхшилашга эришиш керак.

Ҳар бир корхонанинг иш шароитини ҳисобга олиб, иқтисодий қонунларнинг барча талабларининг бажарилишини назорат қилишда, шунингдек, имкониятларни топиш, хўжаликнинг рентабеллини ошириб бориш йўлларини аниқлашда молиявий-иқтисодий таҳлил муҳим аҳамият касб этади.

Чунки молиявий-иқтисодий таҳлилнинг асосий мазмуни ҳам иқтисодий қонунлардан фойдаланган ҳолда миллий иқтисодиётда, унинг тармоқлари ҳамда таркибий бўлимларида самарадорликни ошириш мақсадида имкониятларни ахтариб топиш ва улардан самарали фойдаланиш йўлларини аниқлашдан иборатдир.

Хўжалик юритишни бошқариш ишларига илмий ёндашиш даражаси иқтисодий фанларнинг яқунларини хўжалик юритиш амалиётига татбиқ қилишга боғлиқ. Бинобарин, корхоналар раҳбарлари, мутахассислари, иқтисодчилари, ҳисобчилари, бўлим бошлиқлари ва бошқа ходимлари

молиявий-иқтисодий таҳлил услубларини мукамал ўзлаштиришлари ва иқтисодий билимларни пухта эгаллаб олишлари лозим. Бу улар ишлаётган корхоналар иқтисодиётини чуқур билиб иш юритишларига, ўз ишларидаги янгилик ва камчиликларни топа олишларига, келгусида бундай хатоларни топа олишларига ва уларнинг такрорланишига йўл қўймасликларига, ички хўжалик имкониятларини топиб улардан тўла фойдалана олишларига ёрдам беради. Корхона хўжалик фаолиятининг таҳлили шундай қуролдирки, унинг муқобил иш юритиши устидан назорат амалга оширилади. Бундан ташқари, молиявий-иқтисодий таҳлил маълумотлари кенг меҳнаткашлар оммасига ҳар бир меҳнат жамоаси ва бутун хўжалик бажарган иш натижалари билан танишиш имконини беради.

Молиявий-иқтисодий таҳлилнинг асосий вазифаси хўжалик иқтисодиётини ўрганиш, уни янада ривожлантириш, такомиллаштириш, мавжуд имкониятлардан тўлиқ фойдаланиш, эришилган муваффақиятларни кенг ёйиш ва йўл қўйилган камчиликларнинг сабабларини ўрганиш ҳамда уни имконияти борича тугатишга ёрдам беришдан иборатдир.

Бозор иқтисодиёти шароитида иқтисодий таҳлилнинг асосий вазифаларига қуйидагилар киради:

- бухгалтерия ва статистика ҳисобатлари асосида эришилган муваффақиятлар ва йўл қўйилган камчиликлар сабабларини ўрганиш;

- корхонанинг ҳар тарафлама фаолиятини, иқтисодиётнинг ривожланиш даражаси ва суръатини ўрганиш, ютуқлардан унумли фойдаланиш, камчиликларнинг ўз вақтида олдини олиш;

- айрим олинган хўжаликнинг ишини батафсил ўрганиш асосида режанинг бажарилишига баҳо бериш;

- таҳлил якунига кўра иш натижаларига таъсир қилган омиллар ва сабабларни ўрганиш, имкониятларни қидириб топиш ва улардан фаолият жараёнида тўлиқ фойдаланиш;

- паст кўрсаткичли корхоналарнинг ишини илғор корхоналарнинг кўрсаткичлари билан таққослаб, уларнинг тажрибасига суянган ҳолда

хўжаликни мустаҳкамлаш ва ривожлантиришга ёрдам берадиган тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш.

Бозор иқтисодиёт шароитида молиявий таҳлилнинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

-корхона молиявий натижалари ва молиявий ҳолатига умумий баҳо бериш;

-корxonанинг иқтисодий салоҳияти ҳолати ва самарадорлигига баҳо бериш ва унинг яхшиланиш йўллари ишлаб чиқиш;

-корxonанинг молиявий салоҳиятининг ҳолати ва самарадорлигига баҳо бериш ва уларни яхшилаш учун тегишли чора-тадбирларни ишлаб чиқиш;

-корxonанинг молиявий барқарорлигини аниқлаш ва уни мустаҳкамлаш йўллари ишлаб чиқиш;

-корxonанинг молия-хўжалик фаолиятига ташхис қўйиш, унинг иқтисодий ва молиявий мустаҳкамлигига баҳо бериш;

-корxonанинг ишдаги фаоллигига баҳо бериш ва иш фаоллигини ошириш чораларини ишлаб чиқиш;

-корxonанинг бозордаги фаоллигига баҳо бериш ва унинг рақобатбардошлигини таъминлаш;

-корxonанинг тўловга қодирлиги (ликвидлиги)га баҳо бериш ва банкротлигининг олдини олиш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш;

Қуйилган ушбу вазифаларнинг бажарилишини таъмин этиш учун молиявий-иқтисодий таҳлил объектив ва конкрет бўлиши керак.

Қурилиш корхоналари хўжалик фаолияти таҳлилининг предмети деб, хўжалик жараёнлари ва уларнинг натижаларининг объектив ва субъектив омилларга боғлиқлиги ва бу боғлиқликни керакли иқтисодий ахборотномаларда акс эттирилишига айтилади.

Молиявий-иқтисодий таҳлил шундай қуролдирки, у орқали иқтисодий тежашга риоя қилиш ва хўжаликни тежаб-тергаб юритишни амалга ошириш мумкин бўлади, чунки таҳлилда холислик бўлмаган тақдирда, у таҳлил

қилинаётган натижаларга нотўғри баҳо беришга, қурилиш корхоналарининг иш самарадорлигини ошириш юзасидан нотўғри таклифлар киритишга олиб келади. Демак, молиявий-иқтисодий таҳлил натижаларига амалиётда ҳолисона-тўғри баҳо берилса, қўлланилса, юксак-юқори натижаларга эришилиб, камроқ харажатлар билан кўпроқ фойда олинади.

## **8.2. Молиявий таҳлилнинг мақсади, босқичлари ва асосий шакллари**

Молиявий таҳлилнинг мақсади ҳисобот маълумотлари орқали корхона хўжалик фаолиятида ўтган даврда, таҳлил қилинаётган вақтда эришилган ҳамда келгусида эришиладиган молиявий натижалар ҳамда молиявий ҳолатга ҳар томонлама баҳо беришдан иборат.

*Молиявий таҳлилнинг асосий босқичларини қуйидаги 3 гуруҳга бўлиш зарур:*

1. *Таҳлилнинг мақсадини аниқлаш ва унга ёндашиш йўлларини белгилаш.* Бу босқичда корхона кўрсаткичларини миллий иқтисодиёт, тармоқ бўйича ўртача кўрсаткичлар билан, ўтган йилги ва режадаги кўрсаткичлар ҳамда бошқа турдош корхоналарнинг кўрсаткичлари билан солиштириш мумкин.

2. *Таҳлил учун тақдим қилинган ахборотлар ва таҳлил манбалари сифатига баҳо бериш.* Бу босқичда ахборотларнинг тўғрилиги, йиллик ҳисоботлардаги кўрсаткичлар таҳлил талабларига жавоб бера олиш-олмаслиги текширилади.

3. *Иқтисодий таҳлил усулларида фойдаланган ҳолда таҳлил ўтказиш ва унинг натижаларини расмийлаштириш.* Ушбу босқичда корхонанинг молиявий натижалари, молиявий коэффицентлар ва молиявий ҳолати бўйича бевосита таҳлил қилинади, бу жараёнда таҳлилнинг ҳар хил усулларида фойдаланиб, олинган натижаларга асосан тегишли хулосалар чиқарилади ва молиявий аҳволни яхшилаш чора-тадбирлари ишлаб чиқилади.

Молиявий таҳлилнинг асосий шакллари қуйидагилардан иборат:

*Горизонтал таҳлил.* Бу таҳлилда ҳисобот давридаги кўрсаткичлар ўтган даврдаги ҳамда режалаштирилган кўрсаткичлар ва турдош корхоналарнинг кўрсаткичлари билан солиштирилади.

*Вертикал таҳлил.* Таҳлилнинг бу шаклида товар айланиши ҳажмида айрим олинган товар гуруҳларининг салмоғи, жами асосий фондларда ишлаб чиқаришга тааллуқли асосий фондларнинг қиймати ва салмоғи аниқланади ва ўрганилади.

*Динамик таҳлилда* кўрсаткичларнинг бир неча йиллар мобайнидаги ўзгариши ўрганилади. Бу шаклдаги таҳлил кўпинча истиқболни, келажакда амалга ошириладиган ишларни белгилаш учун ўтказилади.

*Макон таҳлили.* Бу шаклдаги таҳлилда қилинаётган объект кўрсаткичлари бошқа турдош объект кўрсаткичлари билан солиштирилади.

*Нисбий кўрсаткичлар таҳлили* натижалари бўйича хулосалар чиқариш учун жуда кўплаб коэффициентлар, индекслар, фоизлардан фойдаланган ҳолда ўтказилади.

*Омилли таҳлилда* натижаларга бир қанча омилларнинг таъсири ҳисобланиб, мавжуд имкониятлар аниқланади ва келгусида улардан самарали фойдаланиш йўллари белгилаб берилади.

### **8.3. Молиявий таҳлил субъектлари, уларнинг мақсади ва манфаатдорлиги**

Корхона молиявий ҳолати таҳлилининг субъектлари қуйидагилардан ташкил топади:

- корхонанинг бошқарувчиларидан;
- акциядорлар ва бошқа инвесторлардан;
- солиқ идораларидан;
- банк муассасаларидан;
- кредиторлардан;

-статистика ва истиқболни белгилаш идораларидан;

-товар жўнатувчилардан;

-товар олувчилардан.

Улар ўз фаолиятларида қуйидаги мақсадларга асосланади:

*-корxonани бошқарувчилар* молиявий-хўжалик фаолияти самарадорлигига баҳо бериш, мавжуд ички имкониятларни топиш, улардан фойдаланиш чора - тадбирларини ишлаб чиқиш ва корxonанинг молиявий жихатдан барқарорлигини, мустақиллигини ва рақобатбардошлигини таъминлашга;

-акциядорлар ва бошқа инвесторлар ўзлари оладиган дивиденд миқдорини, акциянинг бозор баҳосини аниқлаш ва корxonанинг келгусидаги истиқболини билиш;

-солиқ идоралари солиқларнинг ўз вақтида тўланиши, тўғри ва тўлиқ тўланганлигини текшириш;

-банк муассасалари, кредиторлар пул маблағлари ва бошқа кредит ресурсларини аниқлаш, меҳнатга ҳақ тўлаш фондидан мақсадга мувофиқ фойдаланилаётганлигини, олинган кредит ва бошқа мажбуриятларнинг тегишли фоизи билан тўловга қодирлиги даражасини текшириш;

-статистика ва истиқболни белгилаш идоралари статистик жаҳатдан ҳисобга олиш ва умумлаштириш;

-товар жўнатувчилар жўнатиладиган товарлар учун тўланадиган маблағлар борлиги ёки йўқлигини текшириш;

-товар олувчилар маҳсулот баҳосининг асосланганлиги, сифати, андозага тўғрилиги, стандарт талабига жавоб бериши ва вақтида етказиб бера олиншини билиш.

Юқоридаги кўрсаткичларни ҳисобга олган ҳолда хўжалик фаолияти натижаларидан қуйидагилар бевосита манфаатдорлар: корxона маъмурияти; солиқ ташкилотлари; сотиб олувчилар ва сотувчилар; қарз берувчилар ва мулк эгалари.

Хўжалик фаолияти натижасидан касаба уюшмалари, матбуот муассасалари, ассоциациялар, масалаҳатчилар, биржалар ва аудиторлик фирмалари билвосита манфаатдорлар.

#### **8.4. Корхоналарда молиявий таҳлил услублари ва усулларини ўрганиш**

Ҳар бир фан ўзининг услублари ва усулларига эга бўлгани каби молиявий-иқтисодий таҳлилнинг ҳам ўз услублари ва усуллари бор. Молиявий-иқтисодий таҳлил фанининг услуби дейилганда, хўжалик жараёнларининг ҳолати ва ривожланишини диалектика услубига ёндашган ҳолда ўрганишга айтилади.

Бунга хўжалик имкониятларини топиш ва хўжаликнинг иш жараёнидаги самарадорлигини ошириш йўллари белгилаш мақсадида ишлаб чиқарувчи кучлар ва иқтисодий қонунларнинг таркибий қисмларини бўлиб қуриш воситасида эришилади.

Табиат, жамият ва тафаккурнинг ривожланиш қонунларини тадқиқ қилиш ҳамда ўрганишнинг бирдан бир тўғри йўли (илмий услуби) диалектик услубдир. Шунинг учун ҳам бу услуб ҳамма фанларнинг, шу жумладан, молиявий-иқтисодий таҳлил фанининг назарий ва услубий асосини ташкил этади. Материалистик диалектика молиявий-иқтисодий жараёнларнинг бирлигида, ўзаро алоқалари, ҳаракат ва ривожланишида ўрганишни талаб қилади.

Бирон бир ходисани ўзаро боғлиқлик ва ўзини ўраб турган бошқа ходисалардан ажралиб олиб кўриладиган бўлса, уни ҳеч вақт ҳеч қачон тўғри тушиниб бўлмайди. Шунинг учун ҳам айрим хўжаликлар иқтисодининг таҳлили корхоналар ва ташкилотлар фаолиятини комплекс тарзда далиллар ва барча маълумотларнинг ўзаро боғлиқлигида ўрганишни тақозо қилади. Масалан, товар айланиши (обороти) режанинг бажарилишини таҳлил қилишда бу режанинг ғоят жиддийлигини ва унга таъсир қилувчи ва



белгиловчи омилларни таҳлил қилмоқ зарур. Бу омиллар эса товар айланиш режасининг бажарилишида қурилиш корхоналарининг тегишли материаллари, ишчи кучи, машиналар ва моддий-техника ресурслари билан таъминлаш ҳамда шу ресурслардан унумли фойдаланиш даражаси, табиий шароитлари ва бошқа омиллардан иборат.

Молиявий-иқтисодий таҳлилда омил деганимизда у ёки бу хўжалик жараёнининг такомиллашиши учун зарур шароитлар ҳамда бу жараёнларнинг натижаларига таъсир этадиган сабаблар тушинилади. Қурилиш корхоналари ва ташкилотларининг фаолияти серқирра бўлганлигидан, улар бажарадиган ишларнинг натижалари ҳам хилма-хил омилларга боғлиқдир. Шунинг учун ҳам молиявий-иқтисодий таҳлил вақтида айрим омил таъсиринигина эмас, балки бутун бир комплекс омиллар таъсирини ўрганиш ва ҳар бирини алоҳида олган ҳолда ўрганиб чиқиш зарурияти туғилади. Агар молиявий-иқтисодий таҳлил жараёнида ўзаро боғлиқ омиллардан бирортаси таҳлил қилинмасдан тушиб қолдириладиган бўлса, таҳлил натижаси бўйича чиқариладиган хулосалар аниқ ва тўғри бўлмайди.

Молиявий-иқтисодий таҳлилнинг сифати ва хулосаларининг мақбул бўлиши кўп жиҳатдан таъсир кўрсатувчи омилларнинг чуқур ўрганилишига боғлиқ.

*Диалектик матетиализм услуби* шуни ўргатадики, ривожланиш пастдан юқорига қараб содир бўлади, билиш эса оддийдан мураккабга, хусусийдан умумийга томон ривожланиб боради. Шунинг учун молиявий-иқтисодий таҳлил услуби тадқиқотнинг индукция ва дедукция усулларини ўз ичига олади. Хусусий, якка далил олиниб, унинг асосида умумий ҳолда ҳосил қилинадиган бўлса, бу-индукция усули бўлади; аввал бошданоқ барча хусусий ҳолларни ўз ичига олган умумий қоида ҳосил қилинадиган бўлса, бу-дедукция усули бўлади.

Иқтисодий ҳаётнинг барча ҳодисалари бир-бири билан сабабий, натижавий боғлиқ бўлади. Шунинг учун ҳам молиявий-иқтисодий таҳлилда

қурилиш корхоналари ва ташкилотлари ишларининг натижаларига салбий таъсир кўрсатадиган сабабларнинг олдини олиш мақсадида ана шу боғлиқликни аниқлаб олиш лозим.

Таҳлил жараёнида қурилиш корхоналарининг самарадорлигини ва бу самарадорликка таъсир даражаси текшириляётганда молиявий-иқтисодий таҳлил иқтисод ва бошқа фанлар эришган муваффақиятларга таянади. Ўз навбатида молиявий-иқтисодий таҳлил услубининг қўлланилиши бошқа иқтисодий фанларни қурилиш корхоналари ва ташкилотлари фаолиятида юз бераётган жараёнлар хақидаги янги маълумотлар билан бойитишга имкон туғдиради. Бундан ташқари, қурилиш корхоналари ва ташкилотларининг хўжалик фаолиятини илмий асосда комплекс таҳлил қилмоқ учун диалектик услубни қўллай билиш билан бирга иқтисодий фанларнинг бутун тизимини, иқтисодий назарияни, қурилиш корхоналари иқтисодини, қурилишда режалаштириш ва ташкил этишни, бухгалтерия ҳисоби, статистика ва бошқа фанларни чуқур билиш лозим.

Хўжалик фаолиятини ўрганиш учун умумий асос қилиб олинган услубга кўра таҳлил жараёнида текшириш маълумотларини қайта ишлаш ва ҳоказоларнинг махсус усулларида фойдаланилади. Таҳлил тадқиқ усули бўлиб, шу усул воситаларида ходисалар ўртасидаги сабабий боғланиш ва ўзаро боғлиқликлар ўрганилади.

Молиявий-иқтисодий таҳлил усуллари ва йўллари мажмуасини шартли равишда икки гуруҳга бўлиш мумкин: анъанавий ва математик усуллар.

Анъанавий усуллар. Статистика, бухгалтерия ҳисоби ва иқтисодий назарияда қўлланиладиган усулларга таянади. Бу усуллар молиявий-иқтисодий таҳлил пайдо бўлиши-ю молиявий-иқтисодий таҳлилнинг алоҳида махсус фан бўлганидан буён қўлланилади. Молиявий-иқтисодий таҳлилнинг анъанавий усулларида таққослаш, гуруҳлаш, занжирли алмаштириш усули, мутлоқ (абсолют) миқдор усули, нисбий миқдор усули, интеграллаш усули, индекс усули, кўрсаткичларни баланс билан боғлаш усуллари қўлланилади.

Математик усулларнинг муҳим қисми фақат электрон ҳисоблаш машиналарида кенг қўлланилади.

Математик усулда чизиқли дастурлаштириш усули, математикавий назарий ўйин усули, математик назарий оммавий хизмат қилиш, ток сонларнинг тўплами назарияси ва бошқалар қўлланилади.

Юқорида айтилган усуллардан фойдаланиб, хўжалик фаолиятини таҳлил қилиш хўжаликдаги янги имкониятларни топишга ёрдам беради, хўжаликнинг иш фаолиятини янада оширади.

Таҳлилда энг кўп қўлланиладиган усуллардан бири – таққослаш (солиштириш) усули. Бу усулда бир неча кўрсаткичлардан фойдаланилади. Жумладан, ҳақиқатда эришилган билан, мажбуриятлар билан таққослаш; йиллик ёки даврий маълумотлар билан таққослаш, ўрганилаётган хўжалик кўрсаткичларини шунга ўхшаш бошқа хўжалик кўрсаткичлари билан, шунингдек, туман, вилоят, мамлакатнинг ўртача маълумотлари билан таққослашдир. Таҳлил қилишда қўлланиладиган таққослаш усулининг мазкур шакллари қурилиш корхоналарида ва ташкилотларида товар айланиши режасининг бажарилишини таъминлаш, муомала харажатларини камайтириш ҳисобига рентабеллик даражасини ошириш имкониятларини топишга имкон беради, илғор тажрибаларнинг таҳлил қилаётган хўжаликда жорий қилинишига ёрдам кўрсатади.

Таққослашда вазиятга қараб натура ёки қиймат кўрсаткичларидан фойдаланиш мумкин. Лекин, таққосланадиган кўрсаткичлар чоғиштириладиган бўлиши шарт, яъни миқдорий омиллар бирлиги ҳамда вақт даври муносиблиги таъминланиши лозим.

Статистик гуруҳлаш усули. Маълумотларни маълум белгиларга кўра гуруҳларга бўлиш статистик текширишнинг муҳим усули ҳисобланади. Бунинг ёрдамида хўжалик бўлинмалари товар айланиши ҳажми, меҳнат унумдорлигининг товар айланиши ҳажмиги боғлиқлиги ва бошқалар аниқланади. Гуруҳлаш усули, шунингдек, қурилиш корхоналарида режалаштириш ва режанинг бажарилиши устидан назорат қилишда

қўлланилади. Статистик усул дейилишининг боиси шундаки, бунда кўрсаткичлар бир қанча статистик маълумотларни гуруҳларга бўлиш асосида ўрганилади.

Маълумотларни молиявий-иқтисодий таҳлил қилишда жадвалларнинг тўғри тузилишига алоҳида аҳамият бериш керак. Чунки таҳлилнинг сифати кўп жиҳатдан жадвалларнинг тўғри тузилишига боғлиқ. Жадваллар қанчалик яхши ва аниқ тузилса, текшириш натижалари, рақамлар очик ва равшан ҳамда ишонарли қилиб тасвирланиши мумкин бўлади. Жадваллар тўғри тузилмаса, иқтисодий жараёнларнинг бир-бирига боғлиқлиги ҳамда уларнинг ривожланишидаги қонуниятларини аниқ курсатишни иложи бўлмайди. Жадвалларнинг шакллари жуда хилма-хил бўлиши мумкин. Улар молиявий-иқтисодий таҳлил қилишнинг мақсад ва вазифаларига қараб ўзгариб туради.

Ўрта кўрсаткичлар – ўрта арифметик ва ўртача хронологик кўрсаткичлар бўлиб, уларнинг бири иккинчисидан фарқ қилади. Ўртача ўлчам арифметик кўрсаткичлар жамида салмоғи ҳар хил бўлган бир неча хилма-хил вариантларнинг ўртача кўрсаткичларини ҳисоблашда қўлланилади.

Ўртача хронологик кўрсаткич вақтида ўзгарадиган кўрсаткичлардан (йиллик ўртача маҳсулот захиралари, йиллик муомала маблағларининг ўртача қиймати, асосий капиталнинг йиллик ўртача қиймати ва ҳоказолар) ҳисоблаб чиқарилади.

Нисбий рақам – бир мутлақ рақамнинг бошқасига нисбатан аниқланадиган кўрсаткичлардир. Фоизлар, коэффицентлар, индекслар шулар жумласидандир.

Фоизлар рақамлар ўртасидаги нисбатни ифодалаш учун ишлатилади. Шунингдек, фоизлар режа бажарилишини ифодалашда, кўрсаткичларни динамик таққослашда, тузилиш усулини белгилашда, рентабеллик кўрсаткичлари ва бошқаларни ифодалашда ҳам кенг қўлланилади.

Коеффициентлар – таққослаб кўриладиган рақамлардан бирининг иккинчисига қараганда катта ёки кичиклигини кўрсатувчи нисбий рақамлардир. Бунда таққослаш асосида коеффициент олинади.

Индекслар бевосита жамлаб бўлмайдиган мураккаб иқтисодий ходисалардаги ўзгаришларни ифодалайдиган кўрсаткичлардир.

Таққослаш асосига қараб индекс базисли (асосий) ва занжирли индексга бўлинади. Базисли индекслар ҳисоблаб чиқариладиган биринчи (асосий) кўрсатма юз ёки коеффициент ҳисобида олинади, ундан кейин келадиган рақамлар (кўрсаткичлар) асосий кўрсаткич деб, нисбатан фоизларда ёки коеффициентларда ҳисобланади.

Занжирли индекслар ҳисоблаб чиқарилганда дастлабки давр кўрсаткичи асос қилиб олинмайди, балки кейин келадиган ҳар қайси кўрсаткич олинади, яъни уларнинг асоси ўзгариб туради, бошқача қилиб айтганда, улар ўзгарувчан асосга эга бўлади. Хоналарнинг умумий фаолиятини изоҳлашга, товар айланиш режасининг бажарилишини, ялпи даромад ва фойда миқдорининг купайишини, муомала харажатларини камайтириш имкониятларини қидириб топишга ёрдам беради.

Айирмалар усули – таҳлил қилинаётган (ҳисобот) кўрсаткичларнинг асосий кўрсаткичларга нисбатан айирмаларини белгилаш учун қўлланилади. Айирмалар усулини ишлатиб режа билан ҳисобот ўртасидаги айирмани аниқлаймиз.

Занжирли боғланиш усули – шунинг натижасига таъсир қилувчи бир неча омилларни аниқлаш учун қўлланилади. Чунки омиллардан ҳар бири ўзгарувчан деб фараз қилинса, мумкин бўлган ҳар қандай комбинациянинг натижалари топилади.

Кўрсаткичларни балансли боғлаш усули – таҳлилдагина эмас, балки бухгалтерия ҳисоби ва унинг ривожланишда ҳам кенг қўлланилади. Бу усул бир-бири билан боғлиқ бир неча миқдорнинг мувозанатига ишонч ҳосил қилиш ёки бир неча маълум омил ёрдамида номаълум омилнинг таъсирини аниқлаш зарур бўлган ҳолларда қўлланилади. Бу усул товар ва бухгалтерия

балансини тузишда ва реализация ҳажмига таъсир кўрсатувчи омилларни таҳлил қилишда ҳамда корхонанинг тўлаш қобилиятини аниқлашда қўлланилади.

Корреляция – таҳлил усули бўлиб, у ўрганиладиган ҳодисалар ўртасидаги алоқа фаолияти тобалик кўринишида бўлмаган ҳолларда қўлланилади.

Бу усул математик статистика усуллари ёрдамида турли йўналишда таъсир кўрсатувчи айрим омиллар ўртасидаги турли даража (алоқа зичлиги)нинг боғлиқлигини ҳисоблаб чиқишга улар ўртасидаги энг мувофиқ нисбатни топишга ҳамда натижавий кўрсаткич билан уни тақозо қилган омил ёки омиллар ўртасидаги миқдорий боғлиқликни белгилашга имкон беради. Молиявий-иқтисодий таҳлилда корреляция усулининг қўлланилиши ўрганиладиган ҳодисаларни пухта билиб олишга имкон туғдиради, молиявий-иқтисодий тадқиқотнинг самарадорлигини оширишга ёрдам беради.

Бу усулда иккита кўрсаткичнинг алоқа зичлиги алоҳида коэффицентлар билан ўлчанади, уларнинг муносабати ва ўзгариши нолдан биргача бўлади.

Чизиқли режалаштириш усули – бир- бири билан боғлиқ мураккаб ҳодисаларни таҳлил қилишда қўлланилади. Бу усул корхонанинг иқтисодий фаолиятига оид кўп масалаларни хусусан оз сарфлаб, юқори натижаларга эришишни таъмин этадиган мувофиқ режали йўл танлаш ва таҳлил қилишда энг мувофиқ вариантлар топишга имкон яратади. Бу усул транспорт харажатларини таҳлил қилишда, қурилиш корхоналарига материалларни бир меъёردа етказиб беришда транспорт воситаларидан фойдаланишнинг муқобил вариантини аниқлашда қўлланилади. Бундай ҳисоблаш компьютер воситасида амалга оширилади.

Аналитик жадваллар тузиш – таҳлилнинг муҳим усулидир. Таҳлилнинг сифати кўп жиҳатдан ишлаб чиқариш сифатига боғлиқ бўлади. Яхши тузилган жадвал рақамларнинг мантиқий изчилликда жойлаштиришга, текшириш натижаларини очиқ-ойдин, аниқ ва ишонарли қилиб тасвирлашга

имкон беради. Жадвалнинг жойи ва мазмуни таҳлилнинг мақсад ва вазифасига боғлиқ.

Кўрсаткичларнинг чизма тасвири – тез муддат ичида таҳлил қилишда, масалан, режанинг бажарилиши даражасини, кўрсаткичлар, тузилишлар, ўзаро алоқалар динамикасини ўрганишда кенг қўлланилади. Кўрсаткичларнинг чизмада ёки геометрик шаклларидаги масштабли тасвири аналитик жадвалларга муҳим қўшимчадир. Улар кўп кўрсаткичларни аниқ ва равшан қилиб таърифлашга, корхонанинг қатор йиллар ўсишида шу ҳисобот давридаги хўжалик фаолиятини кенг оммага тушинарли қилиб етказишга ёрдам беради.

### **Назорат ва муҳокама учун саволлар**

1. Корхонада молиявий таҳлилнинг моҳияти ва ўрни?
2. Молиявий таҳлил вазифаларига нималар киради?
3. Молиявий таҳлилнинг асосий босқичларига нималар киради?
4. Омилли таҳлил деганда нимани тушунасиш?
5. Комплекс таҳлил деганда нимани тушунасиш?
6. Индукция ва дедукция усулларини тушунтириб беринг?
7. Статистик гуруҳлаш усулини тушунтириб беринг?

## **IX – БОБ. КОРХОНА ФАОЛИЯТИ МОЛИЯВИЙ НАТИЖАЛАРИ ТАҲЛИЛИ**

### **9.1. Молиявий ҳисобот натижаларини баҳолаш усуллари**

Молиявий ҳисоботнинг таркиби бухгалтерия баланси (1-шакл), молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот (2-шакл), асосий воситаларнинг ҳаракати тўғрисидаги ҳисобот (3-шакл), пул оқимлари тўғрисидаги ҳисобот (4-сон шакл), хусусий капитал тўғрисидаги ҳисобот (5-шакл), дебиторлик ва кредиторлик қарзлари тўғрисидаги маълумотнома (2-шакл)дан иборат. Молиявий ҳисобот шунингдек, бюджетга солиқлар бўйича мажбурий тўловларга оид ҳисоблар ёки декларациялар ва статистик ҳисоботларни ҳам ўз ичига олади.

Молиявий ҳисобот турли-туман ички ва ташқи тафсилотлар таъсирида шаклланади. Агар аудитор етарли миқдорда далил-исботлар тўплай олмаса, у ҳақда тегишли хулоса бера олмайди.

Аудитор молиявий ҳисоботни текширишга киришган пайтда баланс ва унинг бошқа шакллари мазмунан кўриб чиқиб, улар орасидан текширилиши лозим бўлган аниқ элементларни ажратиш олади. Ўзаро боғлиқ бўлган алоҳида элементлар аудитор сегментига бирлаштирилиши мумкин; ахборотни баҳолашга даврий ёндашувни таъминлайдиган аудитор бу сегментларнинг баъзиларидан қайта-қайта фойдаланишга мажбур бўлади.

Аудитор ўз вазифасини бажарар экан, ҳисоботдаги ахборотнинг ҳар бир алоҳида элементи ишончлилигини тасдиқловчи алоҳида далилларни тўплайди. Далиллар назорат қилишда, тестлаш чоғида ҳамда у ёки бу хўжалик амал (операция)ларининг моҳиятини текшириш чоғида тўпланади.

Йиллик молиявий ҳисобот тўғрисида ишончли ахборот олишдан ким кўпроқ манфаатдорлиги нуқтаи назаридан манфаатдорларни ички ва ташқи манфаатдор томонларга ажратиш мумкин.



Ташқи фойдаланувчилардан баъзилари кўп ҳолларда ўзлари учун молиявий ҳисоботнинг ишончлилигини тасдиқловчи зарур иқтисодий ахборот – қўшимча далиллар олишни хоҳлайдилар. Буни улар ўзлари мустақил қилишлари ёки тегишли текшириш ўтказишни бошқа мустақил мутахассисларга топширишлари мумкин.

Умуман, ишончли бухгалтерия ахбороти муҳим вазифани бажаради. Бу ахборот бозор иқтисодиётида меҳнат, товарлар, капитал бозори самарадорлигини оширишга ёрдам беради. Бирок, бухгалтерия ахборотининг ишончлилиги фақат аудитга эмас, республикамиздаги ҳисоб сиёсатига ҳам боғлиқдир.

Аудит ҳамиша бухгалтерия ҳисоби услубиятидан келиб чиқади. Бу текширишнинг асосий мақсад-мазмуни ҳамда якуний баланс ва умуман, молиявий ҳисоботни тасдиқлаш ёки унинг тўғрилигини исботлашдан иборат. Лекин, ҳозирги молиявий ҳисобот санаб ўтилган фойдаланувчилар (аввало, инвесторлар)га мўлжал-ланганми, у амалда бундай хатар даражасини камайтира оладими? Тадқиқотлар шуни кўрсатмоқдаки, бу вазифа Ўзбекистонда тўла-тўқис ҳал қилинмаган.

Ҳисоб тизими ўз иқтисодий субъектига нисбатан ишлаб турган корхона концепцияси қўлланиши мумкинлигига қаратилган. Аудитор ҳам текширилаётган хўжалик тизими билан унинг бозордаги ўрнини сақлаб қолиш эҳтимоллигига баҳо бериши зарур. Акс ҳолда ҳисобнинг тугатиш концепциясини қўллаш зарур. Бунда барча активларга уларнинг корхонанинг ишлаб чиқариш давридаги қиймати нуқтаи назаридан эмас, балки эркин бозордаги харид қиймати нуқтаи назаридан қаралади: маълум харажатларни, келгуси давр даромадларини, молиявий натижаларини акс эттиришга ёндашуви ўзгаради.

Инвесторлар турли эмитент акцияларининг ишончлилиги ва даромад келтириш истиқболи хусусида доимо ноаниқ хомийларга дуч келадилар. Шу боисдан улар баъзан ахборот – инвестиция хатари жуда юқори бўлган шароитда қарор қабул қилишга мажбур бўладилар. Шу сабабли, уларнинг

нуқтаи назаридан қараганда, аудиторлик хулосасида эмитент корхонанинг бозордаги мавқеига, баланс кўрсаткичлари ҳақиқийлигини белгилайдиган асосий омилларга берилган баҳо бўлиши керак.

Фикримизча, бозор шароитида ҳисоб ҳақиқий қиймат бўйича баланс бўлимларини акс эттиришга қаратилиши лозим. Лекин мавжуд ҳисоб тизимида бу вазифани ҳам тўла ҳал қилинган, деб бўлмайди.

Текширишда тегишли шаклдаги кўрсаткичлар молиявий ҳисоботнинг ҳар бир шакли бўйича бош дафтар счётлари асосида қолдиқлар суммалари билан алоҳида-алоҳида солиштирилади.

Ҳисобот шаклларидаги кўрсаткичларни бош дафтардаги маълумотлар бўйича текшириб бўлмайдиган ҳолларда аудиторлар таҳлилий ҳисобнинг тегишли регистрларидан фойдаланадилар.

Бухгалтерия баланси ва бош дафтар кўрсаткичлари мувофиқлигини текшириш натижалари аудиторнинг иш ҳужжатида умумлаштирилади.

Бухгалтерия балансида кўрсаткичлар «нетто» баҳоланган ҳолларда (масалан, «Асосий воситалар моддаси») аудиторнинг иш ҳужжатида олдиндан бош дафтар маълумотлари бўйича қиёсий тарзда ҳисоблаб чиқилади. Агар бухгалтерия балансида акс эттириладиган кўрсаткичлар ўзаро боғлиқ (синтетик) бир неча счётлар (масалан, «материаллар» моддаси) бўйича сальдо қийматидан иборат бўлса ёки кичик счётлар бўйича бўлса, тегишли счётлар бўйича қолдиқлар жамланишининг тўғрилиги аудитор иш ҳужжатидаги ёзувлар ва ҳисоблар билан тасдиқланади.

Текшириш жараёнида аниқланган тафовутлар тўғрисидаги маълумотлар аудиторнинг ИҲ-1 - «Бухгалтерия баланси кўрсаткичлари ва асосий китоб регистрлари мувофиқлигини текшириш натижасида аниқланган тафовутлар тўғрисидаги маълумотлар» шаклидаги ҳисобот ҳужжатида умумлаштирилади ва аудиторлик текширишининг тегишли бўлимига киритилади (9.1-жадвал).

9.1 - жадвал

Аудиторнинг таклиф этаётган ишчи хужжати – ИХ - 1

Бухгалтерия ҳисобида йўл қўйилган хато ва камчиликлар, уларнинг молиявий ҳисобот ҳаққонийлигига таъсири

№	Тартибга солувчи меъёрий хужжат	Йўл қўйилган хато ва камчиликларнинг таснифи	Хатоларнинг молиявий ҳисобот ҳақиқийлигига, солиқ қонунчилигига таъсири
1	«Харажатлар таркиби тўғрисидаги Низом», 1-илова, 1.18-банд.	Бош муҳандиснинг хизмат сафари бўйича аванс ҳисоботи тасдиқланган ва меъёрдан ошиқча 250 минг сўм тўланган	Низомнинг 1-иловасига мувофиқ хўжалик юритувчи субъектнинг даромад(фойда) солиғи бўйича солиқ солинадиган базани сунъий камайтирган ва фойданинг асосиз 250 минг сўмга ошишига олиб келган.
2	«Харажатлар таркиби тўғрисидаги Низом», 1-илова, 1.25-банд.	Дастлабки хужжатларга мувофиқ ҳисобланган меҳнат ҳақи суммаси ишчиларнинг шахсий варақалари, ҳисоб-тўлов, ҳисоблашиш ведомостлари, ҳисоб регистрлари (журнал-ордер, бош дафтар) маълумотларига кўра, 6300 минг сўмга тўғри келмайди.	6700 - «Меҳнат ҳақи юзасидан ходимлар билан ҳисоблашишлар» счегининг обороти ва қолдиғи 6300 минг сўмга асосиз ошишига олиб келган, натижада баланснинг (1-шакл) пассив қисмидаги II бўлим, 720-сатр 6300 минг сўмга асосиз ошган.
3	«Харажатлар таркиби тўғрисидаги Низом», 1-илова, 1.35-банд.	Ишлаб чиқариш жараёнига бевосита тегишли бўлмаган моддий бойликларнинг меъёрдан ошиқча табиий камайиши - 2400 минг сўм маҳсулот таннархига киритилган.	Маҳсулот таннархини сунъий равишда 2400 минг сўмга оширган, шунингдек, фойда солиғи бўйича солиқ солинадиган базага киритилмаган. Ҳисоботнинг (2-шакл) 250-сатр фойда солиғи 2400 минг сўмга камайтирилган.
4	«Харажатлар таркиби тўғрисидаги Низом», 1-илова, 2.1., 3.1-бандлар	Дам олиш кунларида ишлаган ишчиларга тариф ставкаларига ва маошларига устама ҳақлар 1450 минг сўмга ҳисобланган.	Солиққа тортиладиган базага киритилмаган. Натижада ҳисоботнинг 2-шакли 250-сатр фойда солиғи 1450 минг сўмга камайган.
5	«Харажатлар таркиби тўғрисидаги Низом», 1-илова, 1.32-банд.	Ходимларга касаллиги туфайли моддий ёрдам сифатида берилган 2940 минг сўм маҳсулот таннархига киритилган.	Маҳсулот таннархига қўшилиб, уни сунъий равишда 2940 минг сўмга оширган, шунингдек, фойда солиғи бўйича солиқ солинадиган базага киритилмаган. Ҳисоботнинг (2-шакл) 250-сатр фойда солиғи 2940 минг сўмга камайган.
6	«Харажатлар таркиби тўғрисидаги Низом», 1-илова, 1.33-банд.	Соғломлаштириш лагерларини сақлаш ва ишлатиш учун 11500 минг сўм тўланган.	Солиққа тортиладиган базага киритилмаган. Натижада ҳисоботнинг 2-шакли 250-сатр фойда солиғи 11500 минг сўмга камайган.

Аудитор молиявий ҳисобот аудитини ўтказётган дастлабки ҳужжатлардаги маълумотлар бўйича аниқланган тафовутлар таснифи аудиторнинг биз таклиф этаётган ишчи ҳужжати – ИХ-1 - шаклида расмийлаштирилади.

Дастлабки ҳужжатлар маълумотлари ҳисоб регистрларидаги маълумотлар билан таққосланиб, тафовутлари аниқланади. Аудиторнинг ишчи ҳужжати – ИХ-1 - шаклда келтирилган тафовутлар суммалари - ИХ-2 - шаклда умумлаштирилади. Бу шаклга мувофиқ йўл қўйилган хато-камчиликлар суммаларига тузатиш проводкалари тавсия тарзида бериледи. Аудиторнинг таклиф қилинган ишчи ҳужжатлари (ИХ-1 ва ИХ-2) шакллари аниқланган тафовутлар тўғрисида тезкор, аниқ маълумотлар олишга имкон беради, шунингдек, аудитор ишининг сифатини оширади.

Бошқа ҳисоботлардаги кўрсаткичларнинг (бухгалтерия баланси бундан мустасно) мувофиқлигини текшириш натижалари аудиторнинг ИХ-2 шаклидаги ишчи ҳужжатида умумлаштирилади.

Текшириш давомида ўзаро боғлиқ счётлар ҳамда таҳлилий ҳисоб бўйича қолдиқлар ва оборотлари солиштирилади. Текшириш, одатда, танлаб ўтказилади. Танлов миқдори текшириш учун танлаб олинган синтетик ва таҳлилий ҳисоблаш счётлар миқдори, уларнинг номи, текширилаётган даврлари, моддийлик даражаси аудит дастурини тузиш вақтида белгилаб олинади.

Текшириш учун қуйдагилардан фойдаланилади:

а) ҳисоб юритишнинг журнал-ордер усулида – журнал-ордерлар, ўзаро боғлиқ ҳисоблашга тегишли таҳлилий ҳисоблаш ведомостлари (карточкалари);

б) ҳисоблаш техникасидан фойдаланганда - синтетик счётларнинг машинаграмма-ведомостлари;

в) ҳисоб юритишнинг соддалаштирилган шаклида хўжалик амал (операция)ларини ҳисоблаш дафтари, таҳлилий ҳисобнинг карточкалари (журнал, дафтар).

## 9.2-жадвал

Аудиторнинг таклиф этаётган ишчи ҳужжати – ИҲ - 2

## Молиявий ҳисобот кўрсаткичларини текширишнинг якуний натижалари тўғрисидаги ҳисоб-китоблар\*

Кўрсаткичлар	Ҳисобот маълумотлари бўйича			Ахборот манбалари (бош дафтар, ҳисоб регистрлари)	Счётлар бўйича Суммалар		Ҳисоботдаги фарқи		Счётлар корреспонденциясига тузатишлар	
	сатр коди	устун	счёт рақами		бухгалтерия маълумотлари бўйича	аудит маълумотлари бўйича	камайган	кўпайган	Д-т	К-т
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11
Даромад (фойда) солиғини тўлагунга қадар фойда (зарар)	240	5	9910	Бош дафтар, «Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот», 2-шакл	9540	9290		250	9910	9430
Меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича қарз	720	4	6710	Баланс, 1-шакл, бош дафтар	22630	16330		6300	6710	9430
Захира капитали	430	4	8510	Баланс, 1-шакл, бош дафтар	185450	196650	11200		8510	8520
Асосий воситалар	012	4	0160	Баланс, 1-шакл, бош дафтар	185450	196650	11200		0160	8510
Асосий воситаларнинг эскириши	011	1,4	0260	Баланс, 1-шакл, бош дафтар	7330	9780	2450		8510	0260

Текшириш натижалари аудиторнинг текширилган ҳар бири счётларга алоҳида тузиладиган ИХ – 2-шаклдаги ишчи ҳужжатида умумлаштирилади. Текшириш жараёнида аниқланган тафовутларга аудитор томонидан молиявий ҳисоботга тузатиш киритиш учун тавсиянома берилади (аудиторнинг ИХ – 2-шаклдаги ишчи ҳужжатига мувофиқ 9.2-жадвал).

Хулоса қилиб айтганда, юқорида санаб ўтилган аудиторлик далиллари молиявий ҳисоботнинг ҳақиқийлигини исботлашда жуда муҳимдир. Аудитор далолат бериш вазифасини бажариш билан турли манбалардан олинган ахборотларни бир-бирига қиёслайди. Шу тариқа ахборот хатарини камайтиради, уни энг мақбул даражагача пасайтиради. Натижада, хўжалик юритувчи субъектнинг молиявий ҳисоботига берилган ҳолисона хулосанинг ҳаққонийлиги, объективлиги ошади.

## **9.2. Корхонанинг молиявий натижалари таҳлили**

Молиявий натижа- корхона ишининг фойда суммаси ва рентабеллик даражасида ифодаланадиган якунидир. Корхонанинг молиявий ҳисоботида молиявий натижалар 2-шакл “Молиявий натижалар тўғрисида ҳисобот” асосида аниқланади ва таҳлил қилинади. Бухгалтерия балансининг баланс пасиви 1-бўлими “Ўз маблағлари манбалари”да тақсимланмаган фойда кўрсатилади.

Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги тасдиқлаган Маҳсулот (ишлар, хизматлар) ишлаб чиқариш ва уни сотиш харажатларининг таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисидаги низомга кўра фойданинг қуйидаги кўрсаткичлари фарқланади.

- маҳсулотни сотишдан ялпи фойда;
- асосий фаолиятдан кўрилган фойда:
- умумхўжалик фаолиятидан кўрилган фойда:
- солиқларни тўлашдан олдинги фойда:
- соф фойда:

Маҳсулотни сотишдан ялпи фойда (ЯФ) корхонанинг маҳсулотни сотишдан олган даромадини тавсифлайди ва маҳсулот сотишдан тушган соф тушум ва сотилган маҳсулот таннархи ўртасидаги фарқ сифатида қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$\mathbf{ЯФ = СТ-МТ}$$

**Маҳсулот сотишдан соф тушум (СТ)** - маҳсулотни сотишдан қўшилган қиймат солиғи ва акциз солиғи чиқарилгандан кейинги соф тушум суммасидир. Бу кўрсаткич корхонанинг маҳсулотни сотишдан кўрган фойдасидир.

**Сотилган маҳсулот таннархи (МТ)** - корхонанинг маҳсулотни чиқаришга қилган харажатлари, у ишлаб чиқариш мақсадидаги бевосита ва билвосита, моддий ва меҳнат сарфларини ўз ичига олади.

**Асосий фаолиятдан кўрилган фойда (Ас. ф.ф.)** – корхонанинг асосий фаолиятдан (қурилишда – тугалланган қурилиш ишлари ва шу кабилар) олган фойдасини тавсифлайди.

Бу фойдани аниқлаш учун ялпи фойдадан давр харажатлари (Дхар) ва бошқа харажатлар (Бхар) чегирилиши ва асосий фаолиятдан бошқа даромадлар (Бдар) қуйидаги формула бўйича қўшилиши керак.

$$\mathbf{Ас. ф.ф. = ЯФ - Дхар + Бхар - Бхар}$$

Давр харажатлари – ишлаб чиқариш жараёни билан бевосита боғлиқ бўлмаган харажатлардир. Буларга бошқарув харажатлари, маҳсулотни сотиш ва умумхўжалик мақсадидаги бошқа харажатлар киритилади.

Асосий фаолиятнинг бошқа даромадлари ва харажатлари қурилиш маҳсулотларини жойлаштиришда боғлиқ бўлган ишлар, табиий камайиш нормаларидан ортиқча йўқотиш ва камомадлар, асосий воситалар ва бошқа мол – мулк реализациясидан заралар ёки даромадлар, олдинги йиллар операциялари бўйича зарарлар ёки даромадлар ва бошқалар жараёнида юзага келиши мумкин.

**Умумхўжалик жараёнидан олинган фойда (Умум ф.ф.)** - асосий фаолият плюс (минус) молиявий фаолият натижаларини тавсифловчи молиявий натижадир. Молиявий фаолият натижаларига: дивидендлар, олинган ва тўланган фоизлар, курс ва валютадаги фарқлар киритилиб, у қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$\text{Умум ф.ф.} = \text{Ас ф.ф.} + \text{Мол. ф.ф.} - \text{Мол. ф.хар.}$$

**Солиқларни тўлашдан олинган фойда (С.т.ол.ф.)** фавқулотда фойда ва зарарларни ҳисобга олиб, қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$\text{С.т.ол.ф.} = \text{Умум ф.ф.} + \Phi\Phi - \Phi\text{з}$$

Фавқулотда фойда ва зарарлар – корхона асосий фаолияти доирасига кирмайдиган ҳодисалар натижасида юзага келган ва қутилмаган даромат ва харажатлардир.

**Соф фойда (СФ)** – солиқлар тўлагундан сўнг корхона тасарруфида қоладиган фойда суммаси бўлиб, у қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$\text{СФ} = \text{С т.ол.ф.} - \text{Фойда солиғи} - \text{Бошқа солиқлар}$$

Бозор иқтисодиётида фойда кўрсаткичлари корхона хўжалик фаолияти молиявий натижаларининг энг асосий кўрсаткичлари ҳисобланади.

Молиявий натижаларни баҳолашда самарадорлик коэффиценти ҳам ҳисоблаб чиқилиши керак. Бунда хўжалик фаолияти кўрсаткичларига нисбатан фойда улишини кўрсатувчи рентабеллик кўрсаткичлари киритилади.

Бозор иқтисодиётида хўжалик субъекти – тадбиркорликнинг асосий мақсади корхонанинг барқарор ҳолатини сақлаган ҳолда сарфланган маблағлардан мумкин қадар кўпроқ фойда олишдир.

Қурилиш корхонаси хўжалик фаолиятини таҳлил қилишда асосий воситалардан фойдаланиш самарадорлигининг муайян даражаларини тавсифловчи турли рентабеллик кўрсаткичлари ҳисоблаб чиқилади. Улардан



хар бир курилиш корхонаси ва инвесторларни қизиқтирадиган асосийлари қуйидагилардир:

- маҳсулотни сотиш рентабеллиги;
- асосий сармоя рентабеллиги;
- ўз сармояси рентабеллиги;
- харажатлар рентабеллиги.

**Маҳсулотни сотиш рентабеллиги (Срен)** сотилган маҳсулот бирлигига фойда улушини, яъни сотилган маҳсулотнинг самарадорлик даражасини тавсифлайди ва қуйидаги формула бўйича ялпи фойда суммасини (ЯФ) маҳсулот сотишдан тушган тушумга (СТ) бўлиш йўли билан аниқланади:

$$\text{Срен} = \frac{\text{ЯФ} \times 100}{\text{СТ}}$$

**Асосий сармоя рентабеллиги (АсСрен)** – соф фойданинг қўйилган хўжалик маблағлари, яъни асосий сармоя 1 сўмига тўғри келадиган улуши бўлиб, у қуйидаги формула бўйича, соф фойданинг (СФ) ўз сармоя (ЎСмаб) йиллик ўртача суммасига нисбати сифатида аниқланади:

$$\text{АсСрен} = \frac{\text{СФ} \times 100}{\text{Ўз маб.}}$$

Бу сармоя самарадорлигини ҳам тавсифлайди.

**Ўз сармояси рентабеллиги (ЎСрен)** – соф фойданинг ўз сармояси 1 сўмидаги улуши бўлиб, у соф софданинг (СФ) ўз сармояси йиллик ўртача суммасига (ЎСмаб) нисбати сифатида қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$\text{ЎС рен} = \frac{\text{СФ} \times 100}{\text{ЎС маб.}}$$

Асосий сармоя ўз сармоясининг йиллик ўртача суммаси йил чораги молиявий ҳисоботлари бўйича ўртача хронологик формула асосида аниқланади.

**Харажатлар рентабеллиги** асосий ишлаб чиқариш фаолиятидан олинган фойданинг асосий ишлаб чиқариш харажатларидаги улушини, яъни сотилган маҳсулот таннарихи плус давр харажатларини тавсифлайди ва қуйидаги формула бўйича ҳисобланади:

$$\text{Хар. рен} = \text{Ас. ф.ф.} \times 100 / \text{Ас. иш. ч.ф. хар.}$$

Қурилиш корхонаси, инвесторлар, акциядорларни қизиқтирувчи молиявий аҳвол сарфланган маблағларнинг, яъни асосий ва ўз сармояларининг ўзини қоплаши билан ҳам аниқланади.

**Асосий сармоянинг ўзини қоплаши (Ас. с.ўз. қоп)** хўжаликка сарфланган барча сармоянинг ўзини қоплайдиган муддати бўлиб, у хўжалик маблағлари йиллик ўртача суммасининг соф фойда (СФ) суммасига нисбати сифатида қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$\text{Ас.с.ўз.қоп.} = \text{ХМ} / \text{СФ}$$

**Ўз сармоясининг ўзини қоплаши (ЎС ўз.қоп.)** – хўжаликка сарфланган ўз маблағлари ўзини қоплайдиган давр бўлиб, у ўз сармояси (ЎС) йиллик ўртача сармоясининг соф фойда суммасига нисбати сифатида қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$\text{ЎС ўз.қоп} = \text{ЎС} / \text{СФ}$$

Корхона молиявий натижалари таҳлил қилинганда қуйидагилар амалга оширилиши керак:

-корхонанинг молиявий аҳволини таснифловчи кўрсаткичлар; фойда суммаси, сармоянинг турлари бўйича ҳисобот давридаги рентабеллик ва ўзини қоплаш даражасини аниқлаш ҳамда уларни ўтган йилги ва бизнес – режа маълумотларига солиштириш;

-фойда ва рентабеллик кўрсаткичларининг катор йиллардаги динамикасини аниқлаш ҳамда ўсиш суръатларини ҳисоблаб чиқиш;

-фойда рентабелликка таъсир этувчи асосий омилларни таҳлил қилиш;

-фойда ва рентабелликни, корхона ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини оширишга оид аниқ тавсияларни ишлаб чиқиш.

Таҳлил қилинаётган даврдаги ҳақиқий молиявий натижаларни олдинги йил ва бизнес - режа маълумотлари билан солиштиришдан бошланади.

### 9.3 - жадвал.

#### “159-қурилиш трести” АЖ нинг 2006-2007 йиллардаги молиявий натижалари таҳлили

(минг сўм)

№	Кўрсаткичлар	2006 йил	2007 йил	Ўзг. нис, %	Фарқ (+;-)
1	Ялпи фойда ёки маҳсулотни сотишдан молиявий натижа	3018417	718058	23,8	-2300359
2	Асосий фаолиятдан олинган фойда	1292761	104696	8,09	-1188065
3	Умумхўжалик фаолиятдан олинган фойда	1327128	104696	7,9	-1222432
4	Фойда солиғи тўлашдан олдинги фойда	1327128	104696	7,9	-1222432
5	Соф фойда	911375	4976	0,5	-906399
6	Ўз сармояси рентабеллиги	43,3	0,43	0,9	-42,87
7	Асосий сармоя рентабеллиги	11,5	0,08	0,69	-11,42
8	Маҳсулотни сотиш рентабеллиги	28,4	10,7	37,7	-17,7
9	Харажатлар рентабеллиги	12,8	13,4	104,7	0,6
10	Асосий сармоянинг ўзини қоплаши	8,7	1322,7	15203,4	1314
11	Ўз сармоясининг ўзини қоплаши	2,3	230,2	10008,6	227,9

9.3-жадвалда “159-қурилиш трести” АЖ нинг 2006-2007 йиллардаги молиявий натижалари таҳлил қилинган. Акциядорлик жамиятининг барча кўрсаткичлари 2007 йилда пасайганлигини кўришимиз мумкин. Бунда, ялпи фойда ёки маҳсулотни сотишдан молиявий натижа 2006 йилда 3018417 минг сўмни ташкил қилган бўлса, 2007 йилда 2300359 минг сўмга камайиб, 718058 минг сўмни ташкил қилган. Асосий фаолиятдан олинган фойда 2006 йилда

1292761 минг сўмни ташкил қилган, 2007 йилда 1188065 минг сўмга камайиб, 104696 минг сўмни ташкил қилган. Умумхўжалик фаолиятдан олинган фойда 2006 йилда 1327128 минг сўмни ташкил қилган, 2007 йилда 1222432 минг сўмга камайиб, 104696 минг сўмни ташкил қилган. Соф фойда 2006 йилда 911375 минг сўмни ташкил қилган бўлса, 2007 йилда 906399 минг сўмга камайиб, 4976 минг сўмни ташкил қилган. Ўз сармояси рентабеллиги 2006 йилда 43,3 фоизни ташкил қилган бўлса, 2007 йилда 42,87 фоизга камайиб, 0,43 фоизни ташкил қилган, сабаби, акциядорлик жамиятининг 2007 йилда соф фойда ва бошқа кўрсаткичлари камайганлиги учун ҳам рентабеллик кўрсаткичлари камайган. Бошқа рентабеллик кўрсаткичлар ҳам камайганлигини кўришимиз мумкин. Шунинг ҳисобига, асосий сармоянинг ўзини қоплаши 2006 йилда 8,7 йилни ташкил қилган бўлса, 2007 йилда 1322,7 йилга тўғри келмоқда. Акциядорлик жамиятининг барча иқтисодий кўрсаткичларини яхшилаш учун харажатлар қисмини камайтириш йўлларини топиш, юқори даромад келтирувчи қурилиш ишларини амалга ошириш, акциядорлик жамиятнинг харажатлари ва даромадлари дастурини ишлаб чиқиш керак бўлади.

### **9.3. Корхонанинг молиявий барқарорлиги ва мустаҳкамлиги таҳлили**

Активлар (асосий фондлар, номоддий активлар, айланма маблағлар)га кўйилган маблағларни ўз маблағлари ҳисобига қоплайдиган, ноўрин дебиторлик ва крейдорлик қарзларига йўл қўймайдиган ҳамда ўз мажбуриятларини ўз вақтида тўлайдиган корхона молиявий барқарор корхона ҳисобланади. Молиявий барқарорлик ўз ва қарз маблағлари нисбати билан аниқланиб, қатор кўрсаткичлар ёрдамида ҳисобланади.

Мустақиллик, молиявий барқарорлик ва молиявий қарамлик коэффициентларини молиявий барқарорликнинг асосий кўрсаткичлари деб қараш мумкин.

**Мустақиллик коэффициенти. Муст.к.** хўжалик юритувчи субъект молиявий ҳолатининг маблағларининг қарз манбаларига қарам эмаслигини тавсифлайди. У ўз маблағларини хўжалик маблағлари умумий суммасидаги улушини кўрсатади ва қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$\text{Муст.к.} = \text{ЎС} / \text{С}$$

Мустақиллик коэффициентининг ўсиши молиявий мустақилликнинг ортиши ва молиявий қийинчиликлар хавфининг камайишини кўрсатади.

**Молиявий барқарорлик коэффициенти (М.бар.к.).** Ўз ва қарз маблағлари нисбатидир. У қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$\text{М.бар.к.} = \text{ЎС} / \text{ЖС}$$

Ўз маблағларининг қарз маблағларидан ортиқлиги хўжалик юритувчи субъект молиявий барқарорлигининг етарлича захирасига эга эканлигини ҳамда ташқи молиявий манбалардан нисбатан холи эканлигини кўрсатади.

**Молиявий қарамлик коэффициенти. М.қар.к.** молиявий қарамлик ва молиявий қийинчиликлар хавфининг кўпайиши ёки камайишини кўрсатади. У ўз маблағларининг 1 сўмига қанча хўжалик маблағлари тўғри келишини кўрсатади ва қуйидаги формула бўйича хўжалик маблағларининг ўз сармоясига нисбати сифатида аниқланади:

$$\text{М.қар.к.} = \text{С} / \text{ЎС}$$

**Ўз сармояси ҳаракатчанлиги. Ўз.к.** - ишлаб турган ва ўз сармояси нисбати бўлиб, у ўз айланма маблағларининг (айирув муддати ўтган дебиторлик қарзлари) ўз маблағларидаги улушини тавсифлайди ва қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$\text{Ўс.к.} = \text{ИшС} / \text{ЎС}$$

Молиявий барқарорликни бошқа кўрсаткичлар ҳам тавсифлаши мумкин, улардан корхонанинг молиявий ҳолати тўғрисида хулосалар чиқаришда ва молиявий аҳволни таҳлил қилишда фойдаланилади.

Узоқ муддатли истиқбол нуқтаи назаридан корхона фаолиятининг барқарорлиги, корхона иқтисодиётининг ташқи кредиторлар ва инвесторларга боғлиқлик даражаси молиявий барқарорлик мезони ҳисобланади. Корхонанинг ўзининг шу вақтга бўлган қарзлари билан ҳисоб – китоб қилиш қобилятини тавсифловчи баланс ликвидлигидан фарқли ўлароқ, молиявий барқарорлик – корхонанинг тўловга доимо лаёқатлилигини кафолатловчи муайян ҳолатидир.

Қурилиш корхонаси хўжалик фаолияти натижасида унинг тўлов қобиляти қисқа давр (чорак, йил) мобайнида ўзгариши мумкин, аммо молиявий барқарорлик кўрсаткичлари анча барқарор бўлиб улар бундай давр ичида деярли ўзгармайди.

Қурилиш корхонасининг молиявий барқарорлигини таҳлил қилишда уларни тавсифловчи кўрсаткичларини ҳисоблаб чиқиш, уларни бир йил ёки бир неча йил учун динамикада қиёслаш, уларнинг ёмонлашиш ёки яхшиланиш сабабларини аниқлаш, молиявий ҳолатни яхшилашга оид аниқ тавсифлар ишлаб чиқиш керак бўлади.

Қурилиш корхонаси молиявий барқарорлигини таҳлил қилиш учун – жадвални келтирамиз.

9.4 -жадвал маълумотларининг кўрсатишича, “159-қурилиш трести” АЖнинг молиявий барқарорлиги ёмонлашганини кўришимиз мумкин. Мустақиллик коэффеценти 2006 йилда 0,26 коэффицентни ташкил қилган бўлса, 2007 йилда 0,08 пунктга камайган ҳолда 0,18 коэффицентни ташкил қилган. Молиявий барқарорлик коэффиценти 2006 йилда 0,36 га тенг бўлган бўлса,, 2007 йилда 0,13 пунктга камайган бўлиб, 0,23 коэффицентни ташкил қилган. Молиявий қарамлик коэффиценти 2006 йилда 3,77 коэффицентни ташкил қилиб, 2007 йилда эса 5,40 коэффицентни ташкил қилган, яъни 43,2 фоизга ошган.

**“159-қурилиш трести” АЖ нинг 2006-2007 йиллардаги молиявий барқарорлигини баҳолаш**

№	Кўрсаткичлар	2006 йил	2007 йил	Фарқ (+;-)	Ўзг. нис. %
1	Мустақиллик коэффиценти	0,26	0,18	-0,08	69,2
2	Молиявий барқарорлик коэффиценти	0,36	0,23	-0,13	63,9
3	Молиявий қарамлик коэффиценти	3,77	5,40	1,63	143,2
4	Ўз сармояси ҳаракатчанлиги	0,73	0,49	-0,24	67,1
5	Жалб қилинган сармоянинг тўпланганлик коэффиценти	0,73	0,81	0,08	110,9
6	Жалб қилинган ва ўз сармояси нисбати коэффиценти	2,77	4,40	1,63	158,8

Ўз сармояси ҳаракатчанлиги 2006 йилда 0,73 коэффицентни ташкил қилган бўлса, 2007 йилда 0,49 ни ташкил қилган, яъни 0,24 пунктга ошган. Жалб қилинган сармоянинг тўпланганлик коэффиценти 2006 йилда 0,73 коэффицентни ташкил этган бўлса, 2007 йилда 0,81 ни ташкил қилган, яъни 0,08 пунктга ошган. Жалб қилинган ва ўз сармояси нисбати 2006 йилда 2,77 коэффицентни ташкил қилган бўлса, 2007 йилда 1,63 пунктга ошиб, 4,40 ни ташкил қилган.

Демак, маълумотларга қарайдиган бўлсак, “159-Қурилиш трести” АЖ нинг 2006 йилга нисбан, 2007 йилда молиявий аҳволи ёмонлашиб бораётганлигини кўришимиз мумкин, сабаби, молиявий қарамлик коэффецентлари ошиб бораётганлигидадир.

### **Корхонанинг молиявий мустаҳкамлиги таҳлили**

Корхона молиявий ҳолатининг энг муҳим тавсифларидан бири - бу унинг узоқ муддатли келажак нуқтаи назаридан мустаҳкам фаолият юритишидир. У аввало, корхонанинг умумий молиявий тузилишига, кредиторлар ва инвесторларга қанчалик боғлиқлигида намоён бўлади.

Кўплаб бизнесменлар, жумладан иқтисодиётнинг давлат сектори вакиллари ишга ўзларининг минимум хусусий воситаларини жалб қилишни, молиялаштиришни эса асосан қарзга олинган воситалар ёрдамида амалга оширишни афзал кўрадилар. Аммо, “хусусий капитал-қарз маблағлари” тузилиши қарз томонга анча оғиб кетса, корхона инқирозга учраши мумкин, чунки бундай ҳолларда бирданига бир неча кредиторлар “ноқулай” вақтда ўз маблағларини сўраб қолишлари мумкин.

Молиявий мустаҳкамлик кўрсаткичи комплекс сифатидаги кўрсаткич бўлиб, у:<sup>1</sup>

-корхоналарнинг мураккаб бозор муносабатлари даврида ишлаб чиқаришнинг сақланиб қолиш имкониятини;

-корхона маблағларидан эркин равишда фойдаланиш имконияти борлигини;

-ишлаб чиқаришни тўхтатмасдан, маҳсулот сотиш имконияти борлигини;

-корхоналар фаолиятининг умумий мустаҳкамлигини;

-корхоналар фаолиятига тўғри бошқарувчилик қилинаётганлигини;

-корхоналарда мавжуд молиявий ресурсларни бозор муносабатларининг талабларига жавоб беришлигини;

-корхоналарнинг захира ва харажатларга бўлган эҳтиёжларини қопловчи манбалар борлиги даражасини кўрсатади.

“Иқтисодий мустаҳкамлик” категорияси корхона фаолиятининг барча жиҳатларини динамикада тавсифлайди, шунинг учун ўзида кўпроқ корхонанинг хусусий иқтисодий кўрсаткичларини бирлаштирувчи етарли даражадаги муҳим интеграл кўрсаткич ҳисобланади, масалан: молиявий мустаҳкамлик, иқтисодий барқарорлик, иқтисодий тенглик, иқтисодий хавфсизлик ва ҳокозаларни. Баъзи муаллифлар томонидан мазкур

---

<sup>1</sup> Э.А.Акрамов. Корхоналарнинг молиявий ҳолати таҳлили. Т.: “Молия” нашриёти, 2003. 64-бет.



категорияларни ўзаро таққослашнинг мукамал тарзда амалга оширилганлигини ҳам кўриш мумкин<sup>1</sup>.

Корхона молиявий мустаҳкамлигининг миқдорий баҳоланиши вазифаси оддий кўринганлиги билан баҳоларнинг тегишли алгоритм қурилмалари, ягона умумий тан олинган ёндашувлари мавжуд эмас. Таҳлилнинг турли хил услубиятига киритиладиган кўрсаткичлар ҳам миқдорий жиҳатдан, ҳам ҳисоб услубияти жиҳатидан анча ҳар хил бўлиши мумкин. Ушбу “ҳар хиллик” критик характерга эга бўлмасада, молиявий таҳлил ва менежмент бўйича кўплаб ғарб ўқув қўлланмаларида ишлатилмоқда. Умуман ушбу “ҳар хиллик”ни турли хил устуворликларга ва кўрсаткичларга берилган таҳлилчиларга хос бир хусусият деб тушунтириш мумкин ва айтилиши мумкин ушбу ҳолатга икки хил сабабни келтириш мумкин:

а) таҳлилчининг корхона активлари ва воситалар манбаларини биргаликда қараб чиқишни зарур ёки мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаши;

б) таърифлашдаги қисқа муддатли пасивларнинг фарқи, шунингдек молиявий характердаги қисқа муддатли манбаалар.

Корхона молиявий мустаҳкамлигини баҳолашдаги ёндашувларнинг ҳар хиллиги биринчи сабаб кўрсаткичлар миқдори нуқтаи назаридан улар унчалик аҳамиятли эмас, аммо ўзининг мазмунига кўра улар муҳим аҳамиятга эга. Унинг аҳамияти қуйидаги савол билан ечилади: корхона активлари таркиби унинг молиявий мустаҳкамлигининг тавсифи учун аҳамиятлими? Корхона иқтисодий салоҳиятининг ушбу томонини баҳолаган ҳолда унинг капиталига, яъни молиявий манбааларига эътиборни қаратиш мумкин, ушбу ҳолатда унинг, яъни корхонанинг хусусий воситалари ва узок муддатли пасивларини кўзда тутиш мумкин. Бунда барча кўрсаткичлар баланс пасиви маълумотларига қараб қурилади. Айтилиши мумкин ушбу ёндашув ғарбда анча тарқалгандир ва ундан кўплаб инглиз-америка услубиётларида фойдаланилади.

---

<sup>1</sup> Баканова М.Н. Анализ основных факторов экономической устойчивости современного предприятия// вестник МГПУ.-М.: МГПУ, 2003. №2(5). С. 216-222.

Молиявий мустаҳкамлик баҳоланишига ёндашувнинг ҳар хиллигига иккинчи сабаб унчалик муҳим эмас. Берилган блокнинг кўплаб кўрсаткичлари ҳар хил мазмун касб этиши мумкин, бу эса таҳлилчи баҳолаш учун қайси восита манбааларини ва қайси даражада олганлиги билан боғлиқ. Умумий ҳолатда ҳисоблар учун олинган маълумотлардан қуйидаги уч вариант асосида фойдаланиш мумкин: а) барча манбаалар тўғрисида; б) узоқ муддатли манбаалар ҳақида; в) молиявий характердаги манбаалар, буларга хусусий капитал, банк кредитлари ва қарзлари (узоқ ва қисқа муддатли). Турли хил манбаларнинг асосланиши схемаси 9.1- расмда келтирилган.



**9.1-расм. Корхона молиявий мустаҳкамлиги таҳлили учун воситалар манбаалари классификацияси<sup>1</sup>**

Молиявий мустаҳкамлик корхонанинг молиявий аҳволининг энг муҳим таркибий қисми ҳисобланади. Молиявий мустаҳкамлик-бу молиявий ресурсларнинг шундай ҳолатики, уларнинг тақсимланиши ва қўлланилиши натижасида фойда ҳамда капитал ўсиши асосида ташкилотнинг

<sup>1</sup> В.В.Ковалев, О.Н.Волкова. Анализ хозяйственной деятельности предприятия.-М.: 2001. с 259.

ривожланиши таъминланиб, бир вақтнинг ўзида таваккалчиликнинг чегаравий даражаси шароитида тўловга қобиллик ва кредитга лаёқатлилик сақланиб қолинади. Молиявий мустаҳкамликнинг баҳоси корхонанинг истиқболдаги молиявий имкониятларини аниқлашга ёрдам беради.

Молиявий мустаҳкамликни баҳолаш учун мутлақ ва нисбий кўрсаткичлар қўлланилади. Молиявий мустаҳкамликнинг мутлақ кўрсаткичлари сифатида захиралар ва харажатларнинг уларни шакллантириш манбалари билан таъминланганлик даражасини тавсифловчи кўрсаткичлар олинади.

Захиралар ва харажатлар манбаларини тавсифлаш учун учта асосий кўрсаткич аниқланади:<sup>1</sup>

- Ўз айланма маблағлари (ЎАМ) мавжудлиги. Бу кўрсаткич капитал ва захиралар (баланснинг II бўлими) ҳамда ноайланма активлар (баланснинг I бўлими) ўртасидаги фарқ сифатида аниқланади;

- Захиралар ва харажатларни шакллантиришнинг ўз ҳамда узоқ муддатли қарз манбалари мавжудлиги (ЎУ). Ушбу кўрсаткич олдингисига узоқ муддатли пассивлар суммасини (балансининг 1 бўлими) қўшиш йўли билан аниқланади.

- Захиралар ва харажатларни шакллантиришнинг асосий манбаларининг умумий миқдори (АМ). Бу кўрсаткич аввалгисига (ЎУ) қисқа муддатли қарз маблағлари (ҚҚМ) йиғиндисини қўшиш йўли билан аниқланади.

Юқорида қайд этилган кўрсаткичларга захираларни уларни шакллантириш манбалари билан таъминланганлигининг учта кўрсаткичи мос бўлади:

- ўз айланма маблағларининг ортиқчалиги (+) ёки етишмаслиги (-)  $\Delta$  ЎАМ

$$\Delta \text{ ЎАМ} = \text{ЎАМ} - 3,$$

---

<sup>1</sup> Сергеев И.В. Веретиннокова И.И. Экономика организаций(предприятий) учебник под ред. И.В.Сергеева. 3-изд., перераб. и доп.-М., Велби, Издательство «Проспект», 2006. с.481.

бу ерда;

**З**- захиралар;

▪ захиралар ва харажатларни шакллантиришнинг ўз ҳамда узок муддатли манбаларини ортиқчалиги (+) ёки етишмаслиги(-) –  $\Delta \check{Y}У$ :

$$\Delta \check{Y}У = \check{Y}У - З,$$

▪ захираларни шакллантиришнинг асосий манбаларининг умумий миқдорининг ортиқчалиги (+) ёки етишмаслиги (-) –  $\Delta АМ$ :

$$\Delta АМ = АМ - З,$$

Захиралар ва харажатларни молиялаштириш манбалари билан таъминланганлик даражасига кўра молиявий мустаҳкамликнинг тўртта тури ажратилади:

▪ молиявий ҳолатнинг мутлақ мустаҳкамлиги, унинг учун ўз айланма маблағларини шакллантириш манбаларининг захиралар ва харажатларнинг ҳақиқатдаги миқдоридан ошиши хосдир. Молиявий мустаҳкамликнинг ушбу тури ниҳоятда кам учрайди ва куйидаги шартга жавоб беради:

$$З < \check{Y}АМ + К,$$

бу ерда;

**К**- товар – моддий бойликлар учун мўлжалланган банк кредитлари;

▪ молиявий аҳволнинг нормал мустаҳкамлиги бўлиб, бунда корхонанинг тўловга қобиллиги кафолатланади:

$$З = \check{Y}АМ + К;$$

▪ нобарқарор молиявий аҳвол бўлиб, бунда тўловга қобиллик бузилади, лекин вақтинчалик бўш маблағлар манбалари (захира фонди, жамғариш ва истеъмол қилиш фонди)ни ҳамда айланма маблағларини вақтинчалик тўлдириш учун банк кредитларини жалб қилиш ҳисобига мувозанатни тиклаш имконияти сақланиб қолади:

$$З = \check{Y}АМ + К + М_{вб},$$

бу ерда;

**М<sub>вб</sub>** - вақтинчалик бўш маблағлар манбалари;

• корхонанинг банкротлик чегарасидаги молиявий инқирозлик ҳолати куйидаги шартликка мос бўлади:

$$З > \check{Y}AM + K + M_{вб},$$

Корхона молиявий мустаҳкамлигининг нисбий кўрсаткичлари куйидагилар ҳисобланади:

▪ жорий активларнинг ўз айланма маблағлари билан таъминланганлик коэффициенти:

$$K_{\check{Y}AM.таъм.} = \frac{\check{Y}AM}{ЖА}$$

бу ерда;

**ЖА** - корхонанинг жорий активлари.

Корхонанинг молиявий жиҳатдан мустаҳкам бўлиши учун айланма маблағлар ўз маблағларининг 10% дан кам бўлмаган миқдорида шаклланган бўлиши лозим;

• моддий захираларнинг ўз хусусий маблағлари билан таъминланганлик коэффициенти:

$$K_{з.таъм.} = \frac{\check{Y}AM}{З}$$

бу ерда;

**З** - ташкилот балансидаги захиралар.

Ушбу кўрсаткич учун 0,5-0,8 га тенг аҳамиятлилик тавсия этилади. Шу билан бирга ушбу коэффициентнинг миқдори захиралар ҳажмига яқиндан боғланган бўлиб, захиралар эса уларга бўлган асосланган эҳтиёждан юқори ёки паст бўлиши мумкин;

▪ Ўз капиталининг ҳаракатчанлик коэффициенти:

$$K_x = \frac{\check{Y}AM}{\check{Y}K}$$

бу ерда;

**ЎК** - ўз капитал.

Ушбу коэффициент ўз маблағларининг қайси қисми жорий фаолиятда айланма маблағларни молиялаш учун фойдаланилишини, ва қайси бири эса капиталлаштирилганлигини кўрсатади.

Мазкур коэффициентнинг миқдори корхонанинг фаолият турига кўра сезиларли даражада ўзгариши мумкин. Фонд сифими катта бўлган ишлаб чиқаришларда унинг миқдори нисбатан пастроқ, материал сифими катта бўлганида эса- аксинча юқорироқ бўлади.

Шу билан бирга молиявий нуқтаи назардан ушбу коэффициентнинг ўсиши корхонанинг молиявий аҳволи яхшиланишидан далолат беради;

- Ишлаб чиқариш мақсадидаги мулкнинг ҳақиқий қиймати коэффициенти:

$$K_{\text{ўам.таъм.}} = \frac{(AB_{\text{кол}} + Z_{\text{м}} + \text{ТИЧ})}{M}$$

бу ерда;

**AB<sub>кол</sub>** – асосий воситаларнинг қолдиқ қиймати;

**Z<sub>м</sub>**- ишлаб чиқариш захиралари таркибида материаллар қиймати;

**ТИ** - тугалланмаган ишлаб чиқариш;

**M** – корхона мулки қиймати.

Мазкур коэффициент ташкилотнинг ишлаб чиқариш салоҳияти даражасини белгилайди, саноат учун унинг аҳамияти 0,5 дан кам бўлиши мумкин эмас, деб ҳисобланади;

- Ўз капиталининг концентрация (автаномлиги) коэффициенти:

$$K_{\text{кў}} = \frac{\text{ЎК}}{\text{БВ}}$$

бу ерда;

**БВ**-баланс валютаси.

Ушбу коэффициент ўз капиталининг корхона капитали тузилмасидаги улушини, яъни мулкдорлар ва кредиторлар манфаатларининг ўзаро нисбатини таърифлайди. Ушбу коэффициентнинг аҳамияти қанчалик юқори бўлса, корхона ташқи кредиторларга нисбатан шунчалик мустақил ва

барқарор ҳисобланади. Энг кенг тарқалган нуқтаи назарга кўра, корхона айланмасида ўз маблағлар улуши 50% дан юқори бўлиши керак (критик даража -60%);

заём ва ўз капиталнинг ўзаро нисбати коэффиценти:

$$K_{\text{ўн}} = \frac{3K}{\text{ўз}}$$

бу ерда;

**3K** – заём капитали,

**ўз** – ўз капитали

Ушбу коэффицент корхона активларига киритилган ўз маблағларининг ҳар бир сўмига тўғри келадиган заём маблағлари миқдорини кўрсатади. Уни яна «молиявий дастак елкаси» деб ҳам аташади. У корхонанинг молиявий манбалари тузилмасини, шунингдек заём манбалари даражасини тавсифлайди. Ушбу коэффицентнинг аҳамияти қанчалик юқори бўлса, корхонанинг молиявий рискининг даражаси шунчалик юқори ҳисобланади.

#### **9.4. Корхонанинг ликвидлиги ва тўловга лаёқатлилиги таҳлили**

Ликвидлик корхонанинг ўз жорий активлари ҳисобига ўзининг қисқа муддатли (жорий) мажбуриятларни бажаришга лаёқатлилигини кўрсатади. Баланс активи «реализация қилинадиган», яъни мол-мулкни исталган вақтда нақд пулга айлантирса бўлади. Баланс активининг моддалари йўқ бўлиб кетмай, балки бир шаклдан бошқа шаклга ўтади. Баланс пассивининг моддалари “узиладиган”, яъни улар қарздорлик узилиши туфайли “йўқ бўлиш” қобилиятига эга. Мана шундай “ликвидлик” пассивда реализация қилинадиган активлар билан акс эттириладиган мажбуриятларни тўлашни англатади.

Баланс ликвидлигини аниқлаш долзарблиги корхоналарни банкротлик оқибатида тугатиш муаммоси юзага келадиган бозор шароитида алоҳида

аҳамият касб этади. Балансинг ликвидлик даражасини аниқлаш учун активнинг маълум муддатга реализация қилинадиган қисми пассивнинг шу муддатга тўлаш лозим бўлган қисмига таққосланади. Агар актив моддалари реализацияси мажбуриятларни тўлаш учун кифоя қиладиган суммани берса, бу маънода баланс ликвид, яъни корхона тўловга лаёқатли, акс ҳолда эса у тўловга лаёқатсиз ҳисобланади.

Бундан ташқари, ликвидлик корхонанинг кредитга лаёқатлилигини ҳам тавсифлаши мумкин. Илгари олинган кредитлар ҳисоб-китобини ўз вақтида тартиб билан амалга оширадиган, зарур бўлганда турли манбалардан маблағларни сафарбар этишга қодир бўлган корхона кредитга лаёқатли қарздор ҳисобланади.

Молиявий бошқариш маҳорати ҳисоб варақаларда минимал суммадаги маблағ сақлаган ҳолда қолган қисмини тез реализация қилинадиган активларда сақлашда намоён бўлади.

Ҳисоб-китоб ҳисоб рақамда пул маблағлари миқдори қанчалик сезиларли бўлса, тўловлар ва мажбуриятларга кифоя қиладиган маблағлар билан ҳисоб-китоб қилиш эҳтимоли шунчалик юқори бўлади. Аммо пул маблағлари захиралар ва харажатларда, яъни муомалада бўлса, уларни нақд пулга айлантириш мумкин. Тўловга лаёқатсизлик тасодифий, муваққат, узоқ муддатли, сурункали бўлиши мумкин. Бунинг сабаблари молиявий ресурслар билан етарлича таъминланмаганлик: маҳсулот реализацияси режасининг бажарилмаганлиги; айланма маблағлар таркибининг оқилона эмаслиги; тўловларнинг ўз вақтида келиб тушмаслиги; катта миқдордаги муддати ўтган қарзлар ва бошқаларда бўлиши мумкин.

Жорий мажбуриятларни тўлашда активларнинг ҳар турларидан фойдаланса бўлади, бу уларнинг айланувчанлиги, яъни уларнинг нақд пулга айланиш тезлигига боғлиқ бўлади. Ликвидлик, яъни нақд пулга айланиш тезлигига кўра корхона активлари қуйидаги тўрт гуруҳга ажратилади.



**1. Энг осон ликвидланадиган активлар.** Буларга барча пул маблағлари ва қисқа муддатли молиявий қўйилмалар (қимматли қоғозлар) киради. ( 1-шакл. Бухгалтерия баланси, актив 2-бўлим 330-360 -сатрлар).

**2. Тез реализация қилинадиган активлар.** Улар ўз ичига дебиторлик қарзларини олади, бундан муддати ўтган дебиторлик қарзлари ва бошқа активлар истисно (1 – шакл. Актив 2 - бўлими, 220 – 310 - сатрлар)

**3. Секин реализация қилинадиган активлар.** Бунга баланс активи 2 – бўлимнинг моддалари: “Захиралар ва харажатлар”, “Келгуси даврлар харажатлари”, шунингдек “Узоқ муддатли инвестициялар” моддаси ҳамда баланс активи 1 – бўлими, яъни 1 – шакл, активнинг 2 – бўлими 150 – 200 - сатрлар, активи 1 - бўлими 040-080 – сатрлар киради.

**4. Қийин реализация қилинадиган активлар** – асосий воситалар, номоддий активлар, тугалланмаган сармоя қўйилмалари, ўрнатиладиган ускуналар, муддати ўтган дебиторлик қарзлари (1 –шакл, активи 1 – бўлими, 012, 022, 030 сатрлари).

Қарздорлик тўлов даражасига кўра қуйидаги турларга бўлинади:

**1. Тез муддатда тўланадиган мажбуриятлар** – кредиторлик қарздорлари (1 - шакл, 2 - бўлим, 610 – 760 - сатрлар), шунингдек муддатида тўланмаган ссудалар.

**2. Қисқа муддатли пассивлар** – қисқа муддатли кредитлар ва қарз маблағлари айирув муддатида тўланмаганлари (1 – шакл, пассив 2 – бўлими, 720, 730 ва 740 - сатрлар).

**3. Узоқ муддатли пассивлар** – узоқ муддатли кредитлар ва қарз маблағлари ( 1 – шакл, пассив 2 – бўлими, 500 - 590 - сатрлар).

**4. Доимий пассивлар** – “Ўз маблағлари манбалари” баланс пассиви 1-бўлим якуни.

Барча кредиторлар, кредит беришдан аввал кредит бириш билан бирга зиммаларига олаётган хатар даражасини аниқлайдилар. Улар корхонанинг кредитга лаёқатлилигини таҳлил қилишлари керак бўлади.

Корхона балансининг ликвидлигини аниқлаш мақсадида балансининг маълум моддалари ва молиявий ҳисоботнинг бошқа турларини акс эттирувчи коэффициентлар тарзидаги кўрсаткичларнинг бутун бир тизими ҳисоблаб чиқилади. Буларга қуйидагилар киради.

**Қоплаш коэффициенти.** Қк – жорий мажбуриятлар айланма маблағлар билан қай даражада таъминланишига кўра, яъни айланма активлар қўйилган молиявий ресурсларнинг неча сўми жорий мажбуриятлар бир сўмига тўғри келишини тавсифлаб корхонанинг тўловга лаёқатлилигига умумий баҳо беради, у қуйидаги формула бўйича жорий активлар суммасини (баланс активи 2 – бўлим якуни) жорий мажбуриятларга бўлиш (баланс пассиви 2 – бўлими якуни), ундан узоқ муддатли мажбуриятларни айириш йўли билан ҳисобланади:

$$Кк = \frac{ЖА}{ЖМ}$$

Қоидага кўра, бу кўрсаткичнинг ўсиши ижобий деб қаралади. Аммо бу кўрсаткичнинг жиддий ўсиши номақбул бўлиб. Ишлаб чиқариш захираларига жойланган маблағлар айланувчанлиги сусайганидан, дебиторлик қарзларининг асосиз кўпайишидан далолат беради.

**Тез ликвидлик коэффициенти.** Т.лик.к. жорий мажбуриятлардаги пул маблағлари, ҳисоб – китоблар ва бошқа активлар улушини тавсифлайди ва қуйидаги формула бўйича ҳисобланади:

$$Т.лик.к. = \frac{ПМ + ДҚ - ПДҚ}{ЖМ}$$

Тез ликвидлик коэффициенти корхонанинг тез ликвид активлардан жорий мажбуриятларни бажариш қобилиятини белгилайди ва тўлаш коэффициенти кўрсаткичини тўлдиради. Тез ликвидлик коэффициенти кўрсаткичининг юқорилиги молиявий хавф даражасининг пастлигидан ва четдан кўшимча молиявий маблағларни жалб қилиш учун яхши имкониятлар

борлигидан далолат беради. Бу кўрсаткич кредит беришда банклар ва кредит берувчи бошқа муассасаларни қизиқтиради.

**Мутлақ ликвидлик коэффиценти.** М.лик.к. пул маблағларининг жорий мажбуриятларга нисбати сифатида аниқланади. Пул маблағлари – кассада, ҳисоб – китоб счётида, валюта ҳисоб счётида ва бошқаларда мавжуд бўлган пулдир. У қуйидаги формула бўйича ҳисоблаб чиқилади:

$$\text{М.лик.к.} = \frac{\text{ПМ}}{\text{ЖМ}}$$

Мутлақ ликвидлик коэффиценти асосида муайян пайтда мажбуриятларни қоплаш учун пул маблағлари мавжудлигини аниқлаш мумкин. Бу биринчи навбатда мазкур корхонага маҳсулот етказиб берувчилар учун аҳамиятли. Мазкур коэффицент қанчалик юқори (бирдан кўп) бўлса, қарз олувчи шунчалик ишончли бўлади. Агар бу коэффицент 1 дан паст бўлса, корхона кредитга лаёқатсиз ҳисобланади.

Ликвидликнинг юқорида айтиб ўтилган коэффицентлари асосий ҳисобланади ва корхонанинг тўлов қобилияти ва кредитга лаёқатлилиги тўғрисида улар бўйича хулоса чиқариш мумкин. Бундан ташқари, корхонанинг ликвидлилигини янада чуқурроқ ўрганиш учун қуйидаги кўрсаткичларни қўшимча ҳисоблаб чиқиш тавсия этилади.

**Ишлаб турган сармоя ҳаракатчанлиги ёки ҳаракатчанлик коэффиценти** (Иш.сар.х.) захиралар ва харажатлардаги айланма маблағларнинг ишлаб турган сармоя, яъни ўз айланма маблағлари айирув муддати ўтган дебиторлик қарзларига нисбати сифатида аниқланади ва у қуйидаги формула бўйича ҳисоблаб чиқилади:

$$\text{И.сар.х.} = \frac{\text{Зах. ва хар.}}{\text{Ишлаб тур. Сармоя}}$$

Бу корхонанинг эркин ҳаракатлантириш имконини бермайдиган шаклдаги ўз сармояси улушини кўрсатади, зеро жорий қарздорлик билан ҳисоб – китоб қилиш учун захиралар ва харажатларни муомалага киритиш, муддати ўтган дебиторлик қарзларини қайтариш керак бўлади.

Юқори коэффициентнинг мавжудлиги маълум даражада жорий қарздорлик учун ҳисоб – китоб билан боғланган банкротлик хавфини кучайтиради.

**Умумий сармоя ҳаракатчанлиги** (У.сар.х.) жорий активлар, яъни айланма маблағларнинг айирув муддати ўтган дебиторлик қарзлари хўжалик маблағлари (сармояси) суммасига нисбатани сифатида қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$\text{У.сар.} = \text{ЖА} / \text{Сар.}$$

У хўжалик маблағлари умумий суммасидаги ҳарактсиз (иммобил) активлардан фарқли тарзда тезкорлик билан пул маблағларига айлантирилиши мумкин бўлган ҳаракатчанроқ сармоянинг улушини кўрсатади. Бу кўрсаткич қанчалик юқори бўлса, корхона шунчалик тўловга лаёқатли, яъни ликвид ҳиобланади.

Бозор шароитида баланснинг ликвидлиги ва тўловга лаёқатлилигини таҳлил қилиш эҳтиёжи корхона молиявий маблағларда чекланганлигини, шунингдек инвесторлар, акциядорлар ва турли кредиторлар учун тўловга лаёқатлилигини аниқлаш зарурияти муносабати билан юзага келади.

Баланснинг ликвидлигини таҳлил қилишда маблағлар ликвидлиги даражасига кўра гуруҳланган актив бўйича, шунингдек тўлов муддатларига кўра гуруҳланган пассив бўйича мажбуриятлар билан қиёсланади. Сўнгра корхонанинг тўлов қобилияти даражасини тавсифловчи коэффициентлар ҳисобланади.

Ликвидлик, яъни пул маблағларига айланиш тезлиги даражасига кўра корхона активлари, айтиб ўтилганидек, қуйидаги гуруҳларга ажратилади: энг

ликвид активлар, тез реализация қилинадиган активлар, секин реализация қилинадиган активлар, қийин реализация қилинадиган активлар.

Қарздорлик тўланиш даражасига кўра энг шошилиш мажбуриятлар, қисқа муддатли пасивлар, узоқ муддатли пасивлар ва доимий пасивларга бўлинади.

Балансинг тўловга лаёқатлилиги таҳлил қилинар экан, юқорида айтиб ўтилган гуруҳлар бўйича маблағларни ва қарзларни аниқлаш, қарзларнинг тўланиш даражасини ҳисоблаб чиқиш ва улар бўйича хулосалар чиариш лозим бўлади.

### 9.5 - жадвал.

#### “159-қурилиш трести” АЖ нинг 2006-2007 йиллардаги ликвидлиги (тўлов қобилияти)ни баҳолаш таҳлили

№	Кўрсаткичлар	2006 йил	2007 йил	Фарқ (+;-)
	1	2	3	4
1	Тўлаш (қоплаш) коэффиценти	1,26	1,11	-0,15
2	Тез ликвидлик коэффиценти	1,16	0,92	-0,24
3	Мутлоқ ликвидлик коэффиценти	0,05	0,10	0,05
4	Ишлаб турган сармоя ҳаракатчанлиги	0,26	0,75	0,49
5	Умумий сармоя ҳаракатчанлиги	1,08	1,10	0,02

9.5 - жадвалга келтирилган маълумотларга кўра, тўлаш (қоплаш) коэффиценти, 2006 йилда 1,26 коэффицентга тенг бўлган бўлса, 2007 йилда эса 0,15 коэффицентга камайиб 1,11 коэффицентни ташкил этган. Тез ликвидлик коэффиценти 2006 йилда 1,16 коэффицентни, 2007 йилда эса 0,24 коэффицентга камайиб, 0,92 коэффицентни ташкил этган. Мутлак ликвидлик коэффиценти 2006 йилда 0,05 коэффицентга тенг бўлган бўлса, 2007 йилда 0,05 коэффицентга ошиб, 0,10 коэффицентни ташкил қилган. Ишлаб турган сармоя ҳаракатчанлиги 2006 йилда 0,26 коэффицентни, 2007 йилда эса 0,49 коэффицентга ошиб, 0,75 коэффицентни ташкил этган. Умумий сармоя ҳаракатчанлиги 2006 йилда 1,08 коэффицентга тенг бўлган

бўлса, 2007 йилда эса 0,02 коэффициентга ошиб, 1,10 коэффициентни ташкил қилган.

Шундай қилиб, таҳлилларнинг кўрсатишича “159-Қурилиш трести” АЖ 2007 йилда, 2006 йилга нисбатан тўловга қодир эмас. Акциядорлик жамияти раҳбарияти молиявий аҳволни яхшилашнинг шошилини чораларини кўриши керак.

Ликвидликнинг шу йўсинда амалга оширилган ҳисоб – китоби корхонанинг турли даврлардаги балансини, шунингдек, турли корхоналар балансларини уларнинг ликвидлигини баҳолаш мақсадида қиёслаш имконини беради.

Акциядорлик жамиятининг тўлаш қобилияти ва унинг банкрот бўлиши ёки бўлмаслик эҳтимоли тўғрисидаги хулосалар унинг ликвидлик кўрсаткичлари асосида чиқарилади. Одатда, тўловга қодир бўлган акциядорлик жамияти молиявий жиҳатдан ҳам барқарор бўлиши керак.

### **Назорат ва муҳокама учун саволлар**

1. Молиявий ҳисобот натижаларини баҳолаш усулларини тушунтириб беринг?
2. Маҳсулот сотишдан тушум қандай аниқланади?
3. Маҳсулот сотиш рентабеллиги қандай аниқланади?
4. Харажатлар рентабеллиги қандай аниқланади?
5. Корхона молиявий барқарорлиги деганда нимани тушунаси?
6. Корхона молиявий мустаҳкамлигини аниқлашда қандай кўрсаткичлардан фойдаланилади?
7. Корхона ликвидлиги деганда нимани тушунаси?
8. Умумий сармоя ҳаракатчанлиги қандай аниқланади?

## **Х – БОБ. ҚУРИЛИШ ХЎЖАЛИК ФАОЛИЯТИ ТАҲЛИЛИНИНГ АХБОРОТ ТАЪМИНОТИ ТИЗИМИ**

### **10.1. Қурилишда бошқарувни ҳисоби тизимини шакллантиришга асосий ёндашувлар**

Йирик хориж қурилиш компанияларининг ишлаб чиқаришни ташкил этиш тажрибаси қурилиш ташкилотларида бошқаруви ҳисобини қўллаш зарурлигини кўрсатади. Бошқарув қарорларини қабул қилиш учун корхона раҳбарияти ахборотнинг барча турларига: пудрат шартномалари ва уларнинг нархлари, ишларни бажариш муддатлари ва гарфиклар, шартнома мажбуриятларини керакли тарзда бажариш учун воситаларнинг мавжудлиги ва уларга бўлган эҳтиёжлар, шартномаларни тузиш ва бажаришнинг ташкилот учун иқтисодий мақсадга мувофиқлиги тўғрисидаги маълумотларга эга бўлиши керак. Бошқарувни ҳисоби ташкилот раҳбарларига қуйидаги имкониятларни беради:

-мавжуд бўлган ишончли ахборот асосида тўғри қарорларни қабул қилиш, шу жумладан ташкилотнинг ишлаб чиқариш дастурида ва алоҳида қурилиш объектлари бўйича;

-ташкилотнинг ижтимоий дастурларини ривожлантириш ва бажариш учун молиявий маблағларни тўплаш ва йўналтириш, фаолиятнинг барча турлари бўйича даромад ва харажатларни режалаштириш, махсулот, иш ва хизматларни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари устидан назоратни амалга ошириш;

-ташкилотнинг умуман фаолияти самарадорлигини ошириш мақсадида ҳар бир жавобгарлик маркази бўйича зарур бўлган таҳлилий ва вақт нуқтаи назаридан хўжалик фаолиятининг таҳлилин аналга ошириш.

Мадомики, бошқарув ҳисобнинг асосий вазифаси, бошқарув қарорларини қабул қилишнинг асосий жойларида бўлган ички истеъмолчиларни ахборот билан таъминлаш бўлар экан, қурилиш жараёнини

ташкил этишнинг ҳар бир ҳолатида қарор қабул қилиш моделини кўриб чиқиш зарур.

Моҳияти бўйича қарор қабул қилиш бошқарувчига маълум бўлган кўйилган мақсадга эришиш муқобилидан энг яхшисини танлаш жараёни бўлиб ҳисобланади. Бошқариш жараёнида ҳар бир жавобгарлик марказида мазкур менежер ваколатига кирувчи қарорлар мунтазам қабул қилинади. Бунда менежер муаммо, уни ҳал этиш йўллари ва оқибатлари ҳақидаги ўз тасаввури бўйича иш кўриши мумкин, чунки қарорнинг барча тизимли оқибатлари ҳақида тасаввурга эга бўлмаслиги мумкин. Ҳар бир жавобгарлик марказида қабул қилинадиган қарор ташкилотнинг умумий мақсадларидан ажралиб қолмаслиги учун, ташкилотнинг глобал мақсадларига йўналтирилган, бошқарувни ҳисобга олиш тизимини тузиш керак.

Р.Энтони бошқарувни ҳисобини «ахборотни бошқариш учун ҳам ишлаб чиқариш» деб таърифлаган. Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг ахборот таъминотида ҳисобга олишнинг роли ва аҳамиятни муаммолари юртимиз ва хорижий олимларнинг асарларида кўтарилган ва кўплари ҳал этилган. Бозор ва рақобат муҳити ривожланган шароитида хўжалик фаолиятининг ахборот таъминоти қурилиш корхонасининг самарали фаолият юритишининг энг муҳим шарти бўлиб қолмоқда. Тадқиқотчиларнинг таъкидлашларича, моҳияти жиҳатидан ахборот - ер, капитал ва меҳнат билан бир қаторда - ишлаб чиқаришнинг энг муҳим омили бўлиб қолмоқда.

Ташкилотни самарали бошқаришнинг узлуксиз жараёни муқаррар равишда бошқариш объектини ўрганиш жараёни билан бирга кечиши лозим, ўз навбатида, ўрганиш жараёнини ахборотсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Бошқарув жараёнида ҳисобга олишнинг ўрни иқтисодиёт объекти тўғрисидаги маълумотларни олиш, тизимлаштириш, гуруҳлаш ва таҳлил қилиш усули сифатида белгиланади.



Ҳисобга олинган ахборотни баҳолашнинг бозор тажрибаси қуйидаги асосий кўрсаткичларни қўллашга асосланган:

-ахборотнинг фойдаланувчанлигини, мувофиқлигини англатувчи релевантлик;

-мунтазам хатоларнинг йўқлиги;

-объект тўғрисидаги тасаввурни бузувчи, ортиқча ахборотнинг йўқлигини назарда тутувчи, ахборот миқдорининг асосланганлиги.

Релевантлик тушунчасини Е.Хендриксен уч нуктаи назардан олиб қараган: синтаксик, семантик ва прагматик (10.1-жадвал)

### 10.1 - жадвал

#### Ҳисобга олинадиган ахборотнинг релевантлиги

Синтаксик	Ахборот фойдаланувчи мақсадларига эришишига кўмаклашганда мавжуд бўлади
Семантик	Фойдаланувчи тақдим этилган ахборотнинг назарда тутилган моҳиятини тушунганда мавжуд бўлади
Прагматик	Ахборот фойдаланувчи қарор қабул қилишда кўмаклашганда мавжуд бўлади

П.Гарньенинг ахборот қимматлилиги борасидаги фикрлари аҳамиятга эга. Хусусан, у «бухгалтерия ахборотининг қимматлилиги уни олишга сарфланган вақт квадратига мутаносиб тарзда камаяди» деган қонунни таърифлайди. Бошқарувни ҳисоби бошқарув қарорларини, қарорни рухсат этилган муддатларда қабул қилиш имконини берувчи, зарур ахборот билан таъминлайди. Бу ахборотнинг объектларда, бўлимлар ичида вазиятни тезкор баҳолаш, оралиқ натижаларни узил-кесил натижаларга йўналтирилганлигини белгилаш, ташқи муҳит ўзгаришларини объектив баҳолаш учун база яратиш имконини бериши керак. Бу ҳам жорий, ҳам стратегик барча муаммоларни тизимли ҳал этишга кўмаклашади.

Бунинг учун зарур бўлган шароитларни бошқарув ҳисоби тизими яратиб, у мазкур хўжалик субъекти учун энг қулай тарзда ташкил этилган бўлади. Бошқарув фаолиятини идеал тарзда акс эттирувчи тизимни узоқ муддатга тузиб бўлмайди, ташкилотда яратилган муайян базани доимий

тарзда мукаммаллаштириш лозим. Тизимни яратиш, иқтисодий адабиётларини таҳлил қилиш асосида биз умумлаштирган, қуйидаги концептуал ёндашишларни келтиришимиз мумкин:

-бозор муносабатлари ўрнатилган илғор мамлакатларда фирмани бошқариш тизим ва усулларини билиш ва шу муносабат билан юзага келадиган ҳисобга олиш вазифалари, шунингдек юртимиз корхоналарининг амалий фаолиятига бу усулларни кўчиришга бўлган чекловлар;

-муқобил асосда қарор қабул қилиш имконини бериши мумкин бўлган, иқтисодийимиз учун ноанъанавий бўлган нархлар, харажатлар тўғрисидаги ахборотни тўплаш, молиявий натижаларни, корхона фаолиятини таҳлил қилиш усуллари ва баҳолашнинг янги мезонларини аниқлаш; муқобил тушунчасининг ўзи бозор моҳиятига эга бўлиши керак;

-хўжалик фаолиятининг барча босқичларини қамраб оладиган ва ташкилотнинг асосий мақсадига эришиши манфаати йўлида барча бошқариш функцияларини самарали амалга ошириш имконини берадиган, тизимли ёндашиш асосида ягона интеграллашган ҳисобга олиш тизимини яратиш.

Бошқарувни ҳисобнинг предмети ишлаб чиқаришни бошқаришнинг бутун даври давомида банд бўлган ҳисобга олинадиган объектлар тўплами ҳисобланади. Товар узоқ муддат тугалланмаган ишлаб чиқаришда бўладиган ва уни молиялаштириш билан боғлиқ муаммолар юзага келадиган қурилишга келсак, кўпроқ мақсадга мувофиқ бўлгани, бошқарувни ҳисобини, ишлаб чиқариш-тижорат даврини ташкил этувчи ва ташкилотнинг асосий мақсадига эришиши учун бу даврни бошқаришни ахборот билан таъминлайдиган, ҳисобга олинадиган шу объектларнинг ўзига йўналтирилганлик ҳисобланади. Акс ҳолда ташкилотда асосий ва айланма воситаларнинг, шунингдек уларнинг алоҳида элементларининг иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқлиги таъминланмайди.

Бошқарув ҳисоби қуйидаги функцияларни амалга оширади:

-ташкилот фаолиятини истиқболли режалаштиришнинг, шунингдек, корхонанинг барча бўлимлари фаолиятини жорий режалаштиришнинг

ҳақиқий маълумотини бошқарув қарорини қабул қилишда қулаш шаклда ва зарур бўлган вақт оралиғида беради;

-бошқаришнинг турли поғоналари ўртасида, ёки бошқаришнинг битта поғонаси бўлимлари орасида, меҳнатнинг вертикал тақсимланиши доирасида, коммуникация воситаси бўлиб хизмат қилувчи, ахборотни қулай шаклда шакллантиради;

-жавобгарлик марказлари ва умуман ташкилот фаолияти устидан тезкор назоратни амалга ошириш имконини беради.

Бошқарув ҳисоби тизимини тузишда, унга хос бўлган барча функциялар қай тарзда ягона назорат хизматини тузиш йўли биланми, ёки бу функцияларнинг қисман шу функционал бўлимлар томонидан амалга оширилиши йўли биланми амалга оширилиши мумкинлигини аниқлаб олиш лозим. Тегишли структураларни тузиш билан бошқаруви ҳисобга олишнинг ташкилий таъминоти қурилишни бошқаришнинг хорижий тажрибасига таяниши мумкин.

Қурилишини бошқаришнинг замонавий ҳолатининг таҳлили айрим камчиликларни аниқлашнинг имконини беради. Шу мақсадда тадқиқот доирасида 48 та қурилиш ташкилотларининг материаллари бўйича сўров тадқиқоти ўтказилган. Барча ташкилотлар 3 та гуруҳга бўлинган:

-I – ишчилари сони 100 дан ортиқ бўлган ташкилотлар (27 та ташкилот);  
-II – ишчилари сони 100 гача бўлган ташкилотлар (16 та ташкилот);  
-III – ишчилари сони 100 гача бўлган девлопер ташкилотлар (5 та ташкилот).

Тадқиқотлар, ташкилот фаолиятининг қайси соҳалари бизнес-жараёнлари ахборот таъминотини яхшилашни талаб этишини аниқлаш имконини берувчи, қуйидаги йўналишлар бўйича олиб борилди:

-қурилиш ташкилотининг рақобатбардошлигини самарали бошқаришга тўсқинлик қилаётган омилларни эксперт баҳолаш;

-ахборот таъминоти мос бўлмаганлиги бўлганлиги туфайли етарлича ривожланмаган фирма ичидаги назоратни эксперт баҳолаш;

-бизнес-жараёнларни фирма ичида назорат қилиш мақсадида тизимлаштиришга рационал ёндашишни аниқлаш.

Ўтказилган текширувлар шуни кўрсатдики, бошқариш вазифаларини ҳал қилишда айнан таҳлилий ва тезкор маълумотларнинг танқислиги юзага келар экан. Қурилиш ташкилоти бизнес-атрофида мужассамланган муаммолар билан бир қаторда энг аҳамиятлилари сифатида сўров қилинган раҳбарлар қуйидагиларни кўрсатишди:

-ахборотнинг самарали алмашинувига тўсқинлик қилувчи, ташкилий тузилманинг мукамал эмаслиги (63 фоиз);

-бозор шаклланиши даврида, бошқарув қарорларининг самарадорлигини ошириш имконини берувчи, фирма ичидаги ташкилий-бошқарув ислохотларининг йўқлиги (72 фоиз).

Ахборот таъминоти етарлича бўлмагани туфайли фирма ичидаги назоратнинг сусайиш кўрсаткичлари сифатида қуйидагилар кўрсатилган:

-қурилиш-монтаж ишларига сарфланадиган харажатлар;

-пул оқимларининг ликвидлиги;

-қурилиш-монтаж ишларининг сифати.

Қурилиш ташкилоти фаолиятининг якуний натижаларига, кўпгина кўрсаткичлар кунда ва ҳар ой текширилиш объекти бўлгандагина, эришиш мумкин, бу эса тегишли ахборот тизимининг тузилишини талаб этади. Қурилиш ташкилотининг рақобатбардошлигини бошқариш талабларига жавоб берувчи мос ахборот таъминотининг ташкил этилиши тизимни қуйидагича структурлаш заруратини келтириб чиқаради:

-фаолият турлари бўйича (лойиҳалаш, қурилиш, қурилиш материалларини ишлаб чиқариш);

-бошқариш функциялари бўйича (режалаштириш, ташкил этиш, мотивациялаш, назорат ва тартибга солиш);


-инвестицион-қурилиш даври босқичлари бўйича (техник-иқтисодий асослаш, лойиҳалаш, қурилиш, объектни эксплуатация қилиш);

-ресурслар бўйича (молиявий, меҳнат, моддий, техник),

Бизнес-жараённи ҳар қандай тизимлаштириш тўлиқ бўлмайди ва мунтазам янгиланиб турувчи бошқарув вазифаларининг турли-туманлигини акс эттира олмайди. Шу боис, шакллантиришнинг методологик тамойилларига асосланган, умумий бошқарувни ҳисобга олиш тизими, ҳамда соҳа ихтисослиги, фаолиятнинг диверсификацияланганлик даражаси, мулкчилик муносабатларини акс эттирувчи махсус тизимлар тузилиши мумкин.

Иқтисодиёт адабиётларида таклиф этилаётган бошқарувни ҳисобга олиш генерациясининг схемаларидан бири қуйидаги кўринишга эга (10.1-расм).

Қурилиш соҳасида бошқарувни ҳисобга олишни ташкил этиш, махсулот қийматини шакллантиришнинг ўзига хослиги, қурилиш даврининг узоқлиги ва тугалланмаган қурилишнинг мавжудлиги туфайли, бошқа соҳаларга нисбатан мураккаброқ. Объектлар бўйича ҳисобга олиш шароитида ҳар бир объект бўйича тугалланмаган қурилиш хажмини, ўз кучи билан ва пудратчи ташкилотлар ёрдамида бажарилган иш хажми, бўнақлар, қарзлар, харажатларни аниқлаш лозим. Фақат мазкур кўрсаткичларнинг тўплами объект бўйича таннархни, тушумни ва молиявий натижани аниқлаш имконини беради.



**10.1 - расм. Бошқаруви ҳисоби генерацияси схемаси**

Бозор муносабатлари ривожланган мамлакатларда қўлланадиган бошқарувни ҳисоби бухгалтерия ҳисобининг нисбатан ажралган тизимизни акс эттиради.

Бошқарув ҳисоби ташкилотни бошқаришнинг барча поғоналарида ички фойдаланиш учун ҳисобга олинадиган ахборотнинг барча турларини қамраб олади. Бошқарув ҳисоби томонидан етказиб бериладиган ахборот бухгалтерия ахборотидан фарқли равишда, сифат жиҳатдан ўзгача тавсифларга эга.

Бошқарув ҳисобини қурилиш соҳасига нисбатан шундай ташкил этиш керакки, у қуйидаги вазифаларни муваффақиятли бажара олсин:

-бошқарув поғоналари (вертикал алоқалар) ва таркибий бўлинмалар (горизонтал алоқалар) ўртасида коммуникация воситаси бўлиб хизмат қилувчи ахборот билан таъминлаш;

-бўлинмалар, шунингдек бутун ташкилот фаолияти натижаларини тезкор назорат қилиш ва баҳолаш;

-ҳақиқий натижалар асосида ташкилот фаолиятининг барча йўналишларини истиқболли режалаштириш ва мувофиқлаштириш;

-режалаштириш, ташкил этиш, ҳисобга олиш, таҳлил қилиш ва тартибга солиш функцияларини амалга ошириш учун талаб даражасидаги таҳлил билан бошқарувнинг барча поғоналарини ахборот билан таъминлаш;

-қурилишни ташкил этиш ва қурилиш материалларининг ўзига хос хусусиятларини акс эттириш;

-барча бошқариш функцияларининг ижросини ахборот билан таъминлаш имкони;

-бизнес-жараёнларнинг ички ҳолати тўғрисидаги ахборот қурилишнинг жорий ва истиқболли иқтисодий муҳити ҳолати тўғрисидаги ташқи маълумотлар билан тўлдирилиши керак;

-бошқарув ҳисобини самарали бошқариш мақсадларига мос бўлмаса, у мавжуд бошқарув тузилмасига кирмаслиги, балки ахборотнинг тез юборилиши ва қайта ишланишини, қарорларни минимум даражада

мувофиқлаштирилишини таъминлайдиган бўлиб, у билан бир вақтда такомиллашиши керак;

-бошқарув ҳисоби ресстрларининг шакли хўжалик жараёнлари ва уларни бошқариш тизимларининг ихтисосини инобатга олган ҳолда тузилиши керак;

-ахборот оқимлари ва улардан фойдаланиш бошқарув тузилмасининг жавобгарлик марказларига мос келиши керак.

Бухгалтерия ҳисоби ва бошқарув ҳисобининг автоном тизимларининг битта корхона доирасида мавжуд бўлиши иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқ эмас. Айрим иқтисодчилар бухгалтерия регистраларини тўлдириш тизимини маълум даражада ўзгартириш ва солиқ ҳамда бухгалтерия ҳисобини бошқарув ҳисоби билан қўшиш керак, деган нуқтаи назарни илгари суришмоқда.

Бошқарув ҳисобини олишни, бошқарув вазифаларини ҳал қилишга қаратилган, ҳисобга олиш маълумотларини ташкил қилиш, тўплаш ва йиғиш тизими сифатида белгилашади.

Бошқарув ҳисобини шундай ташкил этиш керакки, бунда юзага келадиган бошқариш вазияти, оптимал қарорни қабул қилишга ҳам миқдор жиҳатдан, ҳам сифат жиҳатдан кўмаклашувчи, ахборот билан тўлиқ таъминланган бўлсин. Тизимни бу тарзда ташкил этиш учун, ташкилотнинг бизнес-режасига боғлаган ҳолда, ҳисобга олинадиган предметли соҳани, унинг махсус турларини, аниқлаш лозим. Хусусан, сотиб олиш, омборга жойлаштириш, ишлаб чиқариш, сотиш, молиявий менежмент, инвестицион менежмент жараёнларини ажратишади.

Бошқарув ҳисоби ташкилотнинг ахборот таъминотининг бир қисми бўлиб ҳисобланади. Бошқарув ҳисобининг моҳияти – харажат ва даромадлар, меъёрлаштириш, режалаштириш, назорат ва таҳлилнинг интеграллашган тизими бўлиб, тезкор бошқарув қарорлари ва корхонанинг келгусидаги ривожланиш муаммоларини мувофиқлаштириш учун ахборотни тизимлаштиради.

Айрим муаллифлар бошқарув ҳисобининг предмети деб ишлаб чиқаришни бошқаришнинг бутун даври жараёнидаги объектлар тўпламини кўрсатишади. Объектлар қуйидагича гуруҳланади:

-корхонанинг хўжалик фаолияти жараёнида одамларнинг мақсадга мувофиқли меҳнатини таъминловчи, ишлаб чиқариш ресурслари;

-хўжалик жараёнлари ва уларнинг натижалари.

Бухгалтерия ва бошқарув ҳисобининг интеграцияси самарали бошқариш учун энг муҳим бўлган қуйидаги вазифаларни ҳал этиш имконини беради:

- зарурий таҳлилий белгилар тўпламини қўллаган ҳолда бухгалтерия ҳисобини қўллашни ташкил этиш;

- бухгалтерия ахборотини тайёрлашнинг вақт бўйича регламентларини бошқаришнинг вақт бўйича регламентлари талаблари билан мувофиқлаштириш;

-зарурий таҳлилий белгилар билан бухгалтерия ҳисобини олиб боришни таъминловчи ҳужжатлар айланмасини ишлаб чиқиш ва жорий этиш.

Бошқарув ва бухгалтерия ҳисобининг, бирламчи маълумотларни ишлатишнинг мақбуллиги ва комплекслиги, норматив-маълумот ахборотининг бирлиги, бутун бошланғич ахборотнинг бирламчи ҳисобда бир марта қайд қилиниши, ҳисобга олинувчи ахборотни қарор қилиш жойларига яқинлаштириш асосида ўзаро таъсирланиши, ташкилотни бошқаришнинг автоматлаштирилган тизимларини лойиҳалаштиришда бошқарув ва бухгалтерия ҳисоби вазифаларини ишлаб чиқишга ягона ёндаштиришни талаб қилади.

Иқтисодий адабиётларда молиявий ва бошқарув ҳисобининг фарқланувчи белгилари бир неча бор кўриб чиқилган. Модомики, бошқарув ҳисоби деганда бошқариш эҳтиёжлари учун ахборотни тўплаш, ишлаш ва тақдим этиш тизими тушунилар экан, бошқарув ҳисобининг мақсади бошқаришни қўллаб қувватлаш бўлади. Бошқа вазифаси – ўзининг вақт



бўйича регламентига кўра бошқариш мақсадларига мос келувчи, ички ҳисобот шакллари ишлаб чиқиш.

Хорижда ва мамлакатимизда янги қурилишни ташкил қилиш тажрибасини инобатга олган ҳолда, тадқиқотнинг танланган предметли соҳасига қўллаган ҳолда бошқарув ҳисобига таъриф бериш керак.

Қурилишда бошқарув ҳисоби тизими деганда, инвестицион ресурсларни қўллашнинг самарадорлигини таъминловчи, оптимал бошқариш қарорларини қабул қилиш мақсадида, режалаштириш, ташкил этиш, мотивациялаш ва назорат қилиш функцияларини амалга ошириш учун зарур бўлган, бизнес-жараёнларнинг ҳолати ва ташқи муҳитнинг прогнозлаштирилувчи ўзгаришлари тўғрисидаги ахборот билан қурилиш иштирокчиларини таъминловчи бухгалтерия ҳисобининг тизимостили тушунамиз.

Умумий тамойилларга қарамай, қурилишни бошқаришни таъминловчи тизимга, унинг механизми ва қурилиш жараёнида юзага келадиган алоқалар, бошқарув ҳисоби тизимини тузишда базис бўлади. Шубҳасиз, бу тизимларнинг турли-туман бўлишига шароит яратади ва бу ҳолда фақат типик ёндашишлар ҳақида сўз юритиш мумкин.

## **10.2. Бошқарув ҳисоби тизимида жавобгарлик марказларини шакллантириш**

Жавобгарлик марказлари бўйича ҳисоб – бу менажерлар хулқ-атворини илмий ташкил этишга йўналтирилган маълум билим, унинг мақсади бўлиб назорат эмас, балки ўз-ўзини назорат қилишда бошқарув ходимларига ёрдам бериш ҳисобланади. Жавобгарлик маркази концепцияси компанияларда маълум шахсларнинг ўз ишларининг молиявий натижаларига жавобгарлик даражаси бўйича аниқлаган Д. Хиггинсга тегишлидир. Жавобгарлик тамойилларини такомиллаштириб, С. Тукер 1962 йилда ТСМ (тари-соат-машина) усулини яратади, унинг моҳияти шундаки, ҳар бир жавобгарлик марказига машиналар бириктирилиб, олдиндан 1 машино-соатга кетадиган

харажатлар аниқланади. Р.Д. Мак-Илхатган, Р.А. Хауэлл ва С.Р. Соусилар назарияга олиб кирган “System-in-Time” усулининг пайдо бўлиши жавобгарлик марказлари бўйича ҳисоб усулларининг ташкилий ривожланиши ҳисобланади.

П. Рибель эгри харажатларни тақсимлаш керак эмас деб таъкидлаган, чунки хўжалик фаолиятининг барча натижалари пайдо бўлган жойдагина унинг ҳисобга олиниши шарт, бу эса жавобгарлик марказлари бўйича харажатлар ҳисобининг талаби ҳисобланади. Айнан шу ғояни, эгри харажатларнинг ишлаб чиқаришлар ўртасида тақсимланиши нафақат бефойда, балки ҳатодир, чунки жавобгарлик марказлари бўйича таҳлил ҳамда назоратни олиб бориш муҳимдир, деб ҳисоблаган П. Меньо ҳам илгари сурган.

Р. Антони жавобгарлик марказларини “маълум жавобгарликка эга ва бошқарувчи томонидан бошқариладиган ташкилий бирлик” деб атаган. Жавобгарлик марказларининг моҳияти шундаки, жонсиз предметлар ўрнига қарор қабул қилувчи менежер ҳисоб объекти бўлиб ҳисобланади.

Классификациялаш ва қурилишда харажатлар ҳисоби камчиликлари нафақат қурилиш маҳсулоти реал таннархининг ўзгаришида, балки жавобгарлиги аниқлаштирилмаган харажат объектларининг кенгайишида ҳам намоён бўлади. Жавобгарлик марказларини ўрнатиш муаммоси, унинг жиддийлиги ва ўта муҳимлиги мамлакат тадқиқотчиларини мазкур муаммога юзланишларига ҳамда жавобгарлик марказларини ташкил этиш бўйича таклифни асослаб беришга ундади.

Бошқарув ҳисоби концепцияси жавобгарлик марказларини шакллантиришга йўналтирилган бўлиб, жавобгарлик марказларини маълум ҳуқуқ ва жавобгарликка эга бўлган ташкилотларнинг тузилмавий бирлиги деб ҳисоблаш мумкин. Умуман, ташкилот унинг мақсадларига эришишига йўналтирилган ҳамда бошқарув коммуникациялари билан тизимли боғланган шакллантириш асосидаги жами жавобгарлик марказлари сифатида тасаввур

этилиши мумкин. Мазкур концепцияга асосан қуйидаги уч турдаги жавобгарлик марказлари ажратилади:

- қаерда берилган ишлаб чиқариш бирлиги ва харажатларга нисбатан ўлчаш мумкин бўлса, харажат (чиқим)лар маркази шу ерда ташкил этилиши мумкин; харажатлар маркази менежерининг мақсади – ҳақиқий харажатлар бўйича смет ва ҳисоботларни ишлаб чиқиш асосида уларни минималлаштиришдан иборат;

-даромад марказлари даромад ва харажатларни назорат қилиш, уларни солиштириш учун тузилади, бунинг учун сотиш нархи (бозор ва трансферт), реализация ҳажми (бозорда ёки ташкилот ичида) ва барча ҳисобот чиқимлари моддалари назорат қилинади;

-активларга қўйилмалар ва уларнинг рентабеллигини назорат қилувчи инвестициялар маркази.

Шундай ёндашиш мавжудки, унга мувофиқ харажат марказлари бошқариладиган харажатлар маркази ва қисман бошқариладиган харажатлар марказига бўлинади. Бошқариладиган харажатлар маркази харажатлар ва ишлаб чиқариш ўртасидаги оптимал муносабатларни ўрнатиш имконияти билан хусусиятланади; қисман бошқарилувчи харажатлар маркази бу турдаги аниқ тобелик алгоритмига эга эмас.

Амалий фаолиятда ташкилотларни бу турдаги марказларга ажратиш бирдек бўлмайди: кўп нарсалар ташкилот фаолиятининг диверсификацияси даражаси, унинг масштаблари ва бошқа ташкилий-иқтисодий омилларига боғлиқ бўлади.

Жавобгарлик марказлари шахсий кирим ва чиқимларига эга ташкилот доирасидаги тизимости сифатида аниқланади. Киримларда ресурслар истеъмол қилинади, чиқимларда эса жавобгарлик марказига ёки четга чиқувчи ишлаб чиқариш ёки хизмат кўрсатишлар юзага келади. Ҳар бир марказнинг фаолияти унинг самаралорлиги билан баҳоланиши мумкин.

Жавобгарлик марказлари ишлаб чиқариш жараёнига нисбатан ҳам асосий, ҳам функционал кўринишда тизимланиши мумкин. асосий марказлар

харажатлар юзага келиш жойлари бўйича назоратни ташкиллаштиради; функционал марказлар кўп жойларда юзага келувчи, лекин бир тузилмавий бўлимнинг таъсири остидаги харажатлар устидан назоратни таъминлайди.

Хусусан, В.Е. Ластовецкий алоҳида турдаги ресурслар – ишлаб чиқариш омиллари: меҳнат предметлари, меҳнат маблағлари ва ишчи кучи, ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва унга хизмат кўрсатишга харажатлар ажратиш ҳамда бошқарув харажатларидан фойдаланиш жавобгарлиги асосида жавобгарлик марказларини ташкил этишни таклиф қилган ҳолда бундай ёндашишнинг қатор афзалликларини ажратиб кўрсатади. Биринчидан, бирламчи ҳисоб тизимида ўзгаришлар талаб этилмайди. Иккинчидан, харажатлар классификацияси, уларни ҳисоблаш методологияси ва техникаси бозоргача бўлган жараёнда ва энг типик замонавий шароитларда юзага келган ташкилотни бошқаришнинг чизиқли-функционал тузилмаси билан мувофиқлаштирилади. Учинчидан, маҳсулот таннархида ҳар бир ишлаб чиқариш омилининг баҳо сиғими бўйича жавобгарлик марказларини аниқлашнинг реал имкониятлари яратилади.

Хусусан, ташкилотни самарали бошқариш учун муаллиф қуйидаги жавобгарлик марказларини ажратишни таклиф этади:

-технологик мақсадларда моддий ресурслардан фойдаланишга жавобгарлик маркази;

-меҳнат маблағларидан фойдаланиш самарадорлиги ва фойдаланиш шарти билан харажатлар баҳо сиғимига жавобгарлик маркази;

-меҳнат ресурсларидан фойдаланиш ва маҳсулот таннархида ишчи кучи омилининг баҳо сиғимига жавобгарлик маркази;

-ташкилот ва ишлаб чиқаришга хизмат кўрсатиш харажатларининг баҳо сиғими ҳамда самарадорлигига жавобгарлик маркази.

Бизнинг фикримизча, бундай тизимлаштириш тўлиқ эмас, чунки молиявий фаолиятни, ташкилот ривожланишини бошқариш, бозорни кенгайтиришни бошқариш ва бошқа муҳим бозор йўналишларини ўз ичига олмайди.

Баъзи ҳолларда цехлар, бўлимлар, участкалар ва бошқа ҳам ишлаб чиқариш, ҳам ноишлаб чиқариш йўналиши ташкилий бирликларни жавобгарлик марказлари сифатида қабул қилиш мумкин. Лекин, «жавобгарлик маркази» тушунчаси “бўлим” тушунчасига нисбатан кенгрок тушунчадир, чунки, жавобгарлик маркази бир қанча бўлимларни, бир қанча харажатлар марказини хўжалик марказлари ва бизнес бирликлар ташкил қилган ҳолда ўз ичига олиши мумкин.

Д. Арнолд ва Т. Хоуп жавобгарлик марказини менежер ёки менежерлар гуруҳи учун аниқ фаолият жойи сифатида аниқлашади. Муаллифлар жавобгарлик марказларига навбатдагиларни киритишади:

- харажат марказлари;
- даромад марказлари;
- инвестиция марказлари.

Жавобгарлик марказлари бўйича ҳисоб XX асрнинг 50-йилларда АҚШ да пайдо бўлиб, мамлакат адабиётларида ўз аксини топиш. Бу йўналишнинг мақсади турли даражадаги ишчиларнинг аниқ жавобгарлигини ўрнатиш йўли билан харажатлар устидан назоратни ошириш эди. Харажатлар назоратига эмас, балки маҳсулот таннархини ҳисоб-китоб қилишга зўр берилган ҳисобнинг ўрнига бутун компания бўйича фойдани ошириш захираларини топиш ва амалга ошириш имкониятини берувчи тизим юзага келди.

Д.Хиггинснинг назарий қарашларига асосан, жавобгарлик марказларини ажратиш асосида ташкилотнинг технологик тузилиши, ундан кейин унинг вертикал ва горизонтал захиралари ётиши керак. Ҳар бир марказ ёки харажат, ёки даромадлар, ёки инвестиция самараси маркази бўлиши мумкин. Биринчи ҳолда ҳисоботлар харажатлар бўйича, иккинчи ҳолда фойда бўйича ва учинчи ҳолда қоплаш муддати бўйича тузилади, чунки раҳбар маблағларни капитал қўйилмалар учун ҳам ишлатиш ҳуқуқига эга. Ҳар бир марказ турли вазифаларни бажариши мумкин, чунки ҳисобнинг объекти раҳбар ҳисобланади, алоҳида олинган вазифалар эмас. Жавобгарлик марказларининг горизонтал ва вертикал ажиратмалари раҳбарликни

марказаштириш, бўлимлар раҳбарларининг жавобгарлиги ва ташаббусининг оптимал мувофиқлигини топишга имкон беради.

Жавобгарлик марказлари бўйича ҳисобнинг афзалликларидан бири маҳсулот сифати ҳисобини ташкил қилиш имкониятидир. Харажатлар ташкилий жараёнлари билан боғланади ва уларга сифат назоратини ташкил этиш харажатлари, бракларлардан йўқотишлар, қайта ишлар ва кафолатланган таъмирлаш харажатларини киритиш мумкин. харажат бюджетини ўрнатишнинг ўзи уларни камайтиришни рағбатлантириш ҳисобланади.

Жавобгарлик марказларини шакллантириш муаммоларига М.А. Вахрушина эътибор қаратади, у раҳбарларнинг молиявий жавобгарлиги мезонлари бўйича тўрт турдаги жавобгарлик марказларини ажратиб кўрсатади. Тобелик бўйича жавобгарлик марказлари қуйидагича жойлашади: харажатлар маркази, даромадлар маркази, фойда маркази, инвестициялар маркази. Жавобгарлик марказларига бизнес бирликлар ҳам – аниқ турдаги маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотишнинг барча вазифаларини ва фаолият турларини бириктирувчи нисбатан мустақил ишлаб чиқариш-савдо бўлимлари киради.

Юкланган вазифаларни бажара олувчи жавобгарлик марказларини ажиратиш рационал ташкилий тузилмаларни ташкил қилишни, бўлимларнинг вазифаларини ва ишчиларнинг функционал мажбуриятларини аниқлашни талаб этади. Мажбурият қўлланмасини ишлаб чиқишда харажатлар устидан назорат талаби, назорат учун жавобгарлик ҳисобга олиниши шарт.

Пудрат ишлари бозори тузилмасидаги фарқлар, қурилиш ташкилотлари фаолияти диверсификациясининг танланган йўналишларига шартли равишда қурилишни бошқариш ташкилий тузилмасининг турли туманлиги исталган ташкилот учун ягона жавобгарлик марказлари турларини ажратиш шароитини яратмайди, аммо типик ёндашишларга йўналтиришнинг

имконини беради. Иқтисодий адабиётларда тизимлаштирилган кўринишда жавобгарлик марказларини ўрнатишнинг қуйидаги талаблари ажратилади:

-ҳар бир марказда фаолият ҳажмини ўлчаш кўрсаткичлари ва харажатларни тақсимлаш базаси аниқланган бўлиши керак;

-марказларни деталлаштириш даражаси аналитик ишлар учун етарли бўлиши, лекин ҳисоб ва таҳлилни қийинлаштирмаслиги керак.

-харажат марказларига фақат тўғри харажатларни умум хўжалик харажатларини ҳисобга олмасдан киритиш лозим.

Ҳисоб назариясида жавобгарлик марказларини ажиратишнинг қуйидаги тамойиллари мавжуд: функционал, ҳудудий, ташкилий тузилмага мувофиқ, харажат тузилмасининг ўхшашлиги.

Қурилишнинг хусусиятларига кучига, объектларнинг ҳудудий тарқоқлигига, ташкилий тузилмаларнинг турли туманлиги ва чалалиги каби ҳолатлархос бўлганлиги сабабли, замонавий босқичда уларнинг фақат биттасига йўналтириш амалий жиҳатдан мумкин эмас: санаб ўтилган тамойилларни оптимал равишда бирга олиб боришни таъминловчи аралаш ёндашув энг маъқул ҳисобланади.

Жавобгарлик марказлари бошқарув даражаси бўйича дифференциалланиши мумкин. Харажатларга бирламчи даражада жавобгарлик марказлари ўрнатилгандан сўнг мустақамланган иккиламчи даражадаги жавобгарлик марказлари, учамчи ва компания бошқаруви даражасига мос бошқа даражаларни ўрнатиш лозим. Бу ёндашувга асосан, қурилишда марказлар сифатида объектлар, участкалар, бўлимлар: лойиҳа, саноат, қурилиш қабул қилинади.

Жавобгарлик марказлари учун, мақсадга мувофиқ, фақат бошқариладиган харажатларни ўз ичига олувчи бюджетларни ишлаб чиқиш муҳимдир. Модомики, бошқарув ҳисоби тизими барча харажатлар бошқарувини қамраши шарт, ҳар бир модда ёки харажат гуруҳи учун шу харажатлар назорат қилинадиган марказларни идентификациялаш лозим.

Жавобгарлик марказларини шакллантиришнинг методологик ёндашувини ишлаб чиқиб, мақсадга мувофиқ даражада бошқарувни тарқатиб юборишга йўналтириш лозим, чунки тарқатиб юборилиш ҳам афзалликларга, ҳам камчиликларга эгадир. Тарқатиб юборилишнинг афзалликлари:

-қарор қабул қилиш учун менежер мавжуд имкониятлар тўғрисида тўлиқроқ ва тўғрироқ маълумотларга эга бўлади;

-қабул қилинадиган қарорлар тезкорроқ бўлиши мумкин;

-ташаббус кўрсатишга имконият мавжуддир;

Тарқатиб юборилишнинг камчиликлари:

-жавобгарлик маркази ва бутун ташкилот мақсадларининг бир-бирига мос келмаслиги мумкинлиги;

-менежерлар қарорларининг бошқа хўжалик юритувчи субъектлар кўрсаткичларига таъсирини аниқловчи маълумотларнинг етишмаслиги;

-бошқарув вазифаларининг қайтарилиши мумкинлиги.

Жавобгарлик марказлари бўйича ҳисобнинг мақсади - ҳар бир марказ харажатлари ва даромадлари тўғрисидаги маълумотларни умулаштириш ва харажатларнинг меъёр ёки режадан четлашишини аниқ раҳбарнинг зиммасига юклашдан иборат бўлиши лозим. Агар мазкур марказда реализация моменти – рентабеллик маркази мавжуд бўлса, нафақат харажатни, балки аниқ марказ томонидан олинган даромадни ҳам ҳисобга олиш муҳимдир.

Рентабеллик маркази – фойдани аниқлаш мумкин бўлган жавобгарлик марказларининг турларидан ҳисобланади. Рентабеллик марказлари бўйича харажатларни бошқариш моделидан фойдаланиш фойда учун жавобгарликни тарқатиб юборишга имкон беради. Бу ҳар доим ҳам мақсадга мувофиқ келавермайди, масалан, бир турдаги маҳсулот ишлаб чиқарилса ёки жавобгарлик марказининг хизматлари марказнинг ички мақсадларига йўналтирилган бўлса ва уларнинг маҳсулотлари ташқарига сотилмаса бу ҳолат яққол намоён бўлади.



Даромадларнинг умумлаштирилган марказлари бўлиб бутун ташкилот ҳисобланади; бир қанча бизнес бирликларга эга кўп қиррали ташкилот исталган бизнес бирлигида шундай умумлаштирилган марказга эга бўлиши мумкин. Лекин бундай даромад маркази шу даромадларни ишлаб чиқарувчи жавобгарлик марказлари билан мос келмайди.

Қурилиш соҳасининг иқтисодий адабиётларида даромадларнинг объект марказларини икки жавобгарлик маркази бўйича ташкил этиш таклифлари мавжуд. Оптимал жавобгарлик маркази бўлиб харажатлар амалга оширилувчи ва ҳисобга олинувчи, таннарх шаклланивчи ва белгиланган муддатда амалга оширилувчи реализация моментининг мавжуд қурилиш объектлари ҳисобланади. Бу марказ қурилиш бошқарувчиси сифатида «жавобгарлик марказлари» билан мос келади ( 10.2 - жадвал).

## 10.2 - жадвал

### Харажатлар объект маркази

<b>Жавобгарлик маркази</b>	
<b>Қурилиш бошқарувчиси</b>	<b>Фирманинг аналитик ҳисоб маркази (назорат хизмати)</b>
<b>Фойдага таъсир этувчи омиллар</b>	
1. графика нисбатан иш ҳажми	1. объектнинг смета баҳоси
2. графика нисбатан муддатлар	2. материаллар баҳоси
3. материаллар харажати	3. қўшимча харажатлар
4. иш хақи	4. солиқлар
5. субпудрат ишларининг баҳоси	5. бутун фирма бўйича ноишлаб
6. лойиҳа бўйича ноишлаб чиқариш харажатлари	чиқариш харажатлари

Бундай ёндашув қурилиш ташкилоти фаолиятининг манфаатларига жавоб беради, бироқ қурилиш бошқарувчисининг фойдани шакллантиришда имкониятлари чеклангандир. Хусусан, бюджет, молиявий захиралар,

истеъмол ресурслари сифати ва маҳсулот сифатларини бошқариш омиллари мавжуд эмас.

Умуман олганда, аналитик ҳисоб марказини жавобгарлик маркази деб аташ қонунчилик ва шубҳа туғдиради, агарда у бухгалтерия ҳисоби ва ташкилотлар ҳисоботларига жавоб берувчи тизим билан мос келмаса.

Расмий эмас, балки ҳақиқатдан ҳам объект даромадларини ҳамда объектнинг сифат хусусиятлари бошқарувчи объект жавобгарлик марказини ташкил қилиш иккита фирма ичидаги меъёрий кўрсаткичлар тизимига таяниши лозим. Сўзсиз, қурилиш ташкилотининг хўжалик юритиш, хўжалик ҳисоби участкаларини ташкил этиш малакалари бу ерда фойдалидир, аммо харажатларни меъёрлаштириш, лимитлаш концептуал асослари тайёр маҳсулот сотилиши, сифати, ташкилотнинг рақобатбардошлигига йўналтирилган ва кўриб чиқилган бўлиши шарт.

Шундай қарашлар мавжудки, рентабеллик марказларининг ташкил этилиши бир турдаги маҳсулот ишлаб чиқаришда мақсадга мувофиқ эмас. Бунинг учун ҳар бир бўлимнинг харажатларини аниқлаш ва уларни натура кўринишида маҳсулот ҳажмига киритиш етарлидир. Бундай усулда тайёр маҳсулот сотиш бўлимида жойлашган битта рентабеллик маркази тизими шаклланади.

Бундай ёндашув бизга нотўғри деб кўрсатилади, чунки бозор иқтисодиёти ривожланган мамлакатларда бизнес жараёнларни қайта ташкил этишнинг прогрессив йўналишларидан бири бу хусусий молиявий натижаларига эга бизнес бирликлар сонини максималлаштиришдан иборатдир.

Трансферт баҳоларининг ўрнатилиши раҳбарлар ўз кўрсаткичларини яхшилаш мақсадида нархларни максималлаштиришини рағбатлантириши мумкин бўлгани учун маҳсулот ёки хизматларнинг четга реализация қилиниши мавжуд бўлмаган ташкилот бирликларида рентабеллик марказларини ташкил қилиш баъзи ҳолларда самарасиз ҳисобланади.

Иқтисодий адабиётларда намоён бўладиган қуйидаги асосий тамойилларни ҳисобга олган ҳолда жавобгарлик марказлари бўйича ҳисоб тизими қуйидагича ташкил этилиши шарт:

-рахбар фақат назорат қила оладиган ва ўз таъсирини кўрсата оладиган харажат ва тушумларга жавоб бериш шарти билан харажат ва тушумларнинг бошқариладиган моддаларини аниқлаши;

-харажат ва тушумларларнинг аниқ моддаларига жавоб берувчи менежер ёки ишчининг фамилиясини хужжат реквизитига кириш йўли билан ҳисобот хужжатларини шахсийлаштириш;

-жавобгарлик маркази раҳбарининг мажбуриятлари ҳақиқий харажатлар ва натижалар бўйича смета тузиш ва ҳисоботни топширишдир.

Ишлаб чиқилган молиявий бошқарув моделлари бошқарув бухгалтерияси ҳисоби тизимини шакллантириш учун асос бўлиб ҳисобланади. Чунончи, схемаларда турли иерархик даражада пайдо бўладиган корхона бошқарувининг типик вазифалари мавжуддир, улар ҳам бутун ташкилот, ҳам молиявий кўрсаткичлар бириктирилган алоҳида жавобгарлик марказлари сифатида амалга оширилишини назорат қилишнинг кўрсаткичлар тизимини шакллантириш учун ишлатилади.

Реал амалиётда ташкилий бошқарув тузилмалари нафақат жорий натижаларни бошқаришга, балки бизнесни ривожлантиришга қаратилган мулкчилик муносабатлари, корхона диверсификация даражаси, ишлаб чиқариш масштаблари, қурилиш корхоналарининг асосий бизнес жараёнларини бошқариш ташкилий тузилмаси шартларига асосланган муҳим хилма-хилликларга эгадир.

Жавобгарлик марказларини ажратишга типик ёндашув аниқ ташкилотни бошқариш моҳиятини тўлиқроқ ёритувчи турли модификацияларнинг мавжудлигини ҳам инкор этмайди (10.3 - жадвал).

Расмий жихатдан, бошқарув ҳисоби тизими молиявий жавобгарлик марказларига боғлаган, ташкилотнинг молиявий ҳолатида намоён бўладиган баъзи чора-тадбирларни талаб этади. У ерда: жавобгарлик марказлари

рўйхати ҳамда фаолият турлари рўйхати, таъминот ва кўрсатилган бўғинлар томонидан бажарилувчи бошқарув вазифаларини ўз ичига олган ташкилий бўғинлар таркибини кўрсатиш лозим.

### 10.3 - жадвал

#### Қурилиш ташкилотининг жавобгарлик марказлари рўйхати (типик ёндашув)

Код	Жавобгарлик марказининг номи	Код	Жавобгарлик марказлари таркибига кирувчи тузилмавий бўғинлар
0	ТМ №0 (Консалдинг маркази)		Бутун ташкилот
1	ТМ №1 (Харажатлар маркази)	1	Ташкилот раббарияти
2	ТМ №2 (Молиявий хизматлар-харажатлари маркази)	2.1 2.2 2.3	Молиявий бўлим Бухгалтерия Аналитик ҳисоб маркази
3	ТМ №3 (Савдо хизматлари-харажатлари маркази)	3 3.1 3.2	Маркетинг бўлими Смета-келишув бўлими
4	ТМ №4 (Ривожлантириш хизмати-инвестиция маркази)	4.1 4.2 4.3 4.4 4.5	Янги техника ва технологиялар бўлими Ижтмоий ривожлантириш бўлими Техник бўлим Механизм бошқаруви Техник хавфсизлик бўлими
5	ТМ №5 (Ишлаб чиқариш хизмати-даромад маркази)	5 5.1 5.2 5.3 5.4 5.n	Лойиҳа бўлими Хусусий ташкилотларни бошқариш бўлими Қурилиш объекти 1 Қурилиш объекти 2 Қурилиш объекти n

#### Назорат ва муҳокама учун саволлар

1. Қурилишда бошқарув тизимини шакллантириш асосий ёндашувларига нималар киради?
2. Бошқарув тизимида релевантлик тушунчасини тушунтириб беринг?
3. Бошқарув ҳисоби генерацияси деганда нимани тушунасиз?
4. Бошқарув ҳисоби концепцияси деганда нимани тушунасиз?
5. Рентабеллик маркази деганда нимани тушунасиз?
6. Фойдага таъсир этувчи омилларга нималар киради?
7. Жавобгарлик марказлари деганда нимани тушунасиз?

## ХУЛОСА

Бозор шароитида қурилиш корхоналари хўжалик фаолиятини юритиш таҳлили қуйидаги учта жиҳатлара йўналтирилган бўлади:

-биринчидан, қурилиш корхонасининг иқтисодий кўрсаткичлари таҳлиliga мажмуавий ёндашувни таъминлаш;

-иккинчидан, тармоқлар бозорида қурилиш ташкилотининг рақобатбардошлигини баҳолаш учун малакали бозор таҳлиlinи амалга ошириш;

-учинчидан, қурилиш ташкилотида аналитик ишларнинг мавжуд ахборот таъминоти тизимини самарали қўллаш ва ривожлантириш.

Будан қурилишда иқтисодий таҳлил муаммолари ва уларнинг ечимларини намоён этувчи умумий хулосалар чиқарилади.

1. Доимий ўсиб боровчи пудрат ишлари бозорининг пудратчиларга нисбатан талаби, жадаллашувчи кураш мослашувчан бизнес стратегияларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш ўзгаришларига, хусусий ресурс салоҳиятининг доимий ўзгаришига қурилиш ташкилотларининг тезкор мослашувчанлигида. Бу фақатгина қурилишда яхши ташкил этилган аналитик ишларнинг ҳисобига амалга оширилиши мумкин.

2. Замонавий қурилиш ташкилотидаги иқтисодий таҳлил тизими бизнес муҳити мониторинги ва омилларининг ташкилот ички ресурс имкониятлари билан мос келишини таъминлаши лозим. Кутилмаган номувофиқликлар аниқлангандан кейингина уни тузатиш бўйича чора-тадбирларни амалга оширишга киришиш лозим.

3. Қурилиш ташкилотининг бозор салоҳиятини аниқлаш бозорда энг муваффақиятли хизмат кўрсатувчи рақибларнинг кўрсаткичлари билан солиштириш таҳлиliga таянади. Бозор шароитида қурилиш корхоналари хўжалик юритиш фаолиятини таҳлил қилишда қурилиш ва қурилиш маҳсулотларининг барча ўзига хос хусусиятларини эътиборга олиш зарур.

Қурилиш ташкилоти фаолиятининг самарадорлигини ошириш ўз навбатида, ҳам маъмурий бошқарув, ҳам ишчи кадрларга бир хилда тегишли бўлган инсон омилларини ҳаракатга келтиришни талаб этади. Таҳлил жараёнида фақатгина инсон ресурсларини аниқлаш эмас, балки корxonанинг кадрлар салоҳиятини ва унинг ўзгариш тенденциясини ўлчаш, ташкилотнинг кадрлар сиёсати қанчалик самарли эканлигини аниқлаш зарур.

4. Меҳнат унумдорлигини ошириш қурилиш ишлари ҳажмининг ўсиши, қурилиш муддатлари бўйича келишув мажбуриятларига риоя қилиниши молиявий натижаларнинг ўсишини белгиловчи омиллардан биридир. Мазкур омилни ҳаракатга келтириш қурилишнинг техник таъминланганлиги, қурилиш ишлаб чиқариш ташкилоти ва бошқа меҳнат унумдорлигини ҳар тарафлама таҳлил қилиш ва сифатли аналитик ахборотлар орқали унинг кенгайиш захиралари асосида ишлаб чиқилган чора-тадбирларни такомиллаштиришни талаб этади.

5. Кўпинча қурилиш корxonасининг бозордаги ўрнини, унинг ишбилармонлик обрўсини аниқлаб берувчи алоҳида иқтисодий ижтимоий вазифа бўлиб қурилиш маҳсулотининг сифати ҳисобланади. Қурилиш маҳсулотининг интегралланган истеъмол хусусиятлари сифатида, қурилиш маҳсулоти сифатини бошқариш, унинг шаклланиш жараёни, сифатни бошқариш тизимининг амал қилиши, паст сифатли иқтисодий натижаларни аниқлашнинг кўп жиҳатли таҳлилинини талаб этади.

6. Қурилиш корxonасида аналитик ишларнинг ахборот таъминоти келгуси ривожланишларни талаб қилади. Бу стратегик тезкор хусусиятга эга бўлган ҳам ташқи, ҳам ички ретроспектив ва башоратлаш ахборотларига бир хилда тегишлидир. Бошқарув ҳисоби ва унинг доирасида турли жавобгарлик марказлари раҳбарларининг бошқарув ҳисоботларидан фойдаланиш мумкинлиги тизимларини шакллантириш бошқарув қарорларининг тезкорлиги ва сифатлилигини оширишни таъминлайди.

## АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Каримов И.А. “Ўзбекистон: бозор иқтисодиётига ўтишда шахсий модел”. –Т: “Ўзбекистон”, 1993.
2. Каримов И.А. “Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисодий сиёсат, мафкура”. –Т: “Ўзбекистон”, 1996.
3. Каримов И.А. “Ўзбекистон мустақил тараққиёт йўлида”. –Т: “Ўзбекистон”, 1995.
4. Каримов И.А. “Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида”. –Т: “Ўзбекистон”, 1995.
5. Ўзбекистон Республикаси корхоналари тўғрисида қонун.
6. Ўзбекистон Республикасининг бухгалтерия ҳисоби тўғрисида қонун. Т., 1996.
7. Ўзбекистон Республикасининг солиқ кодекси. Тошкент, 1998.
8. Маҳсулот (иш, хизмат)ларни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисидаги Низом. ЎзРВМ қарори, 1999.
9. Халқ хўжалигида ҳисоб-китоблар ўз вақтида ўтказилиши учун корхона ва ташкилотлар раҳбарларининг масъулиятини ошириш борасидаги чора - тадбирлар тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони. 12 май 1995 йил, 12 май.
10. Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти. –Т., 1998-1999.
11. Бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандартлари. –Т., 1995.
12. “Анализ хозяйственной деятельности в промышленности”. – Минск. “Высшая школа”, 1999.
13. Акрамов Э.А. “Корхонанинг молиявий ҳолатини таҳлили”, –Т.: “Молия”, 2003.
14. Абрютин М.С., Грачёв А.В., “Анализ финансово-экономической деятельности предприятия”. –М., 2000.

15. Баканов М.И., Шеремет А.Д. “Экономический анализ”. –М., “Финансы и статистика”. 1999.
16. Баканов М.И., Шеремет А.Д. “Теория экономического анализа”. – М., “Финансы и статистика”. 1996.
17. Бухгалтерский анализ. Перевод с англ. –Киев. Торгово-издательское бюро, 1993.
18. Григорьев Ю.А. “Учёт, анализ и контроль внешнеэкономической деятельности и валютных операций”. –М., ПАИМС, 1993.
19. Демеченков В.Е., Милета В.И. “Системный анализ деятельности предприятий”. –М., “Финансы и статистика” 1990.
20. Ергешев Е.Е. “Иқтисодий ва молиявий таҳлил”. Дарслик. –Т., “Молия”, 2000.
21. Ергешбоев В.В., Волжин И.О. “Финансовый анализ”. –Т., 1998.
22. Ефимова О.В. “Финансовый анализ”. –М.: 1996.
23. Ергешев Е.Е. «Иқтисодий ва молиявий таҳлил». Дарслик. –Т., “Молия” 2000.
24. Иброҳимов А.Т. “Молиявий таҳлил”, –Т, «Меҳнат», 1995.
25. Исроилов Б. “Молиявий таҳлил”. –Т., 1999.
26. Ковалёв В.В. “Финансовый анализ”. –М., “Финансы и статистика”. 1996.
27. Қодирхонов С.Б., Жуманиёзов К.К. “Бухгалтерия ҳисобининг стандарт шакллари ташкил қилиш асослари”, –Т., 1993.
28. Кодирхонов О.Б. “Саноатда бухгалтерия ҳисоби”. –Т., “Ўзбекистон”, 1993.
29. Методика анализа деятельности производственного предприятия (объединения). Издание 2-ое под ред. А.Бужинского., А.Шеремета. –М., “Финансы и статистика”. 1995.
30. Новодворский В.Д., Пономарёва Л.В., Ефимова О.В. Бухгалтерская отчётность: Составление и анализ. В 3-х частях. –М., Бухгалтерский учёт. 1994.



31. Палий В.Ф. “Новая бухгалтерская отчётность”. “Содержание, методика анализа”, Контролинг, 1991.
32. Пардаев М.К. “Иқтисодий таҳлил”. Ўқув кўлланма –Т., Самарқанд кооператив институти, 2001.
33. Пардаев М.К. “Иқтисодий таҳлил назарияси” – Самарқанд: “Зарафшон”, 2001.
34. Савицкая Г.В. “Анализ хозяйственной деятельности предприятия”. Минск, “Новое знание”, 1994.
35. Савицкая Г.В. “Методика комплексного анализа хозяйственной деятельности”. –М., ИНФРАМ 2001.
36. Шеремет А.Д. и др. “Методика финансового анализа предприятия”. –М., “Финансы и статистика”. 1992.
37. Шеремет А.Д., Сунц В.П. “Аудит”. –М., 1995.
38. Шишкин А.К., Микрюков В.А., Дишпант И.Д. “Учёт, анализ, аудит на предприятии”. –М. 1996.
39. Шоалимов А.Х. “Бошқарув таҳлили”. Ўқув кўлланма. –Т., ТДИУ, 2003.
40. “Финансовый анализ деятельности фирмы”, –М.: Ист. Сервис, 1994.
41. Фридман П. “Контроль затрат и финансовых результатов при анализе качества и продукции”. Перевод с англо –М., ЮНИТИ Аудит, 1994.
42. Черкасов В.Е. “Практическое руководство по финансово-экономическим расчётам”, –М. Метаинформ. 1995.
43. Хритгри., Фосткер Г. “Бухгалтерский учёт: Управленческий аспект. Перевод с англ. –М., “Финансы и статистика”, 1995.
44. Энтони Р., Рис Дж. Учёт: ситуации и примеры. Перевод с англ. – М., “Финансы и статистика”. 1993.

